146. Сайлегов Асанбой, Тошкент областида туғилган, қизил аскар, Витебск области Городокск райони Первомайск қишлоқ совети Веремеево қишлоғида жангда бўлган Морозова қишлоғида ҳалок бўлган, қабр рақами 2412.

147. Сафаров Берлин, 1922 йили Тошкент шаҳрида туғилган, 1942 йилда Минск шаҳри Марказий райони Тимирязев кўчасида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 1154.

148. Стебницкий Виктор Михайлович, Тошкент шаҳрида туғилган, кичик сержант, 1944 йилда Брест области Ляховичи райони Ольховский қишлоқ совети Завинье қишлоғида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 105.

149. Султонов Муҳаммаджон, 1903 йили Тошкент областида туғилган, оддий аскар, ОЛБ 290 СДда хизмат қилган, 1943 йил 23 ноябрда Витебск области Дубровенск райони Малосавинск қишлоқ совети Хондоги қишлоғида жангда ҳалок бўлган, Витебск области Дуровенск райони Хондоги қишлоғига дафн қилинган, қабр рақами 4846.

150. Султонов Сайдимик, 1924 йили Тошкент областида туғилган, сержант, 1944 йилда Брест области Брест шаҳрида Брест қалъасининг Героев мудофааси кўчасида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 362.

151. Тагогоров Ариппай, Тошкент областида туғилган, оддий аскар, П/П 92832 да хизмат қилган, 1943 йилда Витебск области Витебск райони Яновичи қишлоқ совети Яновичи шаҳар посёлкасида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 4446.

152. Тожибоев Рашид, Тошкент областида туғилган, катта сержант, 650-СП 138-СДда хизмат қилган, 1944 йил 26 июнда Могилев области Быхов райони Лудчицы агрошаҳарчасида жангда ҳалок бўлган, Могилев области Быхов районида дафн этилган, қабр рақами 2934.

153. Тожибоев Қурбон, 1925 йили Тошкент областида туғилган, қизил аскар, 1944 йил 9 февралда Витебск области Витебск райони Летчанский қишлоқ совети Старое Село қишлоғида жангда ҳалок бўлган, Витебск области Шумилинск райони Волково қишлоғида дафн этилган, қабр рақами 4421.

154. Тошпўлатов Ортиқ, 1905 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1944 йилда Витебск области Полоцк райони Полотовский қишлоқ совети Полота қишлоғида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 2350.

155. Ташкенбоев Ботир, 1924 йили Тошкент области Янгийўл райони Калинин қишлоқ совети Андрей колхозида туғилган, 1944 йил 22 февралда Гомель области Рогачавск райони Звонецк қишлоқ совети Шапчицы қишлоғида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 3862.

156. Третьяков Виктор Митрофанович, 1909 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, кичик лейтенант, 1945 йилда Брест области Брест шаҳрида Брест қалъасининг Героев мудофааси кўчасида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 362.



157. Тўрахонов Ҳошим, 1896 йили Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1943 йилда Витебск области Витебск райони Вороновск қишлоқ совети Вороны агрошаҳарчасида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 4391.

158. Тиллабоев Эргаш, 1925 йили Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1944 йилда Витебск области Витебск райони Октябрск қишлоқ совети Шапуры қишлоғида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 4420.

159. Тўлаганов Убайдулло, Тошкент шаҳрида туғилган, қизил аскар, 438 СП 129 СДда хизмат қилган, Гомель области Кормянск райони Ворновск қишлоқ совети Ворновка қишлоғида жангда ҳалок бўлган, Гомель области Кормянск райони Ворновка қишлоғида дафн этилган, қабр рақами 3738.

160. Турдиев Қудрат, 1904 йили Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1944 йилда Витебск области Витебск райони Октябрск қишлоқ совети Шапуры қишлоғида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 4420.

161. Тўлаганов Ҳотам, 1919 йили Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1944 йилда Витебск области Полоцк райони Малоситнянск қишлоқ совети Дретун станциясида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 4282.

162. Умаров Брадобей, 1892 йили Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1944 йилда Витебск области Полоцк райони Малоситнянск қишлоқ совети Труды қишлоғида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 4285.

163. Ўринбоев Абдулла, 1907 йили Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1944 йилда Витебск области Полоцк райони Малоситнянск қишлоқ совети Дретун станциясида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 4282.

164. Усаков Абдураҳмон, 1908 йили Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, Витебск области Витебск райони Октябрск қишлоқ совети Шапуры қишлоғида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 4420.

165. Утипов Баюсадир, 1923 йили Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1943 йилда Витебск области Дубровенск райони Зарубский қишлоқ совети Зарубы агрошаҳарчасида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 4831.

166. Фоменко Терентий Михайлович, 1911 йили Тошкент областида туғилган, қизил аскар, 1944 йил 9 февралда Витебск области Витебск райони Летчанск қишлоқ совети Старое Село қишлоғида жангда ҳалок бўлган, Витебск области Сиротинск райони Волково қишлоғида дафн этилган, қабр рақами 4421.

167. Ҳайдаров Маҳмуд Ҳайдар, 1920 йили Тошкент областида туғилган, лейтенант, 289 б.п.да хизмат қилган, Минск шаҳри Марказий райони Тимирязев кўчасида жангда ҳалок бўлган, 352 лагерда дафн этилган, қабр рақами 1154.

168. Ҳакимов Абдураҳмон, Тошкент областида туғилган, қизил аскар, 1944 йил 10 февралда Витебск области Витебск райони Летчанск қишлоқ совети Старое Село қишлоғида жангда ҳалок бўлган, Витебск области Шумилинск райони Казаки қишлоғида дафн этилган, қабр рақами 4421.

169. Холматов Абдулла, 1917 йили Тошкент областида туғилган, Тошкент шаҳрида қариндошлари бор, катта лейтенант, артиллерияда хизмат қилган, 1942 йил 18 августда Серловда асирга тушган, Брест области Бараноск райони Леснянск қишлоқ совети Березовка қишлоғида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 428.

170. Харченко Федор Григорий, 1916 йили Тошкент областида туғилган, Тошкентда қариндошлари бор, лейтенант, 53 СДда хизмат қилган, 1942 йил 25 июнда Волховда асирга олинган, 1942 йил 7 ноябрда Брест области Бараноск райони Леснянск қишлоқ совети Березовка қишлоғида жангда ҳалок бўлган, 337-лагер 83-қабристонга кўмилган, қабр рақами 428.

171. Цыбульский Фроима Ароновича, 1924 йили Тошкент шаҳрида туғилган, Фрунзе РВКдан хизматга чақирилган, старшина, 1943 йил 21 ноябрда Гомель области Лоевск райони Бывальков қишлоқ совети Бывальки қишлоғида жангда ҳалок бўлган, Тростенец қишлоғида қайта дафн этилган, қабр рақами 2029.

172. Чалабоев Қосим, 1917 йили Тошкент областида туғилган, қизил аскар, 479 СП 149 СДда хизмат қилган, 1943 йил 11 ноябрда Гомель области Речицк райони Вышемирск қишлоқ совети Гончаров-Подел қишлоғида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 3974.



173. Чекунов Илларион Григорьевич, 1905 йили Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1944 йилда Брест области Ляховичск райони Ольховск қишлоқ совети Падсколье аҳоли пунктида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 111.

174. Шокиров Ҳошимжон, 1904 йили Тошкент шаҳри Октябрь районида туғилган, Тошкент шаҳри Октябрь РВҚдан хизматга олинган, сержант, 1943 йил 19 ноябрда Гомель области Лоевск райони Малиновск қишлоқ совети Малиновка агрошаҳарчасида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 2017.

175. Шобердиев Омон, 1923 йили Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1944 йилда Витебск области Витебск райони Октябрск қишлоқ совети Шапуры қишлоғида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 4420.

176. Шебалтунов Сергей Игнатъевич, 1925 йили Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1944 йилда Брест области Сталин райони Федорск қишлоқ совети Федоры агрошаҳарчасида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 11.

177. Шералиев Лутфулло, 1909 йили Тошкент шаҳри Тахтадуле кўчаси 162-уйда туғилган, Тошкент РВҚдан хизматга олинган, оддий аскар, 1944 йил 1 апрелда Гомель области Жлобинск райони Новомарковичск қишлоқ совети Прибудок қишлоғида жангда ҳалок бўлган, ХППГ 4313 Прибудок қишлоғида дафн этилган, қабр рақами 6843.

178. Шикирин Николай Артемович, Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1944 йил 23 февралда Брест области Сталин райони Федорск қишлоқ совети Федоры агрошаҳарчасида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 11.

179. Юлдашев Ҳасанбой, Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1944 йилда Витебск области Витебск райони Октябрск қишлоқ совети

Шапуры қишлоғида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 4420.

180. Юлдашев Умар, 1906 йили Тошкент областида туғилган, қизил аскар, 290 СД, 878 КСПда хизмат қилган, 1943 йил 20 ноябрда Витебск области Дубровенск райони Малосавинск қишлоқ совети Хондоги қишлоғида жангда ҳалок бўлган, Витебск области Дуровенск райони Хондоги қишлоғига дафн қилинган, қабр рақами 4846.

181. Юсупов Аъзам, 1903 йили Тошкент области Октябрь районида туғилган, оддий аскар, 256 гв СП 56 гв СДда хизмат қилган, 1943 йилда Витебск области Дубровенск райони Пироговск қишлоқ совети Буда агрошаҳарчасида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 4827.

182. Юсупов Абдулло, 1905 йили Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1944 йилда Витебск области Витебск райони Октябрск қишлоқ совети Шапуры қишлоғида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 4420.

183. Юсупов Ортик, 1920 йили Тошкент шаҳрида туғилган, 1944 йилда Витебск области Витебск райони Октябрск қишлоқ совети Шапуры қишлоғида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 4420.

184. Юсупов Шокир, 1907 йили Тошкент шаҳрида туғилган, оддий аскар, 1944 йилда Витебск области Полоцк райони Полотовский қишлоқ совети Полота қишлоғида жангда ҳалок бўлган, қабр рақами 2350.

185. Якушев Николай Виктор, 1907 йили Орловда туғилган, қариндошларининг манзили Тошкент шаҳрида, лейтенант, 225 СПда хизмат қилган, Брест области Баранович райони Леснянск қишлоқ совети Березовка қишлоғида жангда бўлган, 1942 йил 7 майда Курскда асирга олинган, 337-лагерда дафн этилган, қабр рақами 428.



ЎЗБЕК АДИБЛАРИ ФРОНТ ГАЗЕТАЛАРИДА

Маъмуржон Саидхонов

Тарих манбалар ва фактлар билан реаллашади. 1941 – 1945 йиллар оралиғида бўлиб ўтган Германия ва унинг иттифоқчилари билан собиқ СССР ўртасидаги уруш тафсилотлари жойлардаги архив материалларида ўз ифодасини топган. Собиқ СССР ҳудудидаги архив материалларида расмий давлат ҳужжатлари билан бирга ўша давр воқеаларини жонлантиришда энг муҳим манбалардан бири уруш йилларида нашр этилган оммавий ахборот воситалари саналади. Зеро, уруш даврини оператив, ҳаққоний, мунтазам хронологик тарзда ёритиб борувчи газеталар уруш йилларида халқимизнинг ғалабасига ҳисса қўшган, жангчиларни ғалабага илҳомлантирган, фронт ортидаги аҳолини ватан учун, ватан ҳимояси учун меҳнат қилишга чорлаган катта маънавий куч бўлиб хизмат қилган.

Ватан ҳимояси учун жанггоҳларда қон кечган 1 500 000 дан ортиқ ўзбек аскарларига маънавий мадад бўлиш учун уруш йилларида ўзбек тилида 13 та фронт, 3 та дивизия газеталари чоп этилган. Ушбу газеталар 1-Болтиқбўйи фронтда («Душманга қарши олға»), 2-Болтиқбўйи фронтда («Суворовчи»), 3-Болтиқбўйи фронтда («Ватан учун»), 1-Белоруссия фронтда («Фронт ҳақиқати»), 3-Белоруссия фронтда («Қизил аскар ҳақиқати»), 1-Украина фронтда («Ватан шарафи учун»), 2-Украина фронтда («Суворов натиски»), 3-Украина фронтда («Совет жангчиси»), Брянск фронтда («Ғалаба сари олға»), Узоқ Шарқ фронтда («Бонг») ва бошқа жойларда нашр этилган. Ўзбек тилида чоп этилган ушбу

газеталарнинг катта қисми бугунда Россия Федерацияси ва вилоятлардаги давлат архивларида, Украина, Беларуссия каби ҳарбий ҳаракатлар олиб борилган давлатлардаги архивларда сақланмоқда.

Андижон давлат университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Марказий Қатағон қурбонлари музейининг Андижон вилояти бўлими раҳбари Рустамбек Шамсутдинов шахсий ташаббус кўрсатиб, катта фидойилик билан университет ректори ва ҳомийларнинг молиявий қўллаши натижасида Россия Федерациясининг давлат архивларидан, махфий манбалар сақланаётган Санкт-Петербург, Москва, Химки шаҳарларидаги кутубхоналардан «Ватан учун», «Совет жангчиси», «Суворовчи», «Фронт ҳақиқати», «Қизил аскар ҳақиқати», «Бонг», «Ватан шарафи учун», «Душманга қарши олға», «Қизил армия» газеталари таҳламаларини излаб топиб, уларнинг электрон вариантларини олиб келиб ўзи бош бўлган «Мерос» жамоат фондига жойлаштирди. Ҳар бир газетадаги эътиборли материалларни нашрий хронологик тартибда **«ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВА ФРОНТ ГАЗЕТАЛАРИ»** номли уч жилддан иборат бўлган китобга жойлаб, изоҳ ва қайдлар билан нашрдан чиқарди (I, II, III жилдлар. Тошкент: Академнашр, 2017 йил).

Жаҳон уруши йилларида ўзбек тилида нашр этилган фронт газеталарида собиқ Иттифоқ раҳбарларининг уруш муносабати билан халққа мурожаатномалари, чақириқлари, Ўз-



бекистон ҳукумати раҳбарларининг фашизм устидан ғалаба қозониш бўйича даъватлари, бевосита уруш майдонларидаги шароит, жангчиларнинг матонати, жанггоҳлардан олинган жонли лавҳалар, ўзбек жангчилари кўрсатган қаҳрамонликлар ҳақидаги очерклар, шунингдек, фронт ортидаги ҳаёт, ўзбек ишчи-хизматчиларининг, колхозчиларининг немис-фашист газандаларини тор-мор келтириш иштиёқидаги фидокорона меҳнатларини акс эттирган материаллар берилган. Энг эътиборлиси, фронтда ғалаба иштиёқида жанг қилаётган жангчиларимизнинг руҳиятини кўтариш, ғалабага бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўзбек журналистлари, шоир ва ёзувчилари ўз асарлари билан мадад кўрсатганлар. Бу даврда ўзбек адабиётида ёзилган асарларнинг асосий мавзуси ватанпарварлик, қаҳрамонлик ва фидойиликка айланиб улгурган эди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ўзбек адабиёти тарихида уруш йиллари адабиёти алоҳида давр сифатида эътироф этилади.

Уруш адабиётимиз олдида янги, долзарб вазифаларни қўйган. Халқ ва ватан олдидаги виждоний бурч, юртни асраш, уни газандалар қўлига топширмаслик, она юртни келажак авлодга озод ва обод ҳолда топшириш масъулияти ҳар бир ижодкорни шу мавзуда қўлга қалам олишга мажбур қилган эди. Бунинг натижасида собиқ Иттифоқдан мингдан зиёд ижодкорлар қўлларига қурол олиб фашизмга қарши жанг қилдилар. Бир қанчалари фронт газеталарида ҳарбий мухбир ва газеталар муҳаррир ўринбосарлари сифатида фаолият кўрсатдилар, бошқалари ўз юртларида туриб қаламларини қуролга айлантириб «Берлинга ўт қўйдилар».

Уруш даври адабиётининг мавзу доираси, ғоявий мундарижаси янада кенгайди. Адабиётимизда она ватан мудофааси, уни эъзозлаш, ҳимоя қилишга чорловчи асарлар кўпайди, қаҳрамонлик, ватанпарварлик, дўстлик мавзулари кенг ёритилди.

XX асрнинг 30-йилларида адабиётимизда тинч ва эркин меҳнат асосий мавзу саналган, ижод аҳли томонидан коллективлаштириш,

саноатни ривожлантириш, инсонларнинг ижтимоий, маънавий ва маданий турмуш тарзини кўтариш масалалари ёритилган бўлса, уруш даврига келиб адабиётимизнинг асосий мавзуси ватанпарварлик, қаҳрамонликдан иборат бўлди.

Султон Жўра, Ҳасан Саид, Олим Шарофиддинов, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Парда Турсун, Иброҳим Раҳим, Шароф Рашидов, Илём Муслим, Мамарасул Бобоев, Адҳам Раҳмат, Мумтоз Муҳаммедов, Мирзакалон Исмоилий, Назармат, Шухрат, Суннатилла Анорбоев, Жуманиёз Шарипов, Султон Акбарий, Адҳам Ҳамдам, Душан Файзий, Баҳром Раҳмонов, Зоҳиджон Обидов, Тўғон Эрназаров, Мели Жўраев каби 30 дан ортиқ ўзбек ёзувчиси бир қўлида қурол, бир қўлида қалам билан душманга қарши жангларда иштирок этди.

Муса Жалил, Аркадий Гайдар, Султон Жўра, Олим Шарофиддинов, Ҳасан Саид каби истеъдодли ёзувчи, шоир, адабиётшунослар ушбу жангларда ҳалок бўлди.

Профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» китобларини варақлар эканмиз, унда икки хил тенденцияга гувоҳ бўламиз: бир томондан, бевосита жанггоҳларда ўзбек жангчилари кўрсатган жасорат намуналари битилган мақола-очерклар, жанг тафсилотлари ҳақидаги материаллар берилган бўлса, иккинчи томондан, фронт ортидаги юртдошларимизнинг ғалаба учун фидойиларча меҳнат қилганлари ёритилган. Фронт учун аҳолидан тўплаб жўнатилган озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа зарур ашё ва анжомлар, шунингдек, танк ва бошқа қуроллар сотиб олиш мақсадида саховатпеша одамлардан тўплаб жўнатилган маблағлар ҳақидаги мақолалар жангчи-газетхонларнинг ғалабага бўлган иштиёқини янада оширган.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Наим Каримов Рустамбек Шамсутдинов тайёрлаб нашр эттирган уч жилдлик манбанома-китоб ҳақида тўхталиб шундай дейди: «Фронт газеталарида эълон қилинган материаллар билан танишиш шундан шаҳодат берадики, биринчидан, ўзбекистонлик жангчи-



лар нафақат ўзлари жойлашган ҳарбий қисмда ва бошқа фронтларда, балки Ўзбекистонда ҳам, қўшни мамлакатларда ҳам рўй бераётган муҳим воқеалардан, юртдошларининг фронт орқасида кўрсатаётган меҳнат жасоратларидан мунтазам равишда воқиф бўлиб туришган. Улар ўзбек халқининг ўз жангчиларини бир лаҳза ҳам унутмай, уларга совға-салом, хат-хабар йўллаб турганларини ўз кўзлари билан кўришган, бу эътибордан, меҳр-муҳаббатдан катта руҳий мадад олишган. Ўзбек шоир ва ёзувчиларининг фронт газеталарида босилган асарлари уларни мардликка, жасоратга, қаҳрамонликка ундаган. Шу маънода фронт газеталари ҳам Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабага ҳисса қўшган деб дадил айта оламиз».

Уч жилдлик «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» китобидан ўзбек адабиётининг таниқли намояндалари бўлган элликдан ортиқ ёзувчи, шоир, журналистнинг 200 дан ортиқ асарлари, хабар ва очерклари ўрин олган бўлиб, 1000 дан ортиқ ёш ижодкорларнинг, журналистларнинг, ҳарбийларнинг, жамоатчи мухбир ва бошқаларнинг ижодидан намуналар, очерклар, хабарлар, лавҳалар, чақириқлар, даъватномалар, ахборотлар келтирилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтда ҳарбий аскарлар билан ёнма-ён юриб, уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган ва жанговар мавзуда жонли тарзда мақола ва очерклар ёзган, шеърлари ҳамда насрий бадиий асарлари билан урушда заҳмат чекаётган жангчиларнинг ва оддий халқнинг ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлаган Султон Жўра, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Уйғун, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Назир Сафаров, Шароф Рашидов, Илём Муслим, Мумтоз Муҳаммедов, Мирзакалон Исмоилий, Адҳам Ҳамдам каби бир қатор ижодкорларнинг фронт газеталаридаги материаллари таҳлили шуни кўрсатадики, уларда жонли жанг тафсилотлари, муайян аскарнинг кўрсатган қаҳрамонликлари, фронтдаги аскар ҳаёти билан боғлиқ эпизодлар таъсирли битилган, улар оптимистик руҳ билан суғорилган.

«Қизил аскар ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Адҳам Раҳмат (3- Белоруссия fronti) урушнинг сўнгги кунига қадар ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, ўта таъсирчан мақолалари, очерк, ҳикоя, лавҳа ва шеърлари билан аскарлар қалбига кириб борган.

«Фронтимиз қаҳрамонлари қиссаси «Ўч» мақоласи шундай сўзлар билан бошланади: **«Фронт йўлидан борар эканмиз, катта тош йўлнинг икки томони немис қароқчиларининг ўлиги билан, халқдан талаб олинган кўрпа, ёстиқ, кострюл, қозон, товоқ, идишлар билан тўлиб-тошган».** Бу билан муаллиф газетхонда нафақат немис аскарига, балки унинг ўлигига ҳам нафрат уйғотмоқда. У инсонларнинг тинч ҳаётига раҳна солувчи қотилгина эмас, балки талончи, пасткаш, гадой эканини ҳам кўрсатиб бермоқда. Ўзларини олий ирқ вакили деб билиб оламни забт этишни ният қилган, фюрернинг башанг аскарини кийимлари билан яسانيб мусиқа садолари остида жангга кирган фашист аскарлари ўликларининг хор бўлиб оёқ остида ётгани тасвирланмоқда.

Мақола кўтаринки кайфиятда яқунланади: **«Ўзбек жангчилари! Душманни ўз ерида шафқатсизлик билан қирингиз ва ғалаба байрогини Берлин устига тикиш учун мардона қадам ташлаб борингиз!»**

Адҳам Раҳмат, Раҳмат Файзий, Иброҳим Раҳим, Маъруф Ҳаким фаолият олиб борган «Қизил аскар ҳақиқати» газетаси таҳририяти илғорлар сафида борган ва ғалабага муносиб ҳисса қўшган.

2-Болтиқбўйи фронтда 1944 йилнинг январь – декабрь ойлари оралиғида нашрдан чиққан «Суворовчи» газетасининг қарийб 40 та сони «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» китобининг 1-жилдида жамланган бўлиб, унда газетанинг масъул муҳаррир ўринбосари, журналист ва ёзувчи Мумтоз Муҳаммедовнинг ниҳоятда таъсирли очерклари, ҳикоялари, мақолалари босилган.

М.Муҳаммедовнинг «Ўзбек халқининг ифтихори – снайпер Мамадали Мадаминов» деб номланган очерки билан танишар эканмиз, урушнинг қайноқ нуқтаси акс эттирилганини кўраемиз:



Уруш оғир. У мамлакатнинг ва кишиларнинг ҳар бир томонини синовдан ўтказди. Уруш қон тўкиш, ўт, олов демакдир! Булар ҳаммаси Мамадалининг кўз олдидан ўтди. Мана, энди у ҳақиқатни жанг майдонига келиб кўрди ва ҳанг-манг бўлди. Ана, осмонга бўралаб кўтарилган қуйқа тутунлар. Ўқ, снаряд, бомба, миномёт, пулемёт овозлари, даҳшат... Ахир бу тутунлар орасида кул бўлиб ёнаётган рус қишлоқ ва шаҳарлари-ку! Уни совет халқи барпо қилган-ку!

Буларнинг ҳаммаси Мамадалининг юраги билан ўйнашди. Душманга нисбатан қасос ҳислари тўлиб-тошди. У ўз қардош рус ўртоқларини кўриб тетик ва бардам бўлди.

– Итвачча немис! – деди. – Бугундан бошлаб уни қирмасам, отим Мамадали полвон эмас! – деб қасамёд қилди (1-жилд, 158-саҳифа).

Ушбу тасвир нафақат жанггоҳларда қўлига қурол олган жангчиларда, балки ватан ишқиде ёнган ҳар бир инсонда ватанпарварлик туйғуларини жунбишга келтиради, ватани ҳимояси учун курашга чоғлантиради.

Мумтоз Муҳаммедовнинг фронт газеталарида эълон қилинган ҳар бир мақола, очеркда жонли жанггоҳ тасвирини кузатиш мумкин. Бу эса ёзувчи муайян фактларни тўғридан-тўғри ахборот тарзида бермасдан, газетхонда урушга нафрат уйғотиш билан бирга жангчи-аскарни қаҳрамонлик кўрсатишга йўналтирганини кўрсатади.

Қишлоғида қўшоғиз ов милтиғидан унча мунча ўқ отиб юрган Мамадали ички изтироб, немис фашистларига қарши туғён, барча ваҳшийликлар учун улардан ўч олиш туйғуси билан снайпер-қаҳрамон даражасига кўтарилиб, 195 немисни ер тишлатади ва «Қизил Юлдуз», III даражали «Шуҳрат» медалига сазовор бўлади.

Ушбу мақола-очеркни ўқиган жангдошларда, табиийки, ўзбек юртдошидан ғурурланиш, ундан ибрат олиш, умумий ғалабага ишонч, ватан ҳимояси учун отланиш каби оптимистик туйғулар шакланган. Кўриниб турибдики, бу каби материаллар ғалабани яқинлаштиришга, кўп йиллик урушдан чарчаган аскарларда қўшимча куч ҳосил қилишга, руҳий жиҳатдан

юксалишга омил бўлиб хизмат қилган.

М.Муҳаммедовнинг «Жанг тажрибала-ридан» (I жилд, 25), «Бир-биридан ботир» (I жилд, 218), «Немис офицерининг пичоқланиши» (I жилд, 266), «Муқаддас бурч» (I жилд, 135), «Душманни қувиб етиб бориб ур!» (I жилд, 146) каби мақолаларининг сарлавҳаларидаёқ газетхонда жанг тафсилотлари, унда аскарларимизнинг шижоати ва қаҳрамонликлари уфуриб туради. Бу каби ғалабага чорловчи, сафдошларидан фахрланиш, ғурурланиш ҳиссини кучайтирувчи материаллар қаторига Сотим Улуғзоданинг «Снайпер Низомов» (I жилд, 43), Санжар Тилланинг «Қаҳрамон Набижон Мингбоев» (I жилд, 114), Зафар Диёрнинг «Чуст дўппи» (I жилд, 303), Назир Сафаровнинг «Поповнинг тўрт расчёти душманнинг олти танкини ёндирди» (I жилд, 331), «Ўзбек жангчиси, қасос ол!» (I жилд, 336) каби материалларини келтириш мумкин. Бу ўринда машҳур ёзувчи, капитан Назир Сафаровнинг ўзбек жангчиларига қарата айтган даъваткор чақириғи эътиборга лойиқ:

«Ўзбек жангчиси! Қон-қардош, жанговар дўстларингнинг ҳар бир томчи қони учун одамхўр немис бир неча марта орттириб хун тўлаши керак! Шаҳид бўлган ва қийнаб ўлдирилган рус акангнинг ва бошқа қон-қардошларингнинг қотилларини қидириб топ! Улардан қасос ол!»

Фронт газеталари материаллари таҳлили шундан далолат берадики, бу даврда ўзбек адабиётида журналистика ва адабиётшуносликнинг кесишмаси асосида жанговар бадиий публицистика жанри ривожланди. Бу асосан фронт жанггоҳларида бўлган журналист-ёзувчилар ижодида намоён бўлди. Мусибатли уруш жараёни, тинч аҳолининг фашистлар томонидан ваҳшиёна ўлдирилиши, шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон этилиши, аскарларимизнинг ватанни ҳимоя қилишдаги жасоратлари, қаҳрамонликлари ҳақидаги лавҳаларни, мақола ва хабарларни эҳтироссиз, жўн ифода-лаб бўлмас эди. Капитан Назир Сафаров, капитан Мирзакалон Исмоилий, агитатор Тўхтасин Жалолов, катта лейтенант, кейинчалик капитан Мумтоз Муҳаммедов, капитан Сотим Улуғ-



зода каби ҳарбий аскарларнинг мақолаларида, очерк ва хабарларида бадиий публицистиканинг юксак намуналарини кузатиш мумкин. Уларда узатилаётган ахборот кўтаринкилик, чақириқ ва даъват, келажакка ишонч руҳий тетиклик ғилофига ўралган ҳолда тақдим этилади ва ўқирманда ҳам, албатта, келтирилган ижобий туйғуларни шакллантиради.

Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад каби ёзувчиларнинг уруш тафсилотлари билан алоқадор бўлган, фронт ортидаги уруш келтириб чиқарган бесаранжомликларни ёритиб берган насрий асарлари жангчи-аскарларнинг ғалабага иштиёқини оширган бўлиши шубҳасиз.

Ўз асарларида сўзни ниҳоятда чертиб қўлайдиган, таъсирчан жумлалар билан китобхоннинг қалбини забт этадиган Абдулла Қаҳҳорнинг «Кўк конверт» ҳикояси бир нечта фронт газеталарида чоп этилган (II жилд, 442). Асардаги айрим эпизодлардан уруш даҳшатлари нафақат жанггоҳларда, балки фронт ортида ҳам намоён бўлганини, юртимизда ҳам ҳаётнинг бир маромда кечишига раҳна солинганини, бу ҳолат каттаю кичикнинг тилида, турмуш тарзида кўринганини ифодалаб берган.

«Кампир Мирзаевни (урушдан қайтиб келган аскар йигитни – М.С.) яна ўпди, ярадор оёгини силади.

– Худоё, немис ўлсин, сендай йигитларни уй-жой қилиб, орзу-ҳавас кўргани қўймас!» (II жилд, 444).

Кўриниб турибдики, урушга нафрат ҳамманинг тилида бўлган, ҳамманинг дилини оғритган, барча оилаларга андуҳ олиб келган. Ўзбек шоираси Гулчеҳра Нуруллаева ўз шеърида: **«Мен урушни кўрганман, дўстлар, Ётсам ҳамки у пайт бешикда»**, – деб бежизга айтмаган.

Саид Аҳмаднинг «Кутиш тараддуди» ҳикояси **«Пардоз-андоз кўнглимга сизмайди. Уйимни ўғри босганда ўсма қўйиб ўтирардим деб юрган Мехрихоннинг юриш-туриши бугун бошқача»**, – деб бошланади. Бу ўринда немис фашистларининг юртимизга хиёнат-корона бостириб кириши уйни ўғри босишига қиёсланмоқда, Мехрихон эрининг урушдан ке-

лишини эшитгач уни кутиб олиш тараддудида ўзига оро беради:

«Бу воқеага тўрт йил бўлди. Бечора Мехрихон икки боласи билан тўрт йилдан бери куёвини кутади. Бугун Мехрихон куёвини кузатган станциядан кутиб олади. Шунинг учун ҳам Мехрихоннинг қошида ўсма, кўзида сурма. Бу оиланинг чексиз шодлиги ўз бағрида катта қилган, ўз остонасидан мардларча ватан ҳимоясига кетган фарзандини кутиб олиш тараддуди эди».

Инсоннинг руҳиятига таъсир қилувчи, ҳиссиётини уйғотувчи ижод турларидан асосийси шеърият саналади. Шеър объектив борлиқдаги ҳаёт воқеаларини шоир ички кечинмалари билан бирга қалб призмасидан ўтказиб яратиладиган бадиий ижод тури бўлиб, унинг таъсирчанлик даражаси ниҳоятда юқори бўлади. Шунга кўра фронт газеталарида Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Миртемир, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Туроб Тўла, Зафар Диёр, Султон Жўра, Чустий, Ёнғин Мирзо, Ҳамид Ғулом, Шароф Рашидов, Шарқий, Мумтоз Муҳаммедов каби бошқа бир қанча шоирларнинг ижод намуналарини учратиш мумкин. Асосий мавзуси ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида бўлган шеърий асарларнинг лейтмотиви ғалабага иштиёқ ва ишонч билан йўғрилган, уларда тинч ва осуда ҳаёт билан уруш жараёни қиёсланади, халқимизга уруш келтираётган офатлар ва уларни енгиб ўтишдаги мардликлар қаламга олинади, отасини, фарзандини, ака ёки укасини, суюкли ёрини жангга жўнатиб зафар иштиёқида бўлган, ғалабамиз учун меҳнат frontiда фидойилик кўрсатаётган юртдошларимизнинг қалбидан отилиб чиқаётган нидолар ифода этилади.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг «Юрт тупроғини кўзларингга сурт» («Ватан учун» газетаси, 1944 й. 3 март. 15 (98-сон) шеъри:

*Ватанни сев, тупроғини ўп,
Ҳар қаричи муқаддас бизга.
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп
Жондан яқин юрагимизга, –*

мисралари билан бошланади. Шоир ўқувчига энг муқаддас гўша – ватан, унинг тупроғи



азиз, ҳар қаричи муқаддас, ҳатто чўлидаги қуруқ чўп ҳам юрагимизга яқин эканини айтиш билан газетхонда ватанга муҳаббат туйғусини ифода этмоқда. Шеърнинг сўнгги банди чақирик, даъват билан тугайди:

**Юрт тупрогин кўзларингга сур,
Фашист қайдан тумшуқ суқса, ур!
Ғазаб ўти билан ёқ, янч, ур!
Қон, жон, севги юртга фидодир.**

Фронт газеталарида чоп этилган таъсирли шеърлар сирасига Зулфиянинг «Кутгани чиқди», Собир Абдулланинг «Отлиқлар қўшиғи», Ҳамид Олимжоннинг «Почтальон», Миртемирнинг «Чавандоз», Туроб Тўланинг «Бизнинг кўчамизда байрам бошланди», Шайхзоданинг «Табаррук», Уйғуннинг «Немис босқинчига», Шароф Рашидовнинг «Тўлин ой», Чустийнинг «Соғинчли салом» каби бир қатор асарларни киритиш мумкин. Бу шеърларни бирлаштирувчи умумий ғоя «урушга лаънат – тинчликни алқаш»дан иборат бўлиб, ҳар бир ижодкор ушбу мавзуга турли ракурстан ёндашади, ўзига хос услубда ёритиб беради.

Собир Абдулла «Отлиқлар қўшиғи» шеърда аскарнинг жангга бориш сабабини: **«Отга миндим мен йигит номусиму орим учун, Ҳар диёрим, гул-ла тўлган яхши рўзгорим учун»**, – деб кўрсатса, Миртемир «Чавандоз» шеърда: **«Отлан, отлан, чавандоз, Мисли шунқор эт парвоз. Ёв устига от сол боз, Қилич уриб соз!»** – деб ёзади.

Фронт газеталарида энг фаол ижодкор сифатида Уйғунни кўрсатиш мумкин. Унинг турли таъсирчан шеърларида немис фашизмига нафрати ифода этилган:

*Урушни бошлаган мен эмас, сенсан,
Энди жазосини тортасан ўзинг.
Қўлга тиз олишга мажбур этган сен,
Энди шу тиз билан ўйлар кўзинг.*

*Энди уруш, мана, уйингга келди,
Ота-онанг ҳам бир тотиб кўрсинлар.
Энди дўлдай бўлиб бомба ёққанда
Ертўлага кириб ётиб кўрсинлар...*

*Урушни бошлаган мен эмас, сенсан,
Энди жазосини тортасан ўзинг.
Минглаб наслларинг лаънат юкини
Энди шум елкангга ортасан ўзинг.*

«Суворовчи» газетасида 1944 йилнинг 1 январидан Мумтоз Муҳаммедовнинг «Янги йил мадҳияси» шеъри босилади. Ушбу шеър аскарларимизга Янги йил табриги сифатида тақдим этилган. Маълумки, Янги йилни кутиб олишда эски йил сарҳисоб қилинади ва келаётган йилга ниятлар изҳор этилади. М.Муҳаммедовнинг кириб келаётган йилдан истаги қўйидаги мисраларда ифода этилган:

*Жангчи ўртоқ,
Қутлуғ бўлсин
Янги йилинги,*

*Немис «ови»
Ривож топсин,
Кўпроқ қирингиз!*

*Янги йилда
Янгича иш
Жангчи қалбида,*

*Қасос ҳисси
Тўлиб-тошсин
Маҳоратингиз.*

*Торт наърангни,
Ўртоқ жангчи,
Жаҳон тингласин.*

*Бер – зарбангга
Дош беролмай
Душман инграсин!*

«Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» китобидан маълум бўладики, уруш йилларида нашр этилган фронт газеталарида ўзбек адиблари ўзларининг насрий, назмий, публицистик асарлари билан фаол иштирок этганлар ва ғалабанинг қўлга киритилишида маънавий мадад бўлганлар.



ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИ РУС АДИБЛАРИ НИГОҲИДА

Р.Т.Шамсутдинов



1943 йилда туширилган расм

*Рус совет шоири, ёзувчиси, публицисти, журналисти, жамоат арбоби, рус совет адабиёти асарларини француз, испан тилларига ўзгирган моҳир таржимон, суратчи **Илья Григорьевич Эренбург** 1891 йил 14 (26) январда Киевда туғилган, 1967 йил 31 августда Москвада вафот этган.*

Адольф Гитлер ҳокимиятга келганидан сўнг И.Г.Эренбург фашизмга қарши тарғиботнинг йирик арбобига айланган. 1936 – 1939 йилларда Испаниядаги граждандар уруши даврида «Известия» газетасининг ҳарбий мухбири лавозимида фаолият кўрсатган, республикачилар мағлуб бўлгач, Парижда ҳаёт кечирган, Франция немислар томонидан оккупация қилингач, Франциядаги совет элчихонасида яширинган. 1940 йили СССРга қайтиб келиб, 1941 йили «Падение Парижа» китобини нашрдан чиқарган. Уруш бошлангач «Труд», «Красная звезда» газеталарида, радиода ҳарбий мухбир сифатида

хизмат қила бошлаган. «Красная звезда» газетасида уруш мавзуси бўйича ҳарбий мухбир ва «Совинформбюро»да ишлаган. Моҳир сўз устаси антифашистик руҳдаги мақола ва асарлари билан машҳур бўлган. Уруш йилларида «Правда», «Известия», «Красная звезда» газеталарида унинг 1500 та мақоласи, очерки эълон қилинган. Бу мақолалар «Война» (1942 – 1944) номли уч жилдлик китобдан ўрин олган. Бу мақолалардан айримлари ўзбек тилидаги фронт газеталарида ҳам эълон қилинган. Айниқса, Шимоли-Ғарбий фронт газетаси – **«ВАТАН УЧУН»**нинг 1942 йил 29 октябрда эълон қилинган **«ЎЗБЕКЛАР»** номли публицистик мақоласи ўзбек жангчилари орасида қўлма-қўл бўлиб кетган, унда ўзбек жангчиларининг ватанпарварлик, жанговарлик ҳиссиётлари ёрқин очиб берилган. Шу мақолани айнан келтирамиз.

ЎЗБЕКЛАР

Табиати раҳмсиз шимолимизнинг ботқоқлари ва ўрмонлари орасида бу юзи жануб қўёшида тобланган буғдойранг ёш йигитларни кўриш ажойиб ҳодисадир. Локин ўзбеклар қадимги рус шаҳри Ржев учун суғишаркан, меҳр билан: «Бизнинг еримиз», – дейдилар, улар учун бу шаҳар туғишган шаҳардир.

Ўзбек боласининг юзи моҳир устод қўли билан ясалган, камол даражасига етказилган наққошлик санъатига ўхшайди. Мана, икки ўзбек бир асирга тушган фрицни олиб бораётир. Немис – кичкина тўртбурчак бошли, шилпиқ кўзли, тўнғизбашара бир махлуқ. Унинг икки ёни-



НЕМИС ОККУПАНТЛАРИГА УЛИМ!

ВАТАН УЧУН

ҒАРБИ - ШИМОЛИЙ ФРОНТ ҚИЗИЛ АСКАРЛАР ГАЗЕТАСИ

№ 1

29 октябрь 1942 йил. Пайшанба.

„За Родину“
ва Ўзбекском языке

да икки чиройли йигит. Бу ранг-баранг манзара ихтиёрсиз ирқ теориясини тўқиган жанобларнинг «шимолий қабила гўзаллиги» ҳақидаги ранг-баранг муҳокамаларини эсга келтиради.

Мен Волга яқинида ўзбек жангчилари озод этган рус қишлоғини кўрдим. Бу кишилар Фарғона водийсида яшар эдилар. Улар меҳнатни, дўстона суҳбатни, ойдин кечаларни севар эдилар. Улар кимсага қурол билан ўқталмас эдилар. Локин хавфли соат келгач ўзбеклар мардоналик билан урушга кўтарилдилар. Ватанимизнинг бошқа халқлари билан бир қаторда улар ҳаёт, эркин нафас, тўқлик, орзу-ҳавас, озодликни мудофаа қиладилар.

Халқ шоири Исломо шоир: «Ўзбек юраги – шер юрак», – дейди. Жангчи Иброҳим Ҳақимовнинг юраги, ҳақиқатан ҳам, шер юрагидир. У мотоциклетга миниб кутиб турган эди. Йўлда уни бир командир тўхтатиб: «Мени ҳу ана у ўр-

монга олиб бор», – деди. Ҳақимов командирни орқасига миндириб мотоциклетни олға томон чоптириб кетди. Тўсатдан Иброҳим Ҳақимов немисларни кўриб қолади. «Фрицлар!» – деб қичқиради у ҳам, ўша замон душманга қараб пулемётдан ўт очади. Командир Ҳақимовнинг қўлини ушлаб мотоциклетдан уриб йиқитмоқчи бўлади. Локин ўзбек йигити ўзини йўқотмади, фрицни уддалади ва штабга олиб бориб топширди. Иброҳим кўкрагида «Қизил байроқ» ордени, чўнтагида маҳбубасининг хати. Бу нозанин маҳбубанинг исми – Ўғилжон. У ўз хатида: «Сен билан фахрланаман, фахрланиб кутмоқдаман ҳам кутажакман», – деб ёзади.

Қуёшли Ўзбекистон хотин-қизлари кўб гўзалдирлар. Мана, йўл бўйлаб Ўғилжон кетаётир. Оху кўзли, сарв бўйли Ўғилжон кўзада муздек сув олиб кетаётир. Ўзбекистоннинг ботир фарзандлари Волга бўйида ўз маҳбубаларини муҳофаза қиладилар. Бу узоқ эл хотин-қизларининг исмлари қандай чиройли: Ҳанифа, Ҳалима, Лайло, Гулнор, Саодат. Жанговар ўзбек йигитлари ана шуларнинг шараф-номуслари учун олишадилар.

Ленинград мудофаачилари орасида ўзбеклар кўп. Жангларда лейтенант Мулоқулов донг чиқарди. Унинг взводи икки юз фрицни ўлдирди. «Кўнглимдаги бирдан-бир тилак немисни ўлдириш тилагидир», – дейди Мулоқулов. Тоштемиров темир ирода билан бизнинг шимолий пойтахтимиз учун олишаётир. У: «Ленинградни немис йиртқиқчларига бермаймиз. Биз, ўзбеклар, русларга дўст. Бизнинг дўстлигимиз ота юртим Помир тоғларининг тошлари каби муқаддасдир», – дейди.



Жангларда қаҳрамонлик кўрсатган ўзбек аскарлар.
Расмда (чапдан ўнга): Иброҳим Собиров,
Отабой Шерматов, Арон Алиберзинов



Панфиловчилар ўзбек йигити Мамадали Мадаминовга «Фахрли қурол» тақдим қилдилар: у саксон тўрт немисни ўлдирди. У ихлос билан қўлига милтиқ олиб ўз дўстларига шундай деди: «Отамнинг арвоғига онг ичаманким, менинг ҳар бир ўқим немисга бориб тегади». Гуллаётган Ўзбекистоннинг қари ҳам ёшлари узоқ ғарбда руслар ва украинлар, қozoқ ва татарларнинг ёвуз душман атакаларини қайтарётганлари натижасида ўзбек қишлоқлари немис талон-торожидан омон эканлигини билдилар. Москвадаги рус хотинлари эса Мадаминовга: «Сен саксон тўрт қотилни ер остига кўмиб бизнинг болаларимизни бу қотиллар жафосидан қутқаздинг, раҳмат сенга, яша, Мамадали!» – деб ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

Икки қадрдон дўст снайперлар расчёти командири Аҳад Аҳмедов ва наводчик Анатолий Асосков узоқ шимолда лахтерларга қарши урушаётир. Аҳад Аҳмедов ўзбек, физика-математика ўқитувчиси. Анатолий Асосков эса москвалик ишчи. Дўстлар тўпдан тўғри чоғлаб отиб фин ДЗОТларини тор-мор қилаётирлар. Урушдан олдин москвалик Асосков Ўзбекистон тўғрисида ҳеч нарса билмас эди. Энди у ўзбек юраги эканини билади.

Фарғона жаннат боғи каби кўм-кўк. Узум доналари тотли ширага тўлмоқда. Далаларни оппоқ қордек қоплаган пахта афсонавий бойликлар бахш этади. Бу ҳаёт водийсида қуёш нурлари остида муздек сув оқади, ширин қовунлар, тотли меваларнинг сон-саногии йўқ. У ерда ҳамма нарса, бахтли турмуш яратилган.

Йўқ, очкўз фрицларнинг оч кўзлари Тошкент боғларини кўрмагай! Ўзбеклар: «Ватан учун!» – деб қичқириб атакага борадилар. Ватанимиз эса кенг, Карпат тоғларидан Фарғона боғларигача қулоч отган. Ватанимиз – меҳрибон онамиз, ўғай она эмас, чин туғишган онамиз. Ёш Қуронбой Ҳожимуратов урушга жўнаб кетиб турганда онаси унга: «Мард бўл, Қуронбой ўғлим, бизни ёвузлардан сақла», – деб васият қилади. Ўзбек кампирининг сўзи ватан, она, Россия сўзидир.

Илья Эренбург



Пётр Павленко

Таниқли рус совет ёзувчиси Пётр Павленко 1899 йил 29 июн (11 июн)да Санкт-Петербургда темир йўл хизматчиси оиласида таваллуд топган. 1951 йил 16 июнда Москвада вафот этган, Москвадаги Новодевичье қабристонида дафн этилган. Иккинчи жаҳон уруши даврида «Правда» ва «Красная звезда» газеталарининг махсус мухбири бўлиб хизмат қилган, уруш давомида «Русская повесть», «Пути отваги» хикояларидан иборат китоблари нашр этилган. У «Разгром немецких войск под Москвой» номли ҳужжатли фильм матнини, «Клятва» фильми сценарийсини ёзган. 1943 йили «Қизил байроқ» ордени билан тақдирланган. Кейинчалик «Падение Берлина» романи ва «Степное солнце» қиссасини ёзган. 1950 йили СССР Олий Совети депутатлигига сайланган. Ўзбек офицерларидан Амиркози Аҳмадалиев, Азамат Алиевнинг ҳарбий жасоратлари ҳақидаги мақоласи рус тилидаги марказий «Красная звезда» газетасида эълон қилинган. Мазкур мақола ўзбек тилидаги чиқаётган «Қизил аскар ҳақиқати» газетасининг 1944 йил 3 август 46-сонида «Аҳмадалиевнинг полки» номи остида чоп этилган. Афтидан, ўзбек тилидаги газеталарда доимий қатнашиб турган ўзбек ёзувчилари Адҳам Раҳмат, Иброҳим Раҳим, Раҳмат Файзий, Маъруф Ҳаким ва масъул муҳаррир Я.Фоменкодан бири томонидан русчадан ўзбекчага ўгириб, газетада эълон қилган.



Немис оккупантларига улим!

ҚИЗИЛАСКАР ҲАҚИҚАТИ

Красноармейская
ПРАВДА
на узбекском языке

Ғарбий фронт кизиласкарлари газетаси

№ 1 (107)

ДУШАНБА
3 январь 1944 йил.

Уқиб бўлиб ўртоғингга бер!

№1 (107)

Совет Иттифоқининг Маршали И. В. Сталинга Суворов орденининг I даражасини топширилиши

СССР Олий Совети Президиумининг раиси уртоғ
М. И. КАЛИНИН немис босқинчиларига қарши Ватан урушида
Қизил Армия операцияларига тўғри раҳбарлик қилган ва
муваффақиятлар қозонгани учун мукофотланган Совет Итти-
фоқининг Маршали И. В. СТАЛИНга 30 декабрда, Суворов
орденининг I даражасини топширди.

(ТАСС).

АҲМАДАЛИЕВНИНГ ПОЛКИ

9 июль куни подполковник Амиркозим Аҳмадалиевнинг ўқчи полки Вильнюснинг атрофида жануб томондан бостириб кирди, вокзал районини қўлга олди, ундан кейин ҳар бир уй учун жанг қилиб шаҳарнинг марказига кириб борди. Немислар, айниқса, ўз қўлларида обсерватория, турма ва госпиталь биноларини қаттиқ сақлаб, маҳкам туриб ўзларини ҳимоя қилдилар.

5-кун ўзларининг барча таянч пунктларидан уриб чиқарилган немислар тўда-тўда бўлиб асир туша бошладилар, Алиев полки 2800 асирни, яъни шаҳарда асир олинганларнинг ярмидан кўпини асир қилиб қўлга туширди.

Полкнинг беш кунлик ҳаракати қонли ва қийин шароитларда жанг қилиб, шиддат билан сабот кўрсатганлиги қайд қилинди.

Урушгача Черняховскийнинг танк дивизиясида хизмат қилган ва эндигина йигирма уч ёшга кирган Азамат Алиев ўз полкида ёшлик ғайратларини ва танкчиларга хос бўлган жадалликларни кўрсатди. Полкни у урушгача Черняховский таълим бергандек яхши билар ва уни ўз жонажон уйидек севар эди. У ҳар бир ротани қадам ташлашидан билиб олар, солдатларнинг бетига қараб қайси взводда хизмат қилишларини аниқлар эди. У ҳамма ерда ҳозир эди. Батальон командирлари уни ҳаммаша ўзлари билан биргаликда тургандек сезар ва роталарга нисбатан ўзлари ҳам Алиев сингари муносабатда бўларди. Шунинг учун ҳам майда штурм группалар якка-ягона оиладек, гўё бир кишидек бўлиб жанг қилдилар.

Майор Малишевнинг иккинчи батальони энг қийин участкаларда жанг қилиб илгари-

лади, 3-батальон командири майор Измадинов Вильнюс учун жанглар айна қизиб турган вақтда госпиталдан қайтиб келиб, комендантлик командасидаги солдатларга бош бўлиб жанг қилиб, командирнинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари майор Тимофей Андреевич Шестера жангчилар кўп кунлик оғир жанглardan кейин қисувини бир оз бўшаштириб қўйган пайтларида штурм группаларидан бирига бошчилик қилди ва уни илгарига олиб борди.

Ана шу беш кунлик жангларни полкнинг орқа томонида турган ҳеч қандай қисми, бошқача қилиб айтганда, жанг қилмаган битта ҳам кишиси бўлмаган (манбада шундай берилган). Шу кунларда кишилар жуда кам ухлашди, овқатланишнинг ҳаловати бўлмади. Кечасию кундузи кишилар жанг билан банд бўлдилар, ҳамманинг фикри-зикри жангда эди.

Полкнинг ҳаракати шаҳарнинг тақдирини ҳал қилди.

Мана бу қонли курашларни ҳали ҳеч ким эсдан чиқаришга улгурмаган эди, қизил аскарлар кўча жангларида йиртилган гимнастёркаларини тикиб олишга ҳам улгурмаган бир пайтда полк янги топшириқ олди ва бу топшириқни бажариш учун ёппасига ҳаракат қилинди.

Полк кундуз куни юрди. Майда-майда тўдаларга бўлиниб қочаётган душманни таъқиб этиб кечаси билан юрди. Қисқа муддатли дам олиш кези келганда гўё маслаҳатлашиб қўйгандек ҳамма бирданига уйқуга кетди. Полк кечасию кундузи илгарига қараб ҳаракат қилди. Айна саҳар пайтида полк командири ҳамманинг кўз ўнгида эди. Кечаси уни чалкаш ўрмон кўчаларининг чорраҳа ерида мотоциклда ўтириб мудроқ босиб кетаётганини кўр-



дилар. Тонг отар пайтда у биринчи қаторда кетаётган кишиларнинг сафида дам олиш учун қулай ер ахтариб борар эди.

Иккинчи кун кечқурун дивизия командирининг машинаси полкни хилват бир ўрмоннинг кўчасидан топиб олди.

Полкдаги ҳамма кишилар саф қилинсин деган буйруқ берилди. Бир соатдан кейин полк саф бўлиб турар эди.

Дивизия командирининг нима сабабдан бу ерга келгани ҳаммани қизиқтирар эди. Ҳаммага маълум эдики, дивизия командири полкнинг янги сафарга тайёрлигини билишга қизиқар эди. Аммо жангчиларга мурожаат қилиб унинг айтган биринчи сўзиёқ ҳамманинг фохрини оширди.

– Салом, қимматли ўртоқлар! – деб қичқирди полковник. – Салом, қаҳрамонлар!

Бу ерга дивизия командирининг нима учун келгани уқтирилди.

Дивизия командири Вильнюс учун жанглар бошланганидан бери бу полкда бўлмаган эди. Ҳозир у полкни қувиб етган. Командир анчадан бери юрагида сақлаб келган илиқ сўзлари билан полкни табрикламоқчи, жангларда маҳорат кўрсатган кишиларга орденлар бермоқчи ва бир йўла полкнинг янги жангларга қандай тайёр эканлигини билмоқчи бўлган.

Полк жангларга тайёр эди. У шошилинич билан харитани очиб қараётган 24 ёшли ўз командирига тикилган кўйи янги жангларга тайёрлигини билдириб бир оила сингари турар эди.

П.Павленко

«Суворовчи» номли ўзбек газетаси (газетанинг масъул муҳаррири Н.А.Гулнов, муҳаррир ўринбосари Мумтоз Мухамедов)нинг 1944 йил 12 февралдаги 10 (93)-сонида П.Павленконинг «ЭРГАШ НУРТАБОЕВ» номли мақоласи босилган, у бутун ҳарбий қисмлардаги ўзбек жангчиларида жуда катта таассурот қолдирган. Мақолани айнан келтирамыз:

«Ўзбек ўз характери билан барпо қилувчи. У сув излаб бир неча асрлардан бери ўз ватанининг қумли саҳроларида тинмай меҳнат қилади. Унинг учун сув қайғуси бахт қайғуси эди.

Бахт топилавермас, сув ҳамма вақт етишмас эди. Ўзбекнинг бутун ҳаёти тер тўкиб, ҳолдан тойиб сув қидириш билан ўтарди. У сув ҳақида байтлар тўкиб, қўшиқлар куйлар, сув тўғрисида ҳикоялар яратар, ҳатто тушида ҳам сувни кўрарди.

Сувни қўриқлаш, тақсимлаш, ариқ-каналларни тозалаш ва боғларни суғориш ўзбекка роҳат ва завқ бағишлайдиган иш эди.

Бундан беш йил муқаддам, немислар Европада жанг бошлаган йили, ўзбеклар сувга се-роб бўлиш учун катта каналлар қуришга киришиб кишини ҳайратга қолдирадиган ажойиб ҳаракат бошлаб бердилар. Улар канал трассаларига юз мингларча киши бўлиб театрлар, мактаблар ва сберкассалар билан бирга чиқдилар.

Фарғоналикларнинг ташаббуси билан барпо қилинган Фарғона канали тарихнинг олтин саҳифаси, бадиий санъатнинг илҳом манбаи, қудратли қурилишнинг энг каттаси ва халқ байрамларининг энг тантаналиси бўлиб қолади.

Кўп йиллик чексиз меҳнатлар натижасида сўлган дарахтлар тирилди, қақраб ётган чўллар пахтазор бўлди, узумзор боғлар, қатор тутзорлар униб-ўсди, дашт-саҳролар ўтлоқларга айланди ва бу жойларда қоракўл қўйлари қўзилайдиган бўлди, тоғларда хилма-хил конлар очилди, бундан ўттиз йиллар бурун майда ҳунармандлик билан шуғулланган шаҳарларда Европа мамлакатларининг ҳар қайсиси орзу қилса арзийдиган фабрика ва заводлар вужудга келди.

Меҳнат билан суяги қотган ўйноқи ўзбек кўп йиллардан бери уруш кўрмаган, унда жанг тажрибаси йўқ деярли.

Мана, энди улуг ватан уруши ўзбекларни кўзғотди ва уларни Украина саҳроларига, Терек ва Кубан ҳамда Сталинград атрофларига келтирди. Ўзбекларга даҳшатли кунларда уруш сабоқларини ўрганишга ва ўзларида жанговар сифатларни яратишга тўғри келди.

Бу мактабни ўташ ва сабоқларни ўзлаштириш осон эмас эди. Эргаш Нуртабоев ўз ирода-си, кучи ва ифтихорини тўплаб жанговар мактабни муваффақиятли равишда ўтди.



У бақувват йигит эди ва ҳеч кимдан қолишни истамас эди, унинг учун ҳамма нарса – ҳарбий ҳаёт, ҳарбийча таом, об-ҳаво, кийим-кечак, ҳатто сафда туриб айтиладиган қўшиқлар ҳам бошқача – янгилик бўлиб туюларди. У ўзини бошқа оламда деб ҳис қилар, буларнинг ҳаммасига марш-малака ва жангларда кўникиб қолди.

Бу мактабни ўташ ва қийинчиликларни бошдан кечириш осон бўлмади. У ўзини ўртоқларидан кейинда қолаётгандек ҳис қилар ва юраги ғашланар эди. У ухлаб Ўзбекистонни туш кўрар, уйига қайтишни истар эди. Кунлар бирин-кетин ўтдилар, Эргаш Нуртабоев жангчи қиёфасига кира бошлади. У уруш санъатини ўрганди. У жанговар ишга меҳр қўя бошлади. Агар уни мақтасалар, буни у ўз ҳаётида немисларни биринчи мартаба ураётган ўз халқига бағишларди. Немисларни руслар, украинлар, белоруслар қақшатган эдилар. Ўзбеклар эса ғарбга қараб биринчи мартаба қадам босдилар. Бу жангга қатнашаётган ҳар бир ўзбек ўз мамлакатининг энг тўнғич солдати эди.

Вақтлар ўтди, Эргаш Нуртабоев сталинградчи бўлиб қолди. У расмий сабаблар, улуғ шаҳарнинг ҳимоячиси бўлганлиги учунгина эмас, душманга нисбатан шафқатсизлиги, жанговар ғайрат ва маҳорати билан ҳам бу улуғ номга муносиб бўлди.

Сталинград бўсағаларида у ўқчи отделенияни бошқарди, бир неча миллат жангчилари олдида ҳурматли киши бўлди ва бу нарса унинг ўзини ҳам қувонтирди. У ўзининг мағрур меҳнаткаш халқи биринчи мартаба ўрнаётган ишда маҳорат қозонаётганини англади. Уйдагилари унинг командир бўлиб қолганлигини ва дунёда энг улуғ номга эга бўлган кўрғонни ҳимоя қилаётганлигини билишларини истарди.

У энди урушдан кўра қийинроқ ва фахрлироқ иш йўқлигини билди. Паҳлавонлик туйғулари уни тинч қўймас, жанговар ҳаракатлар унинг тушига кирарди. Унинг учун немис билан тўқнашишгина кифоя эди. У дарҳол душманни мажақлаб ташлашга ҳозир эди.

Сталинград жангининг афсонавий кунларидан бирида Эргаш Нуртабоев отделенияси олдига немис окопларини атака қилиш вазифаси турарди. Бу гал ҳам Эргаш немис окопига қараб эмаклаб борди ва биринчи бўлиб душман окопига ўзини ташлади.

Унинг оёғи остида немисларнинг ўлиги чўзилиб ётарди. У хавф-хатардан қўрқмай олға қараб ташланди. Бундан кейинги унинг ҳаракатлари афсоналардагидек чаққонлик билан бажарилди. У ҳансираб олға босар ва ўз жангчилари ҳозирги дақиқаларда асосий вазифа нимадан иборат эканлигини билишларига ишонарди.

Бундан кейинги ҳамма иш яшин тезлиги билан бажарилиши кераклигини билган бу ботир йигит ҳар қадамда янги муваффақият қозонди.

Эргаш окоп айланмасига етганда ўқ узаётган немисни кўриб қолди. Ўқ келиб Эргашнинг пилоткасини тешиб ўтди, сочлари куйди. У қаҳр-ғазаб билан немисга шу қадар қаттиқ найза тикдики, найзанинг учи чиқиб деволнинг тупроқларини ерга тўқди.

Шу онда икки немис офицери ҳамла қилиб келиб қолди. У ўқ тегмаслиги учун энгашиб тиззалади ва найза билан икки зарба уриб буларни ҳам ўлдирди. У яна олға қараб чопмоқчи эди, бироқ окоп тугаб қолди. Ёш жангчи, балки, ўз вазифасини бажарган ҳисоблаб тамаки чекишга ўтирар эди. Бироқ жанг давом этмоқда, рота олишмоқда, шовқин-сурон кучайиб унга тинчлик бермас эди.

У окопдан ирғиб чиқди. Қатор ўқлар унинг кўз-қулоғи атрофидан шитирлаб ўтди. У кўрмаса ҳам, пулемёт ўқ узаётганини сезди, ўқнинг келишидан душман пулемёти иккинчи қатордаги окопдан туриб отаётганини ва қўшни отделениянинг ётиб олган жангчиларини қўзғолишга қўймаётганини аниқлади. У жангчилар орасидан олға қараб эмаклаб кетди.

Эргаш брюствер орқали юмалаб окопнинг ичига тушди ва ҳали бизнинг жангчиларимиз томонидан ишғол этилмаган траншея орқали пулемёт уясига қараб югурди. У немис пулемётчисининг орқасидан сездирмай келган



эди. Ўйлаб ўтириш вақти эмас. У немис тана-сига шу қадар қаттиқ зарб билан найза суқди-ки, найзасининг учи немисдан ўтиб, пулемёт-га тегиб синди, ўзи ҳам йиқилди.

Шу онда икки немис юқоридан Нуртабоев устига ташландилар. У немисларни ағдариб ташламоқчи эди-ю, улгурмади ва милтиқнинг қўндоғи билан икки қаттиқ зарба берди... Эргаш яна олға чопиб ўқ узиб кетди.

Иккинчи окоп ҳам тугаб қолди. Эргаш ўз олдида нима борлигини билмай, фақат учинчи окоп бўлишини фараз қилиб югурди. У қўндоқ билан оёғи остидаги дўмбоқларга тушира берди. Бунинг тупроқ ёки немис эканлигини ҳам сезмас эди. Унинг оёғи остида икки немиснинг ўлиги қолди, учтаси қочди ва бири шер йигитни ярадор қилди.

Эргаш окоп деворларини қучоқлаб чарчаганликдан ва қон оқишидан мадорсизланиб немиснинг орқасидан юриб кетди.

Окопда жуда кўп қуроллар ётарди. Бироқ энгашиб бирор нарсани олиш Эргашнинг эсига келмас эди. Ўз милтигини тескари тутиб окопдан чиқиб югурди ва тўртинчи окопга сакраб тушмоқчи эди-ю, жанг тамом бўлиб қолганлигини англади.

Эргаш жанг майдонини кўздан кечирди. Сўнгра секин-аста бориб «ўз немислари»ни кўрди. Шунчалик душман аскарлари унинг ўқ ва найзасига дуч келганларига ўзи ҳам ҳайрон қолди. Ўртоқлари қандай жанг қилганлигини ўзига ҳикоя қилиб берганда кулди.

– Дақиқалар масалани ҳал қиларди. Чақ-қонлик керак эди! – деди ўзи ҳам қаноатланиб.

Мана, урушмаган халқдан ҳам уч йил ўтмай туриб ватан уруши қандай солдатларни яратди. Эргаш Нуртабоев эса улуғ уруш мактабини ўтаган якка эмас.

Немислар ўзбекларни сира унутмайдилар».



Уруш арафасидаги тарихий шароит

Иккинчи жаҳон урушига қадар совет мамлакатада рўй берган, барча миллат ва элатлар ҳаётида қонли из қолдирган воқеалар бугун ҳаммага аён. Шундай бўлса ҳам, уруш арафасидаги сиёсий-ижтимоий шароитни ва халқнинг руҳий ҳолатини тўғри тушуниш учун 30-йилларга бироз назар ташлаш тақозо этилади.

1930 йил совет халқлари ҳаётига машғум сиёсий воқеалар йили бўлиб кирган. Биргина Ўзбекистоннинг ўзида «Қосимовчилик», «Бадриддиновчилик», «Иноғомовчилик» сингари сунъий равишда ўйлаб топилган компаниялардан ташқари Маориф халқ комиссарлиги ходимлари («Наркомпрос иши») ва «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзолари устидан олиб борилган суд жараёнлари оқибатида масъул лавозимларда хизмат қилаётган юзлаб кишилар қамоққа олинган. Улардан 15 тасига ўлим жазоси берилган. 1931 – 1932 йилларда ўн минглаб кишилар махсус ташкил этилган очликдан вафот этишган. Коллективлаштириш кампаниясининг авж олиши билан Совет давлати сиёсатидан норози бўлган 100 мингдан зиёд киши 1931 – 1933 йилларда Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон ва Сибирга сургун қилинган. Яна қанчадан-қанча кишилар республика ҳудудларидаги «меҳнат посёлкалари»га зўрлаб кўчирилган. Халқни қон қақшатган бундай адолатсизлик захри ҳали тарқамай 1937 йилнинг даҳшатли бўрони бошланиб, 150 миллионли халқни хонавайрон қилган.

Ўзини камбағалпарвар, халқпарвар деб эълон қилган Совет давлатининг қатағон сиёсатидан жабр-жафо кўрмаган кишини ўша йилларда топиш маҳол эди. Отаси, турмуш ўртоғи, фарзанди, ака-укаси қатағон этилган кишилар ҳаётидан ҳам ҳузур-ҳаловат кетиб, улар «халқ душманлари»нинг қариндош-уруғлари сифатида НКВДнинг доимий назорати ва зулми остида, таъқиб ва тазйиқ иқлимида яшаганлар. Халқнинг катта қисмини ташкил этган бундай кишиларнинг совет давлатидан норози бўлишлари, имкони топилса, мустабид тузумга қарши исён кўтаришлари табиий эди. Шундай кишиларнинг халқаро аҳволдан

хабардор, Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши муқаррарлигини сезган қисми эса Германияга нажоткор давлат сифатида кўз тикмоқда эди. Буни республика ҳудудларида жойлашган лагерлардан олинган агентура маълумотлари ҳам тўла тасдиқлайди.

Социологларнинг уқтиришларига кўра, Иккинчи жаҳон уруши совет мамлакатада «пишиб-етилиб» турган умумхалқ кўзғолонининг бошланишига имкон бермаган.

Уруш арафасидаги тарихий шароитнинг яна бир муҳим хусусияти шунда эдики, 1937 – 1938 йилларда истеъдодли ва тажрибали саркардаларнинг қатағон қилиниши билан Қизил Армия ҳаддан зиёд заифлашган, жанговар техника ва тактика нуқтаи назаридан замонавий урушга мутлақо тайёр эмас эди.

1941 йилнинг май ойи. Германия

1941 йилнинг май ойида Берлин яқинидаги Шимолий Райн-Вестфален ерида жойлашган Биелефельд шаҳри яқинида кутилмаганда бир гуруҳ немис зобитлари ва аскарлари пайдо бўлишди. Маҳаллий пасторнинг ва қишлоқ аҳлининг уйларида жойлашган бу ҳарбийлар 400х100 квадрат метр келадиган ерни девор билан ўраб олиб, сув чиқариш насосларини ўрнатишди. Улар олиб бораётган иш ғоят мафий тутилгани сабабли маҳаллий аҳоли девор билан ўралган майдон ичида нима содир бўлаётганини мутлақо билмади. Фақат 1941 йил 10 июлдан эътиборан юк машиналарида совет ҳарбий асирлари келтирила бошлагандан кейингина бу ерда «Шталаг-326» концентрацион лагери қад кўтарганлиги маълум бўлди.

СС органлари ихтиёридаги маълумотга қараганда, 1942 йил апрель ойига қадар Германияда 15 та асосий лагерь ва уларнинг 100 та бўлими бўлган. 1944 йилга келиб асосий лагерлар сони 20 тага, бўлимлари эса 1000 тага етган.

«Шталаг-326»нинг Германиядаги бошқа лагерлардан фарқи шунда эдики, унда маҳбуслар устида турли даҳшатли тиббий синовлар ўтказилган. Совуқ, очлик, касаллик ва синовлар натижасида лагерга келтирилган 200



мингдан зиёд ҳарбий асирнинг 65 мингтаси ўша кезлардаёқ ҳалок бўлган.

«Шталаг-326» Германия ва Шарқий Европада фашистлар томонидан ташкил этилган юзлаб ўлим лагерларидан бири эди.

Урушнинг дастлабки кунлари

Пўлатбек исмли «Туркистон легиони»нинг собиқ аскари хотираларидан:

«1941 йил июлининг сўнгги кунлари эди... Декабрь бошларида Ўзбекистон коммунистик фирқаси марказий қўмитасининг биринчи котиби Усмон Юсупов Москвага чақирилди. Бир неча кундан сўнг ул қайтгач Тошкентда катта бир йиғилиш чақириб: «Москва ҳақиқатда таҳлика остида қолмиш. Буюк доҳиймиз Сталин Москванинг ҳимояси учун жумҳуриятларда миллий дивизиялар ташкил этишни буюрди», – деб нутқ сўзлади. Мен ҳам йиғилишда эдим...

Орадан уч-тўрт кун ўтгач миллий дивизия учун аскар тўплаш маъракаси бошланди. Кишиларга даъватиялар юборилди. Бунинг бири менга ҳам келди. Якшанба куни эди. Эрта саҳар вақтида кўрсатилган ерга бордим. Тошкент шаҳри Сталин район коммунистик фирқасининг идораси ўринлашган ерга чақирмишлар. Ҳовли кишилар билан тўлмиш. 15 дан 65 ёшгача бўлганлар бор... Навбат менга келди. Ичкари кириб, қаршимда беш кишини кўрдим. Булар миллий дивизияга одам олурлар. Буларнинг ҳар бири бир неча савол берадир. Авлод ва аждодингизни текширадир. Энг сўнгида райком партиянинг биринчи секретари: «Ватанимизнинг пойтахтини ҳимоя этишга ҳозирмисан?» – деб сўрайди...

Қор аралаш ёмғир ёғмоқда. Совуқ. Қорин оч. Кайф бузуқ... Уйда кексайган онам ва бобом қолган. Мен кетсам, буларнинг ҳоли на бўлажак?.. Шундай хаёл ва фикр қучоғида кўрпа ва ёстиқни елкамга ортиб буюрилган ерга бордим...

Тошкентдан Пскентга олиб кетдилар. Бу кичкинагина шаҳарча аскарый кемпларга айланмиш. Бу ерга Тошкентдан, Тошкентнинг атрофларидан аскарликка чақирилатганлар тўпланаётир. Мактаблар, колхоз омборлари,

хусусий уйлар, ҳатто Пскентдаги беш чойхона ва икки масжид ҳам казармага айланмиш.

Пскент кишилар билан тўлди. Бизларни тақсим этдилар. Ғарб майдонидан бул ерга фақат ўзбеклардан ўнбошилар, юзбошилар чақириб келтирилмиш. Политрук (сиёсий коммиссар) ҳам ўзбек. Ул бизга Пскентда ўзбек дивизияси қурилганлигини сўзлади. Ул бизга: «Ўзбек дивизиясининг аскарлари, қўмондонлари ўзбеклардандир. Айна шул ҳайъат билан ҳарбга боражакмиз, барчамиз бирга бўлажакмиз», – деб сўзлар эди.

Тўрт ойга яқин ёғоч милтиқлар билан машқ қилдик. Апрельнинг бошланиши эди. Бизларга «миллий кийимлар» ҳам бердилар. Кишиларда «ўзбек дивизиясининг ташкил топганлиги тўғрига ўхшайди» деган фикр ҳам туғилди. «Миллий кийимлар» берилганининг бешинчи куни тунда бизларни Пскентдан Чимкентга олиб кетдилар. Эрта сабоҳ вақтинда Тошкент вокзалинда бўлдик. Бизларнинг бу ерга келганимиз ва бу ердан ҳарб майдонига кетажаклигимиз Тошкентга чақмоқ тезлигинда ёйилмиш. Бирининг онаси, бирининг бобоси, бирининг опаси-сингиси етиб келмиш...

Қизил вагонлар бизларни кутмақдалар. Пскентда биз билан бўлган ўзбек ўнбошилари, юзбошилари кўзга кўринмайдирлар. Чимкентга жўнаш вақти бўлди. Тошкент бекати қиёмат тусини олди. Оналарнинг, боболарнинг, опа ва сингилларнинг, ўғил-қизларнинг дод-фарёди кўкни қоплайдир. Уларнинг кўз ёшлари маржон каби оқмоқда. Кимнинг пешонасига нима ёзилмиш, кимнинг қисмати қандай – буни ҳеч ким билмайди.

Поезд йўлга тушди.

– Сени Оллоҳга топширдим, ўғлим;

– Соғ-саломат қайтиб кел, жигарим, – деган овозлар янгради.

Вагоннинг ичинда бизни Чимкентга бошлаб бораётган узоқроқ танишим бўлган дивизия докторини кўриб қолдим.

– Ғарб майдонигами кетмақдамиз? – деб сўрадим ундан.

– Ҳа, шундай, Чимкентдан Украинага кетажаксизлар, – деди ул менга.



– Ажаб, ундай бўлса, бизим ўзбек ўнбошиларимиз, юзбошиларимиз нега қолдилар? – деб сўрадим ундан.

– Улар янгидан чақирилажак кишилар билан машқ ўтказдилар, – деб жавоб берди доктор.

Масала менга аниқ бўлди. Чимкентда уч кун қолдик. Сўнградан билсак, бул ерга Қозонистонда бир рус дивизияси келар экан ва бизлар шул русларни кутишимиз керак экан.

Руслар келишди. Бизлардан миллий дивизияга берилган кийимларни ечиб олиб, совет ўрдусининг шинелини ва пилоткасини бердилар. Қизил вагонларда олти ҳафта йўлда бўлиб, Украинанинг бир ерига бориб тушдик. Бул ерда бизларни 10 тадан, 15 тадан русларнинг орасига қўшдилар. «Миллий дивизия»нинг номи ҳам ўчди, кийими ҳам йўқ бўлди.

«Миллий дивизия» ниқоби остида руслар туркистонлиларни Русиянинг тупроғини ҳимоя этиш учуш жангга солдилар. Тўрт ойга қадар ёғоч милтиқлар билан машқ қилиб етишган ҳамшаҳарларимизнинг кўплари замбаракларнинг ўқларига емиш бўлдилар, кўплари олмонларга асир тушдилар. Пскентда ва Чимкентда бўлган дўстларим билан олмон тутқун кемпларинда яна силоҳ олдик. Бироқ бул силоҳ рус силоҳи эмас эди. Бул силоҳ «Туркистон миллий ўрдуси»нинг силоҳи эди.

Комил Ҳошим ўғли исмли «Туркистон легиони»нинг собиқ аскарлари хотирасидан:

«1942 йил июнь ойининг охирилари. Рус-олмон муҳорабаси ниҳоят қизиб бормоқда. Олмонлар совет ерининг ичкари томонига кириб кетиб, ҳар куни ўн минглаб аскарларни тутқунликка туширмақдалар. Тутқун кемплари тўлиб-тошиб кетган. «Ит эгасини танимамайди» деганларидек, аралаш-қуралаш бўлиб кетган миллатлар орасинда кимса кимсага боқмайди. Бул ерда кишининг қадри-қиммати бир чақага ҳам арзимамай қолган. Очлик авжга чиққан. Бир бурда нон учун ёки бир чеким тамаки учун одамлар кўзларини ўйиб беришга ҳам тайёрлар. Очлик, қирлик натижасинда хасталиклар ҳам кўпайган. Ҳар куни бир неча юзлаб киши ўлиб турадир...

Тутқунга тушганимизнинг саккизинчи ҳафтаси эди. Ҳар кунги одатдагидек эрта билан, ҳали кун ёримасдан «баланда» (атала)ни

олиб, бурчак-бурчакда биқиниб емақда эдик. Шул вақтда кемп коменданги:

– Туркистонлилар майдонга сафлансин! – деган буйруқни берди.

Бундай вақтда буйруқ қулоққа ёқадими? Бир қошиқ бўлса ҳам иссиқ овқатнинг қоринга киргани фойда.

Майдонга сафланганлар сони 200 дан ортмас эди. Буларнинг деярли ҳаммаси ёши 50 – 55 атрофинда бўлган кишилар эди. Совет давринда туғилган ва «Туркистон» деган сўзни мутлақо эшитмаган мингларча ёшлар эса атроф-атрофда мужмайиб тўпланишиб турмақдалар.

– Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, тожик бўлсанг бизнинг сафимизга кел! – деб бақирди сафда турганларнинг бири.

Шундан сўнг бир ондаёқ майдон туркистонлилар билан тўлиб кетди. Тутқун кемпинг тиканли симлар билан ўралган дарвозасидан чиқиб, бизга номаълум бўлган томонга қараб кетар эканмиз, атрофни безатиб турган табиат манзараларига қараб, чуқур нафас олиб роҳатлана бошладик...

Биз энди озод эдик. Бошқа тутқун кемплариндан ҳам келтирилган икки мингга яқин туркистонлилар бир ерга тўпланмишлар. Юртдан бирга чиққан ва муҳораба майдонидан бир-биридан ажралган қадрдон дўстлар, қариндош-уруғлар, ҳатто ота-бола шул ерда бир-бирлари билан яна топиша бошладилар. Қучоқлашиб кўришганларнинг, шодликдан йиғлаганларнинг ҳисоби йўқ. Кечаги азоблар бир нафас унутилган бўлди.

Чиндан-да киши ўзини озод ҳис қилар эди. Бул ерда рус полисларининг хунук башаралари ва резинка қамчилари кўринмас, «чёрный» деган ҳақорат сўзлари эшитилмас эди. Ётиштуриш, емак-ичмак тартибли бўлиб қолди. Тутқун кемпларинда заифланган гавда яна қувватлана бошлади...»

Легионнинг ташкил этилиши

Комил Ҳошим ўғли хотирасидан (давоми):
«...Бироқ ҳали деярли кўпчилик масалага тушунмас, асабланар эди. Нима учун туркистонлиларнинг бир ерга тўпланганлиги маъ-



носига етиб борувчилар оз эди. Ҳаммада буни билишга қизиқиш ва эртанги куннинг нимадан иборат эканлигини англашга интилиш сезилиб турар эди. Шундай кунларнинг бирида «Миллий Туркистон» мажмуасининг 1942 йил 15 июнда чиққан биринчи сони пайдо бўлиб қолди. Кўп эмас, фақат уч кишининг қўлинда биттадан уч нусхагина, холос! Ҳар ким уни ўз қўлига олиб кўришни, шошилиб бўлса-да унинг бир неча сўзларини ўқувни истар эди. Кишиларда ҳаяжон яна зўрайган. «Қандай мажмуа?», «Қаерда чиқазилган?», «Нималар ҳақинда сўзлайди?» деган саволлар тез-тез эшитилиб турмакда. Тўда-тўда бўлиб ўлтириб ўқишдан бошқа илож қолмади.

«Бизнинг йўл тўғри, очиқ ва белгилidir. Бизнинг йўл Туркистон истиқболи йўlidir. Бул ҳақ йўlidir», – деб ўқий бошлади бир ўспирин. Ҳаммамизнинг диққатимиз ўқувчига қаратилган. Ул эса вужуди билан мажмуа ичига кириб кетиб, шариллатиб ўқимоқда. Ҳар бир сўз юрагингизга бориб тегади... Мажмуа бошдан-оёқ ўқиб чиқилди... Кечагина тутқун кемпларинда ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва қорақалпоқ бўлиб, бир-биридан ажралиб юрган ёшларнинг ҳаммаси ўзларини бир буюк оиланинг аъзоси ва бир буюк Туркистоннинг ўғлони эканликларини ҳис қила бошладилар...»

Комил Ҳошим ўғлининг бу хотира сўзларини ўқиган кишида «Миллий Туркистон» мажмуаси қачон, қаерда ва ким томонидан нашр этилган?» деган савол туғилиши табиий. Юқорида келтирилган хотирада айтилганидек, «Миллий Туркистон» мажмуасининг 1-сони 1942 йил 15 июнда нашрдан чиқиб, туркистонли маҳбус асирлар ўртасида тарқатилган. Журнал 1942 – 1975 йилларда Германияда Вали Қаюмхон муҳаррирлигида нашр этилган.

Вали Қаюмхон 1904 йили Тошкентда туғилган. 1921 йили Бухоро Халқ Жумҳуриятининг йўлланмаси билан бир гуруҳ ёшлар қаторида Германияга ўқишга юборилган. Аммо Германияда таҳсил олган ёшларнинг Ўзбекистонга қайтганларидан сўнг таъқиб ва тазйиқ остида яшаётганларини эшитган бошқа талабалар қатори у ҳам Ватанига қайтиб келмаган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўплаб туркистон-

лик зобит ва аскарлар асирликка тушгач, Германия ҳукумати вакиллари ва немис армияси ҳарбий ташвиқот бўлими бошлиқларининг ёрдами билан «Туркистон легиони» ташкил этилган ва у концентрацион лагерлардаги асир туркистонликлар учун «Миллий Туркистон» мажмуасини нашр этган.

Одатда, асир тушган ҳарбийлар ўз хоҳишлари билан эмас, балки қўмондон буйруғи асосида ҳаракат қилганлари учун уларга нисбатан шафқатли муносабатда бўлиш талаб этилади. Аммо немис фашизми Иккинчи жаҳон урушида асир тушган совет жангчиларига, шу жумладан, туркистонликларга нисбатан ўта шафқатсиз муносабатда бўлди. Вали Қаюмхоннинг айтишига кўра, у шундай ҳақоратли муносабат, шунингдек, очлик ва касалликлар орқасида қиррилиб кетаётган ватандошлари ҳаётини сақлаб қолиш ниятида «Туркистон легиони»ни ташкил этган. Унинг Германия ҳукумати ва немис армияси қўмондонлигига маъқул бўлган иккинчи мақсади эса Туркистонни ўз мустамлакасига айлантирган, унинг бойликларини ташиб, аҳолисини қирғин-қатагон этиб келаётган Совет давлатига қарши курашда туркистонлик асирлардан фойдаланиш эди. У ана шу мақсадга эришиш учун туркистонлик асирлар ўртасида ташвиқот ишларини олиб борди. «Миллий Туркистон» мажмуаси эса ана шу ташвиқот ишларида қурол бўлиб хизмат этди.

Биз юқорида совет зобит ва аскарларининг оммавий равишда асир тушиши сабабларига тўхталган эдик. Ушбу мавзунинг яна бир муҳим жиҳати борки, уни Боймирза Ҳайитнинг қуйидаги мулоҳазаси ёрдамида ёритиш мақсадга мувофиқ.

«Олмон-совет урушидан олдин, – деб ёзган эди у «Шарқ юлдузи» журнали (1992 йил 3-сон) да эълон қилинган мақоласида, – совет армиясига чақирилган туркистонликларнинг кўпи Украина ва Польшада хизмат қилаётган эди. Финляндия-Совет Иттифоқи урушида маънавий ва моддий кучлардан айрилган Қизил Армия Олмониянинг Польшадаги уруш бо-раётган чегараларига юборган аскарларини на қурол жиҳатдан, на маънавий жиҳатдан таъминлаган эди. Олмон армияси билан юз-



ма-юз келган туркистонлик совет аскарларининг кўпчилиги қўллариди милтиққа ўхшаган тахта парчаларини кўтариб боришарди... Олмонлар биринчи бўлиб чегарада турган совет аскарларидан туркистонликларга оғир зарба бергандилар...

Иккинчи жаҳон уруши даврида совет армиясида бўлган туркистонлик аскарларнинг «Совет Ватани» деб аталган... Совет Иттифоқининг ғарбий минтақаларидаги тупроқларини мудофаа қилиш учун маънавий кучлари етарли эмас эди. Ҳеч кимса 1937 – 1939 йиллардаги сталинизм-большевизм террорининг таъсиридан қутулолмаган эди. Устига-устак, туркистонлик аскарларнинг кўпчилиги рус тилини билмаганлари учун уларга иккинчи даражали аскар назари билан қараларди» (таъкид бизники – Н.К.).

Ана шу сўнги ҳол туркистонлик асирлар руҳиятига таъсир этмай қолмади ва уларнинг «Туркистон легиони»га келиб қўшилишларида бошқа омиллар билан бир қаторда ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлди.

«Туркистон легиони»нинг ташкил топиши айрим илмий мақолаларда Мустафо Чўқаев номи билан боғланади. Иккинчи жаҳон уруши Совет давлати чегараларини кесиб ўтган вақтда Мустафо Чўқаев Парижда яшар, у муҳаррирлик қилган «Ёш Туркистон» мажмуаси нашрдан тўхтаган, Берлинда эса «Миллий Туркистон Бирлиги Қўмитаси»нинг бўлажак президенти Вали Қаюмхон яшамоқда эди.

«Рус-олмон муҳорибаси бошлангач, – деб ёзади Боймирза Ҳайит Мустафо Чўқаев хотирасига бағишланган мақоласида, – мингларча туркистонликлар олмонлар томонидан тутқунликка олинган ва яна минглари буларнинг томонига қочиб ўтган эдилар. Тутқунликдаги туркистонликларнинг вазиятлари ўта ёмон эди, очлик бошланган, бунинг орқасинда ўлим ҳам кўпайган эди. Бунинг устига, олмонларнинг «СС»лари туркистонликларни «азиат», «яхудий» ёхуд «комиссар-коммунист» деб отиб ўлдириб ҳам турган эди. Бундай фожиали аҳволдан туркистонликлар тездан озод қилинуви лозим эди. Шу вақтда Чўқай билан Қаюмхон бирликда туриб, бул азоблар ичинда қолган

ватандошларини қутқармоқ ҳаракатинда бўлдилар ва ҳар иккиси Туркистоннинг келажаги устинда планлар тузмоққа бошладилар. Ҳар иккиси бир неча тутқунлар лагерларига бордилар ва ул ерларда туркистонликларнинг аҳволини тўла-тўқис ўргандилар.

Тездан туркистонли тутқунларни олмонларнинг қишлоқ хўжалик ва саноат ишларига ўринлаштириш планини туздилар. Бу мақсадла туркистонликларнинг рўйхати олинмоққа бошланди...

Мустафо Чўқайни Туркистон ёшлари сўнги маротаба 13.12.1941 да Полониянинг Чинстахов шаҳридаги туркистонли ва кавказли тутқунлар орасинда бўлдиғи вақтда кўра олдилар. Чўқай ва Қаюмхон Кавказ комиссиясининг ёнинда туркистонликларни рўйхатга олмоқда эдилар. Бул ҳар иккиси уч кун бит босган, оч қолган, кийимсиз қолган ва хасталиклар ичинда ўлмақда бўлган 32 мингдан ошиқ туркистонликлар орасинда қолдилар.

16.12.42 да лагерда умумий тифус хасталиги бошлангач, Кавказ комиссияси, Чўқай ва Қаюмхон шул 32 мингдан ошиқ туркистонликлар билан бирга карантинга ётдилар. Мустафо Чўқай ва Кавказ комиссиясидан икки киши тифус хасталигига учрадилар».

Мустафо Чўқаев вафотидан кейин туркистонлик асирлардан қишлоқ хўжалиги ёки саноат корхоналарида эмас, балки совет ҳокимиятига қарши қуролли курашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шу мақсадда «Туркистон легиони» ташкил этилди.

Легион қанча кишидан иборат бўлган?

Ҳамид Икром исмли «Туркистон легиони»нинг собиқ аскари хотирасидан:

«Туркистон миллий ўрдусининг Легионово ҳарбий шаҳарчасидаги зобитлар тайёрлов мактабинда ўқувчи туркистонликлардан 38 киши, муллалар тайёрлов мактабларинда ўқувчилардан 18 киши 1943 йил апрель ойинда ўз мактабларини муваффақият билан битирдилар. Бу 56 нафар ёш туркистонликларнинг мактабни битирув маросими буюк ҳозирлик ва тантана билан ўтказилди. Бу маросимда бутун



Туркистон қисмларининг қўмондонлари, аскарлари ва турли меҳмонлар қатнашдилар. Бу маросимни ўтказиш учун Миллий Туркистон Бирлик Қўмитаси томониндан юзбоши Ҳаким ўғлининг бошлуғинда бир гуруҳ вакил келди. Мактабларини яхши даражада битирган 56 нафар йигитларнинг ва қўмита томониндан юборилган вакилларнинг шараф ва ҳурматлари учун буюк бир ҳарбий кўрик ўтказилди. Бунда Туркистон миллий ўрдусининг Легионово шаҳарчасидаги барча қисмларда ҳарбий таълим олаётган ва мактабларда ўқиб тарбия олаётган зобит ва аскарлар ўз ватандош зобитларининг қўмондонлиги остинда сафга чизилдилар ва майдонга тўпланган меҳмонлар ва вакилларнинг ҳузуридан ўтиб, ўз ҳарбий интизом, ҳарбий қобилият ва ҳарбий қувватларини яна бир карра намоёниш этдилар.

Бу ҳарбий кўриқдан сўнг бир неча минг аскар йигитларнинг ва айрим кекса бобола-римизнинг иштирокидаги йиғилишда қўмита президенти томониндан келган вакиллар бошлиғи юзбоши Ҳаким ўғли сўзга чиқиб, ... Миллий Туркистон Бирлик Қўмитасининг кураш мақсади ва кураш йўлини йиғилганларга яна бир карра англаиб ўтди. У сўзининг давомида: «Миллий Туркистон ўрдуси, миллий ўрду қарамоғиндаги зобитлар, муллалар ва миллий ташвиқотчилар тайёрлов мактаблари бугунги миллий-озодлик курашимизнинг тўлиқ ғалабасига эга бўлув ва келажакда ҳам миллий ўрдумизнинг ҳарбий қувват ва қобилиятини юксалтув, миллий ўрдумиз сафини интизомли, чиниққан миллий зобитлар билан таъмин этишда буюк хизматлар қилмоқдадир.

Букун биз бу каби тантанали маросимни ўтказиш учун бу ерга иккинчи мартаба тўпланмоқдамиз. Бундан аввал ҳам 200 дан ортиқ билимли ва қобилиятли аскарларимиз зобитлар ва муллалар мактабларини муваффақиятла битириб чиқдилар ва улар ҳозирда шарқий жабҳаларда рус большевик империалистларига қарши ватанимизнинг озодлиги учун сўғишаётган аскарларимизга қўмондонлик қилмоқдалар ва диний таълимот бермақдалар (тақид бизники – Н.К.). Айримлари Олмониянинг турли шаҳарларида миллий, диний ва ҳарбий

таълимот олмоқда бўлган туркистонлилар орасида хизмат қилмоқдалар, айримлари эса дорилфунунларда ўқиб юксак билим олмоқдалар...» – деди.

Ҳ.Икром исми билан хорижий матбуотда эълон қилинган бу хотирадан шу нарса аниқ бўладики, турли сабабларга кўра асир тушган туркистонлиларнинг катта бир қисми Германиядаги ҳарбий мактабларда муайян тайёргарлик даврини ўтгач немис қўшинлари билан бирга шарқий фронтга – советларга қарши урушиш учун ташланган. Бу асирларнинг бизга номаълум сабабларга кўра имтиёзланган кичик бир қисми эса Германиядаги дорилфунунларга – ўрта ўқув юртларига юборилган.

Энди «Туркистон легиони»да хизмат қилган ҳарбий асирларнинг сони масаласига келсак, бу ҳақда Боймирза Ҳайитнинг «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилган мақоласида қуйидаги маълумотни ўқиймиз:

«Иккинчи жаҳон уруши пайтларида, – деб ёзади у, – Қизил Армияга сафарбар этилган Туркистон туркларининг (яъни ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар ва қорақалпоқларнинг – Н.К.) саноғи тўғрисида тўла маълумот йўқ. Лекин Миллий Туркистон Бирлик Қўмитасининг 1942 – 1943 йилларда Олмония томонида жабҳада бўлган «Туркистон легиони»нинг аскарларига берилган саволларга олинган жавоблардан уруш даврида Қизил Армияда бўлган туркистонлиларнинг саноғи борасида ҳақиқатга яқин маълумот олиш мумкин бўлганди. Тўпланган маълумотларга қараганда, 1943 йилда Қизил Армиянинг 6 ҳарбий қисмида, яъни Минск, Киев, Москва, Ленинград, Узоқ Шарқ, Шимолий Кавказда 1.179.802 туркистонлик аскар бор эди. Фақат Минск ва Киев қисмларида 997.802 нафар эди. Совет Иттифоқининг бошқа ҳарбий қисмларида бўлган туркистонликларнинг саноғи ҳақида маълумот олишнинг иложи бўлмаган. Олмон уруши доираларининг тарқатган маълумотларига кўра, Совет Иттифоқи билан Олмония орасидаги урушнинг илк йилларида (1942 – 1943) советларнинг ғарбий жабҳасида тақрибан 2 миллионга яқин туркистонлик аскар бўлган. Тўрғай шаҳрида жойлашган Ол-



мон ҳарбий асирлар бошқармасининг 1943 йилда берган маълумотига кўра, урушнинг илк йилларида (1941 – 1942) Совет Армиясидан 1.700.000 га яқин туркистонлик олмонлар томонидан асир олингандир».

Туркистонлик йигитлар шарқий фронтда қандай қилиб ўз оға-иниларига қарши жанг қилганлар?

Хорижий матбуотда берилган маълумотга қараганда, «Туркистон легиони»нинг 1-батальони 1942 йил 18 май куни шарқий фронтда, Брянск ўрмонларида Қизил Армияга қарши жангга кирган. Шундан кейин туркистонликларнинг яна 113 та қисми немис-совет урушида иштирок этган.

Биз юқорида уруш арафасидаги тарихий шароитнинг туркистонликларни душманга асир тушишга мажбур этганини қайд этган эдик. Шунга қарамай, 1,5 миллионга яқин туркистонликларнинг немис армияси билан бирга Совет давлатига қарши қурол кўтариб келиши ақл бовар қилмас ҳолдир. Зеро, қандай сабаблар билан асир тушганлари ва асирликда қандай азоб-уқубатларни бошдан кечирганларига қарамай, уларнинг ўз ватандошларига қарши қурол кўтариб келганларини тушуниш қийин. Асир тушган туркистонликлар ўз оғаниларига қарши қурол билан боришга қандай журъат этдилар, шундай соатларда уларнинг хаёлидан қандай фикрлар кечди экан?!.

Шубҳасиз, улар орасида ўз хатти-ҳаракатларининг тўғрилигига шубҳаланган, ҳатто шарқий фронтга руҳий изтироблар билан, ўлимга ҳам рози бўлиб борган кишилар оз бўлмаган. Бундай легионерлар ҳатто қизил аскарлар билан юзма-юз келганларида ҳам уларга қарши ўт очмаганлар. Лекин аксар легионерлар Совет давлатидан норози кишилар эди. Шундайлардан бири 63 ёшли **Мираъзам Мирҳошим ўғли** бўлиб, у бояги маросимда ҳарбий мактабни битириб чиққан зобитларга «оқ йўл» тилаб шундай сўзларни айтган (Шуни ёдда тутиш керакки, Мираъзам Мирҳошим ўғли ҳам, хориждаги бошқа ватандошларимиз ҳам «руслар» деганда Совет давлатини назарда тутишган):

«...Сизларнинг ораларингизда ота-оналари руслар томонидан гуноҳсиз ўлдирилмаган ва унинг натижасинда ёшлик чоғиндаёқ етим қолган юзларча йигитлар бордир. Букун сиз қоракўз йигитларнинг қалбларингизда душманамиз русларга қарши ғазаб, мингларча ота-оналарнинг беғуноҳ тўкилган қонлари учун ўч олув ўти ёнмоқда... Большевиклар бизларни ноҳақ азобладилар. Оиламиз билан дашт, саҳроларга сургун қилиб, ота-оналарни болаларидан, болаларни ота-оналаридан айирдилар. Қўпларимиз сургун азобинда қирилиб кетди. Ҳозирда ҳам мингларча гуноҳсиз туркистонликлар Сибириянинг музли ўрмонларида НКВДнинг оғир жазо уйларида юракларидан лахта-лахта қон оқиб ётмоқдалар.

Бизлар мол-мулкларимиздан маҳрум бўлдик, миллий маданиятимиз, ислом дини гуллаган муқаддас ватанимиздан жудо бўлдик. Ёт мамлакатларда сургунда хор бўлдик, эзилдик. Юзларча юртдошларимиз рус жаллодларининг қурбони бўлдилар...»

Мираъзам Мирҳошим ўғли душман томонга ўтган 20 – 25 нафар «қулоқ» қилинган юртдошларимиздан бири бўлиб, ўзи ҳақида шундай маълумотни берган:

«1931 йили, колхозлаштириш даврида, большевиклар мени «қулоқ», яъни «муштумзўр» деб айладилар. Бирозгина экин майдонимни, икки қўш ҳўкизимни ва деҳқончилик асбобларини тортиб олдилар. Бу билан ҳам қаноатланмасдан, она юртимдан ҳам маҳрум этиб, оилам билан Украинанинг Николаев вилоятига сургун қилдилар. Бизлар у ерга келгандан сўнг яна 500 дан ортиқ туркистонли оилалар сургун этилиб келдилар. Қисқа муддат шаҳарга яқин ерда тахтадан қилинган уйларда турдигимиздан сўнг бизларни сувсиз, дарахтсиз бир чўллик ерга олиб бордилар. Бу ерда тиконли симлар орасинда, НКВДнинг қуролланган соқчилари назорати остинда кун кечири бошладик. Русларнинг мақсади бизларнинг кучимиздан фойдаланиб бу чўллик ерларни экин майдонига айлантириш эди. Бизларга энг оғир, инсон чидай олмайдирган меҳнат мажбуриятларини юкладилар. Йил давомида узлуксиз ҳар кун 14 соатдан далада меҳнат



қилдик. Аввал бир неча янги ариқлар қазидик. Улар битгандан сўнг бизларга бу ерларда пахта экиш мажбуриятини юкладилар. НКВД соқчиларининг қамчиси остинда, ёзнинг иссиқ, қишнинг одам ўлдирар совуқ кунларига чидаб хотин ва болаларимиз билан ишладик ва оғир меҳнатлар орқасинда бу чўлларни пахта майдонига айлантириб, у ерлардан мўл даражада пахта ҳосили ола бошладик. Қилдигимиз бу оғир меҳнатлар ва олдигимиз пахта ҳосили учун большевиклар бизларга очдан ўлиб қолмаслик даражада емаклик, яланғоч қолмаслик учун эски кийимликлар бериб турдилар ва бизларни доим тиканли сим ичинда сақладилар.

Сургун этилган оилаларнинг бошлиқларидан кўпчилиги мен каби кексайган кишилар эдилар. Уларнинг ишга яроқсиз бўлувларига қарамай, мажбуран ишлатдилар. Бошланғичда меҳнат мажбуриятига бўй эгмаган ёки ҳақиқатдан ҳам меҳнатга яроқсиз бўлганларни-да кўп текшириб ўлтурмай, бошқаларга намуна ўлароқ отиб ўлдирдилар. Айрим вақтларда юртдошлардан айримлари кутилмаган ҳолда соқчилар томонидан олиб кетилди ва уларнинг тақдири нима бўлганлигини бизлар била олмадик. Бизларни азоблаш учун русларнинг қилмаган ҳеч бир ваҳшийликлари ва жазо усуллари қолмади.

12 йил ичинда Туркистондан Николаев вилоятига сургун этилган 500 оилани ташкил қилган 2000 га яқин ёш, кекса, хотин ва қизлардан 950 га яқини НКВДнинг зулми остинда очликдан, оғир хаасталиқдан ўлиб йўқ бўлди. Шулар қаторинда мен ҳам бундан 4 йил аввал хотинимдан айрилдим...»

Совет давлатидан бундай жабр-зулм кўрган, ватанидан жудо этилган кишилар шарқий фронтга кетаётган легионерларга оқ фотиҳа бердилар. Миллий Туркистон Бирлик Қўмитасининг Германия ташқи ишлар вазирлиги томонидан «Туркистон муваққат ҳукумати» деб эътироф этилиши эса немис армиясининг ғалабасига ишонган легионерларда ўзларига, олиб бораётган курашларининг ҳақлигига ишонч туйғусини уйғотди. Улар ғалабага эришилган тақдирда Туркистонни большевизм зулмидан озод этамиз деб ўйладилар.

Легионнинг кейинги тақдири

1942 йил бошларида Германияда рус бўлмаган миллатларга мансуб ҳарбий асирларнинг бир қисмини легионларга қабул қилиш масаласи кўриб чиқилди. Шундан кейин юзлаб концентратив лагерлардаги ҳарбий асирлардан Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Шимолий Кавказ, Идил-Ўрол ва Туркистон легионлари тузилди.

«Туркистон легиони»нинг фронтдаги аскар ва зобитлари сони 1944 йил охирида 181.402 киши, ҳарбий форма кийган ишчилари сони эса 85 мингдан зиёдроқ эди. Легионерлардан 1944 йилнинг охирига қадар тахминан 65 минг киши ҳалок бўлган, фронтдаги 181 минг 402 кишидан 900 га яқини эса легиондан қочиб, партизанлик ҳаракатига қўшилиб кетган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг барҳаёт қолган легионерларнинг ватанга қайтишлари ўз жонларига қасд қилиш билан барабар эди. Шунинг учун ҳам уларнинг аксари Германияда қолди, кичик бир қисмигина Америка, Туркия ва бошқа мамлакатлардан паноҳ топди. Аммо 1945 йил февраль ойида Ялта конференциясида қабул қилинган шартномага кўра Ғарб давлатлари ўз тасарруфларидаги ҳарбий асирларни она ватанларига қайтаришлари лозим эди. 200 мингдан зиёд туркистонлик Совет Иттифоқига қайтиб боришдан бош тортганига қарамай, зўравонлик билан олиб кетилди ва аксари қириб ташланди. 1945 йил ноябрида АҚШнинг янги президенти Д.Эйзенхаур туфайли «янги дунё»дан бошпана топган тахминан 800 нафар туркистонлик жон сақлаб қолди, холос.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, 2020 йил баҳорида Иккинчи жаҳон урушининг ғалаба билан тугаганига 75 йил тўлади.

Камина ушбу мақола билан тарихнинг мураккаб бир нуқтасида турли объектив ва субъектив сабабларга кўра уруш деган қонли дарёнинг бошқа соҳилига чиқиб қолган ва машаққатли ҳаёт йўллари фожиа билан тугаган ватандошларимизни оқламоқчи ҳам, қораламоқчи ҳам эмасман. Бошқа бандалар қатори менда ҳам бундай ҳақ-ҳуқуқ йўқ. Уларни оқлаш ёки қоралаш ёлғиз Яратганнинг ихтиёридадир.



ЎЗБЕКИСТОНЛИК МЕҲНАТ АРМИЯЧИЛАРИ («ҚУРОЛСИЗ АСКАРЛАР») НИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Шаҳбоз ҲОЖИЕВ,

Андижон давлат университети магистранти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида»ги ПҚ-4995 сонли қарорида 2020 йили дунё миқёсида кенг нишонланадиган буюк сана, ғалабанинг 75 йиллик байрамига пухта тайёргарлик кўриш ва уни юксак даражада ўтказиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон халқининг жанг майдонларидаги, уруш ортидаги қаҳрамонлиги ва фидокорона меҳнатини, тарихий хизматларини мамлакатимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш ва абадийлаштириш, ёш авлодимизни ота-боболаримиз жасоратига муносиб бўлган, бугунги тинч, осойишта ҳаётни асраб-авайлаш ва янада мустақамлашга қодир, жонажон ватанимизга садоқатли инсонлар этиб тарбиялашда бу тарихий сананинг ўрни бениҳоя катта эканлиги кўрсатилди.

Қарорда белгиланган тадбирлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш вазифаси ҳам илгари сурилди. Бундай китоб-альбомни нашр этиш бўйича илмий-амалий, ташкилий тадбирлар белгиланган, муаллифлар жамоаси кенг кўламда иш олиб бормоқда. Журнал ва газета-лар саҳифаларида, телекўрсатувларда мазкур

мавзу бўйича янгидан-янги тадқиқот натижалари эълон қилинмоқда.

Маълумки, 1941 – 1945 йилларда Ўзбекистондан мажбурий меҳнат армиясига олинган, ўша давр ибораси билан айтганда, «қуролсиз аскарлар» ва уларнинг қаҳрамонона, лекин фожиали ҳаёти, тақдири, буюк ғалабага қўшган ҳиссаси бениҳоя улқандир. Аммо Ўзбекистон тарихшунослигида мазкур масала ўрганилмай келмоқда. Мисоллар келтирамиз. 2000 йили нашр этилган «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида» (Тошкент, 2000. – 688 б.) китобида «Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши йиллари-



да» номли бобда (Б.429 – 500) «меҳнат армиячилари» ёки «қуролсиз аскарлар» ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. Орадан 19 йил ўтиб, 2019 йили, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик марказ томонидан икки жилдлик «Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар)» китоби нашр этилди. Китоб 35 нафар муаллиф томонидан ёзилган, масъул муҳаррирлар 3 киши, таҳрир ҳайъати 13 киши, тақризчилар 13 киши. Китобнинг иккинчи бўлими III боби «Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши йилларида» (Б.5 – 76) деб номланади. Бу академик нашрда ҳам Ўзбекистондан олинган меҳнат армиячилари, яъни «қуролсиз аскарлар» ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган.

Олий ўқув юртларида ўқитилаётган «Ўзбекистон тарихи» фани бўйича дарслик ва қўлланмаларда¹ ҳам бу мавзу ёритилмай қолиб кетган. Бу ҳолатни Ўзбекистон тарихи бўйича нашр этилган бошқа дарслик, қўлланмаларда ҳам кўриш мумкин. Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек тилида нашр этилган фронт газеталари ҳақидаги китобда мазкур масалани ўрганиш аҳамияти таъкидлаб ўтилган.² Шу китобнинг кириш қисмида «Қуролсиз аскарлар» ҳақидаги мавзунинг долзарблиги ва мазкур масала тарихшуносларимиз томонидан ўрганилиши зарурлиги қайд этилган.

Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг «Ўзбекистонлик қуролсиз аскарлар қисмати: нега уларнинг ғалабага қўшган ҳиссаси ҳамон ўрганилмаган?» номли проблематик характердаги мақоласининг эълон қилиниши муҳим аҳамиятга моликдир.³

¹ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Иккинчи китоб. – Андижон: Мерос, 1998. – 624 б.; Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 676 б.; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (Учинчи китоб). – Андижон: Andijon nashiyot-matbaa, 2004. – 652 б.

² Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Иккинчи китоб. – Тошкент: Akadempnashr, 2017. – Б.11 – 20.

³ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги расмий сайти 2019 йил 27 декабрь сони.

2019 йили «O'qituvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган «Мардлик мактаби» китобида тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёевнинг «Иккинчи жаҳон урушида ўзбеклар» номли мақоласида мазкур мавзуга оид айрим фикрлар келтирилган.⁴

Хуллас, Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонликлардан меҳнат армиясига олинганларнинг ғалабага қўшган ҳиссаси маҳсус тадқиқот этилмаган. Ваҳоланки, ҳатто совет даврида ҳам мазкур мавзунинг ёритишга эътибор қаратилган эди. Бу ўринда қуйидаги мақолаларни кўрсатиб ўтиш лозим.⁵ Бироқ биз, тарихчилар, бу мақолаларга эътибор бермай келганмиз.

Россия тарихчилари Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўрта Осиё ва Қозоғистондан меҳнат фронтига олинган ва мамлакатнинг Урал, Жанубий Урал, Бошқирдистон, Челябинск ва бошқа ҳудудларига ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ, уйғур ва бошқа маҳаллий миллат вакиллари сафарбар қилинган ҳақида муҳим маълумотлар келтирилганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, россиялик олимлар Ўзбекистондан сафарбар қилинган меҳнат армиячиларининг ғалабага қўшган буюк ҳиссасини илмий асослаш борасида анчагина тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Владимир Павленко⁶, Г.А.Гончаров⁷, Б.Д.Шмыров⁸,

⁴ Мардлик мактаби. – Тошкент: O'qituvchi, 2019. – Б.18 – 23.

⁵ Хусенов К. Патриотический труд рабочих-узбеков на предприятиях и стройках Урала и Сибири в годы Великой Отечественной войны // Материалы XXIII науч. конф. профес. преп. состава. Самарканд. гос. ун-та им. А. Навои. История. – Самарканд, 1966. – С.23 – 25; Ибрагимова А.Ю., Дядюра Л.П. Узбекистанцы на предприятиях и стройках Урала // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1980. №5. – С.44 – 48; Мухаметдинова Г.Р. Рабочие Узбекистана на предприятиях Башкирии // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1980. №5. – С.48 – 49.

⁶ Павленко В. Трудовые мобилизованные Средней Азии и Казахстана на предприятиях и стройках Урала, 1941 – 1945 годы // Вестник Челябинского государственного университета. Научный журнал. Серия Востоковедение, Евразийство, Геополитика. 1/2002. – С.196 – 203.

⁷ Гончаров Г.А. Трудовая мобилизация советских граждан в годы Великой отечественной войны (1941 – 1945 гг.) // Вестник ОГУ. 6/июнь, 2006. Том 1. – С.183 – 186; Ўша муаллиф. Категориальный состав «трудовой армии» на Урале в годы Великой отечественной войны // Вестник Челябинского государственного университета. 2011. №34 (249). История. Вып. 48. – С.60 – 64.

⁸ Политико-массовая работа среди трудмобилизованных Среднеазиатского военного округа на Южном Урале в 1943 – 1944 годах // Вестник Челябинского государственного университета. 2013. №18 (309). Выпуск История. – С.45 – 50.



Ю.И.Будников¹, Мария Передок² мақолаларида Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистондан сафарбар қилинган меҳнат армиячилари ҳақида фактик материаллар мавжуд. Озми-кўпми бу маълумотлар бўлгани ҳолда биз, Ўзбекистон тарихчилари, Иккинчи жаҳон урушида дунё цивилизациясини фашизм балосидан сақлаб қолишдек буюк ишга ўзбек халқининг қўшган улкан ҳиссасини тўлароқ кўрсатиш масаласига у қадар эътибор бермаганлигимиз, ўзимиздан олдинги муаллифларнинг тадқиқотлари билан қизиқмаганлигимиз, умуман, мазкур мавзуга жиддий эътибор қаратмаганлигимиз аён бўлмоқда.

Ваҳоланки, хорижда, айниқса, Россиядаги тадқиқотларда бу масала бўйича тегишли маълумотлар келтирилган. Масалан, 1941 – 1943 йилларнинг ўзида Ўзбекистондан 155 минг киши меҳнат армиясига сафарбар қилинган. Тошкент области ҳарбий комиссарлигидан экстремал ҳолатда эшелонда 1700 киши Бошқирдистонга жўнатишган. Уралдаги мудофаа саноати завод ва фабрикаларида 32620 нафар ўзбек ишчиси фаолият кўрсатган.

Иккинчи жаҳон уруши Ўрта Осиё аҳолисининг миқдори ва таркибига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатди. Унинг умумий миқдори 1940 йилдаги 10906 минг кишидан 1945 йилга келиб 8982 минг кишига тушиб қолди ёки 1924 минг нафарга қисқарди.³ Аҳолининг ёш ва жинсий таркиби анча вақтгача уруш арафасидаги ҳолатини тиклай олмади. Шу даврда фронталди ҳудудларидан келтирилган корхоналарни тиклаш баҳонасида ўн минглаб аҳоли мамлакатнинг Европа қисмидан Ўрта Осиёга кўчириб келтирилди. Айни вақтда, Ўрта Осиё юртидан бадарға қилинган миллатлар яшайдиган ўзига хос сургун жойи бўлиб қолди. Ўрта Осиёга

уруш даврида меҳсети турклари, Қрим татарлари, Волгабўйида яшаган немислар, чеченлар, сал аввалроқ корейслар ва бошқа халқлар сургун қилинди. Коммунист арбоблар шу йўсинда Ўрта Осиёни «байналмилал маскан»га, «халқлар дўстлиги қалъаси»га айлантирмоқчи бўлдилар.

Фашизм босқинига қарши кураш олиб бориш учун кўп минглаб ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар меҳнат фронтига сафарбар этилган. Саноат, айниқса, мудофаа саноати ва унинг барча тармоқларида ишчи кучига муҳтожлик кескин ортган эди. Ғалаба учун қўшимча ишчи кучини сафарбар қилиш ва ундан самарали фойдаланиш душман устидан ғолиб бўлишнинг муҳим омилларидан бирига айланиб қолганди.

СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1941 йил 23 июлдаги қарори билан меҳнат армиячиларининг фаолияти, мақоми ҳаракатдаги кўшинларда хизмат қилаётган ҳарбийлар билан тенглаштирилган.

СССР Олий Совети 1942 йил 13 февралда «Ҳарбий вақт даврида ишлаб чиқариш ва қурилиш ишлари учун меҳнатга лаёқатли аҳолини сафарбар қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди.⁴ Натижада ҳарбий саноат ва қурилишга миллионлаб меҳнат армиячилари сафарбар этилди.

Совет давридаёқ айрим ўзбекистонлик тадқиқотчилар дастлабки тадқиқотларни эълон қилганди. Масалан, К.Хусанов 1943 йили РСФСРнинг 14 областида, 4 автоном республикасида ва Красноярск ўлкасида 60 мингга яқин ўзбеклар ишлагани, ишчи ўзбекларнинг яшаш шароити тўғрисидаги масала ВКП(б) район, шаҳар ва област комитетларида бир неча бор муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилингани, тадбирлар, амалий чоралар кўрилгани, 1943 йил 12 июнда Новосибирскда, 16 сентябрда Пермда бу масала партия комитетлари йиғилишларида кўриб чиқилгани қайд этилган.⁵

¹ Материально-бытовое положение трудмобилизованных из Средней Азии и Казахстана на предприятиях и стройках Урала в годы Великой Отечественной войны // Вестник ЮУрГУ. Серия «Социально-гуманитарные науки». 2013. Т. 13. №1. – С.21 – 24.

² Условия труда и быта трудмобилизованных на Челябинском Кировском заводе (1942 – 1945 гг.) // Материалы III научно-практической конференции научного общества учащихся малой академии Челябинского государственного университета. – Челябинск, 2014. – С.110 – 112.

³ Отамирзаев О., Қаюмов А. Туркистон аҳолиси: уйдирма ва ҳақиқат // Шарқ юлдузи. 1992. №10. – Б.122.

⁴ История Великой Отечественной войны Советского Союза. 1941 – 1945 гг. – М., 1961. – С.498.

⁵ Хусанов К. Патриотический подвиг рабочих-узбеков на предприятиях и стройках Урала и Сибири в годы Великой Отечественной Войны. Материалы XXIII научной конференции профессорско-преподавательского состава Самаркандского гос. уни-тета. История. 1966. – С.23.



Урал заводларидаги қурилишда ва Красногорск ТЭСда бу ерга келган ўзбекларнинг катта жамоаси ишлаган. Улардан кўплари фидокорона меҳнат қилишган. Ишчи Ақром Ортиқов гвардиячи вахтада нормани 140 фоизга, бетон заводи шофёри Бобоев 120 фоизга, слесарь Убайдулла Ҳайдаров 200 фоизга бажарган. Иркутск областидаги 4-қурилиш трестда ишлаётган 47-бригададаги ўзбек ишчиларидан 43 нафари 1943 йили режани ортиғи билан бажарган.

Мудофаа заводларида, шахталарда ва қурилишларда ишлаган ўзбек «қуролсиз аскарлари» турли хил мураккаб мутахассисликларга эга бўлганлар. Кўплаб ўзбеклар рус ишчилари оилаларида яшаганлар, улар билан бирга яшаш-ёмон кунларни бирга кечирганлар.

Қашқадарё областидаги собиқ колхозчи Э.Турғунбоев Уралдаги меҳнат фаолиятини эслаб рус халқи шаънига катта миннатдорчилик ҳис-туйғуларини шундай ифодалаган эди: «С первых же дней моей работы подручным вальцовщик Миша Мурзиенко стал моим другом и учителем. Он научил меня своему мастерству, помог освоить процесс производства. Миша и его жена приняли меня в дом как родного, и за все время пребывания на Урале я никогда не чувствовал себя одиноким».¹

Иккинчи жаҳон уруши даврида Урал мудофаа саноатининг муҳим маркази бўлган. Минтақанинг жуғрофий жойлашуви, фронтдан жуда олислиги бу ерни индустриал марказга айлантирган. Темир йўл коммуникацияси ҳам анча ривожланган эди. СССРнинг Европа қисмидан урушнинг дастлабки икки йилида ҳудудга 730 корхона эвакуация қилинган. Даставвал урушга сафарбар этилган мамлакатдаги немислар 1941 йил октябри – 1942 йил майида Уралдаги меҳнат тузатув лагерларига жойлаштирилган. Немис миллатига мансуб фуқаролар қизил армия ҳарбий қисмларидан чиқариб юборилган ва қурувчилар қисмига жойлаштирилган, Уралдаги меҳнат тузатув лагерларида меҳнат қилганлар.

СССР Давлат Мудофаа Комитетининг 1942 йил 14 октябрдаги «Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон республикаларидаги ҳарбий хизмат ўташлари лозим бўлганларни қурилиш ва саноат корхоналарида ишлаш учун сафарбар қилиш тўғрисида»ги №2414 СС қароридан Ўрта Осиё ҳарбий округидан Ўзбекистон бўйича ёши 19 дан 50 гача бўлган ҳарбий хизматга мажбур 150 000 ўзбекистонликни маҳаллий ҳарбий комиссарликлар томонидан сафарбар қилиш кўрсатилган. Қарорда сафарбар қилинганлар ўзларининг қишки кийимлари, захира ички кийимлари, кўрпа-тўшаклари, идиш-товоқлари, қошиқ ва 10 кун муддатга етадиган захира озиқ-овқатлари билан етиб келишлари кўрсатилган. Сафарбар қилинган шахарликлар учун Савдо халқ вазирлигига 10 кунлик озиқ-овқатни нақд пулга сотишга рухсат берилган.

Ўзбекистондан 35013 нафар ҳарбий хизмат ўтайдиганлар Уралга меҳнат армиясига сафарбар қилинган. Улар Ўрта Осиё ҳарбий округидан (ЎОҲО) 1943 йил баҳорида сафарбар қилинганларнинг катта қисмини ташкил этган. 1943 йил 15 апрелдаги маълумотга кўра, Ўзбекистондан 67000 киши Урал регионига жойлаштирилган: «Свердловск областида 15131 киши, Челябинскда 2427 киши, Молотов областида 2212 киши, Чкаловскда 2529 киши, Бошқирдистон АССРда 2357 киши ва Удмуртия АССРда 2970 нафар ўзбеклар меҳнат қилишган». Ўзбеклардан ташқари бу ерларга бошқа миллат вакиллари – тожиклар, туркманлар, қирғизлар ва қозоқлар сафарбар этилган. Уларнинг умумий миқдори 30000 кишини ташкил этган. 1943 йили ЎОҲОдан Уралга сафарбар этилганларнинг умумий улуши 41,5 фоиздан иборат бўлган. 1943 йил ёзида уларнинг миқдори Уралда 73000 кишига етган. Чкаловск областида 8000 киши, Молотов областида 12692 киши, Свердловскда 27000 га яқин киши, Челябинскда 20000 га яқин, Бошқирдистон АССРда 2500 кишидан кўпроқ, Удмуртияда 3000 га яқин киши. Удмуртиялик тадқиқотчи Т.С.Третъякова уруш йилларида

¹ Ўша жойда.



Муқимий театри

51-сонли қурилиш трестига Бухоро ва Сурхондарё областларидан минг нафар ўзбек келтирилгани, улар турли ёшда ва турли касбда бўлганини таъкидлайди. Г.Д.Селянинованинг ёзишича, 1943 йил ёзида Пермдаги Молотов номли заводда 978 ўзбек, Киров номли заводда 200 ўзбек, 90-сонли заводда 800 га яқин ўзбек ва 60 қозоқ, 103-сонли заводда 50 ўзбек, 12-қурилиш трестига 70 ўзбек ишлаган. Тадқиқотчи К.А.Моргуновнинг маълумотига кўра, Орск шаҳридаги корхоналарда 7 минг ўзбек (шундан 500 нафари нефть заводи қурилишида), Чкалов шаҳрида 700 ўзбек, Медногорскда 200 ўзбек ишлаган.¹

СССР Давлат Мудофаа Комитети 1942 йил 5 декабрда «Ўзбекистон металлургия комбинати қурилиши учун ҳарбий хизматга мажбур бўлган 2,5 минг корейсани сафарбар қилиш тўғрисида» қарор қабул қилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов республика партия ва ҳукуматига «Зудлик билан республика ҳарбий комиссариати ва Марказқўмнинг ҳарбий бўлими томонидан корейс миллатига мансуб чақирилувчилардан металлургия комбинати учун юқори малакали дурадгор ва тош терув-

чиларни сафарбар қилиш кераклиги»ни айтган. Айти пайтда, бу корейслар Бешёғочдаги ҳозирги Муқимий театри қурилишида ҳам ишлагалар.


1943 йил куздан Ўрта Осиё ва Қозоғистондан сафарбар қилинганлар миқдори камая бошлаган, 1944 йил ўрталарига келиб уларнинг сони 22000 кишига тушиб қолган.

Меҳнат армиячилари шахсий таркиби миқдори кўпайган давр 1943 йил ўрталарига тўғри келади. Бу вақтда уларнинг миқдори 190000 кишини ташкил этган, фоиз ҳисобида 61,7 фоиз бўлган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистондан сафарбар этилганларнинг 73 фоизи Уралдаги мудофаа саноати корхоналарида меҳнат қилган. Урал газеталари саҳифаларида ўзбек ва тожик ишчиларнинг фронт учун, ғалаба учун фидокорона меҳнати ёритиб борилган. Уралмаш заводи Голов бошлиқ бўлган механика цехида Рустам Турдиев ва Ҳасан Тўхтабоев нормани 150 фоизга бажаришган. Назаров цехида звено юк ташувчиси Ҳақбердиев, тожик Мардон Носир ва ўзбек Мамат Эргашевнинг меҳнат жасоратлари «За тяжелое машиностроение» газетасининг 1943 йил 9 февраль сонидан намуна сифатида кўрсатиб берилган. Газетанинг 11 февраль сонидан эса бундан бир неча ой олдин Ўзбекистоннинг қишлоқларидан заводга янги ишчилар келгани, улар аввал бундай заводлардаги ишлаб



Ўзбекистонлик Мардон Носир



Ўзбек Мамат Эргашев. Кислород баллонлари ташувчиси бўлиб хизмат қилган

¹ Моргунов К.А. Трудовая мобилизация и специфика правового положения немецкого населения Чкаловской области в военные и послевоенные годы // Научно-практическая конференции «Немецкое население на Южном Урале в военные и послевоенные годы (К 70-летию депортации немецкого населения СССР)». Оренбург, 2011 г. 29 апреля.



чиқаришни кўрмаганлиги, аммо кўпчилиги дастлабки кунларданоқ ҳарбийларнинг ҳужумлари учун фидокорона меҳнатнинг аҳамияти бениҳоя катталигини англаганлари, 19 ёшдаги Ҳасан Тўхтабоев мустақил равишда станокда меҳнат қилиб нормани 150% бажаргани қайд қилинган. Меҳнат армиясидагилар мислсиз оғир шароитда ҳаёт кечирганлар. Уларнинг маълум қисми цехларда ишлаб, шу жойда овқатланиб, шу жойда яшаганлар. Улар завод ва фабрикалардаги ошхоналарда тайёрланган чўчқа гўшти, колбаса, балиқ ва бошқа овқатларни емаганлари учун жуда ҳам озгин, меҳнатдан тинка-мадори қуриган ҳолда яшаганлари ҳужжатларда қайд этилган. Улар орасида ўлим даражаси юқори бўлган. Дафн этиш учун кафанлик маъмурият томонидан берилмаган ҳолатлар кўп бўлган.

Тўйиб овқатланмаслик, оғир жисмоний меҳнат, ночор ётиш-туриш, ҳорғинлик ошкор бўлгач, бунинг сабабларини аниқлашга киришилган. Шундан сўнг Ўзбекистон ва Тожикистонга озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш учун махсус бригадалар юборилган. Бу икки республика номидан озиқ-овқат маҳсулотлари юкланган эшелонлар юбориб турилган. Бир қанча завод ва корхоналарда ўзбекча таомлар тайёрлаш йўлга қўйилган, Уралмаш заводи атрофида чойхоналар пайдо бўлган. Лекин кўк чой бўлмаганидан мевали чой дамланган. Меҳнат ишчилари қоп-қоронғи, ифлос, иситилмайдиган ертўлаларда ухлаганлар, чойшаб-кўрпалар бўлмаган. «Кўпчилиги қишлоқ аҳолиси ҳисобланиб, – деб ёзади Ҳ.Зиёев, – рус тилини билмаслиги ва совуқ ҳавога мослашмагани сабабли кўп қийинчилик ва машаққатларни бошидан кечирган. Яшаш шароитларининг оғирлиги ва ўзларининг эскирган кийимларида ишлашлари оқибатида ниҳоятда азоб-уқубат чекканлар. Мен ўзим Сибирь госпиталида даволанаётганимда ўлкамиздан борганларнинг гадоичилик қилиб юрганлигининг гувоҳи бўлганман. Уларнинг соч-соқоллари ўсган, кийимлари ямалган ва кир босган эди. Уларнинг айтишига қараганда, очлик ва касалликдан ўлаётганлар оз бўлмаган. «Ишчи

батальони»даги кишилар Урал, Қараганда, Куйбишев, Саратов, Горький, Омск, Новосибирск, Москва, Тула, Ярославль, Красноярск, Хабаровск, Кемерово, Челябинск, Свердловск, Пермь, Иркутск, Архангельск, Бошқирдистон, Татаристон, Удмуртия ва бошқа жойлардаги саноат корхоналари ва конларда ярим оч ҳолда меҳнат қилганлар. Ҳамюртларимизнинг қанчаси она юртидан узоқ жойларда кафансиз кўмилганлар».¹

Урал, Сибир, Узоқ Шарқ ва Ўзбекистоннинг ўзиде жасоратли меҳнат қилиб, фавқулодда мислсиз оғир шароитларда қурол-аслаҳа, ўқдориларни тайёрлаб фронтга жўнатган юрдошларимизнинг фидокорона меҳнати билан буюк ғалабага қўшган ҳиссаси тарихимизда муносиб даражада очиб берилмоғи лозим. Бунда Москвадаги тегишли архивларда, республика ва вилоятлардаги архивларда, ҳатто идоралар жорий архивларида изланишлар олиб бориш талаб қилинади. Масалан, Андижон шаҳри ҳудудида меҳнат frontiда бўлганлардан 169 нафарини номма-ном аниқлаш мумкин бўлди. Уларнинг исми-шарифи, туғилган йили, жинси, яшаш манзили кўрсатилган жадвал тузилди. Улардан айримларини келтирмоқдамиз:

1. Азизов Абдулла, 1929 йилда туғилган, Андижон шаҳар Мирпўстин маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди.

2. Асқаров Билолиддин, 1921 йилда туғилган, Андижон шаҳар Обод маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди.



Невьянск шаҳридаги қабристонга ўрнатилган лавҳа. Унда шундай ёзилган: «Бу ерда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Иттифоқнинг бошқа ҳудудларидан Иккинчи жаҳон уруши меҳнат frontiда иштирок этганлар дафн қилинган».

¹ Мардлик мактаби. – Тошкент: O'qituvchi, 2019. – Б.20.



3. Бойбобоев Турғунбой, 1928 йилда туғилган, Андижон шаҳар Бобосадин маҳалла фуқаролар йиғинида яшаган.

4. Додхобоев Исмоил, 1930 йили туғилган, Андижон шаҳар Тўққизариқ кўчаси яшаган.

5. Жалилов Сайфиддин, 1927 йилда туғилган, Андижон шаҳар Ҳамид Қодиров номли маҳаллада яшаган, 2019 йил декабрда вафот этган.

6. Имомов Чомон, 1926 йилда туғилган, Андижон шаҳар Эркин маҳалла фуқаролар йиғинида яшаган.

7. Иминов Нажмиддин, 1930 йили туғилган, Андижон шаҳар Маориф маҳалла фуқаролар йиғинида яшаган.

8. Каримов Мадамин, 1930 йилда туғилган, Андижон шаҳар Шодлик маҳалла фуқаролар йиғинида яшаган.

9. Ким Василий, 1930 йилда туғилган, Андижон шаҳар Султон Жўра маҳалла фуқаролар йиғинида яшаган.

10. Қўшоқов Аҳмаджон, 1930 йилда туғилган, Андижон шаҳар Чўлпон 100 йиллиги маҳалла фуқаролар йиғинида яшаган.

Текширишларда вилоятлардаги мудофаа бошқармалари, шаҳар ва районлар мудофаа бўлимлари томонидан уруш вақтида ҳарбий хизматга олинганлар рўйхатида меҳнат фронтига олинганлар ҳам борлиги аниқланди. Андижон области Асака райони ҳарбий бўлими

томонидан совет армиясига жўнатилганлар рўйхатидан меҳнат фронтига, яъни «қуролсиз аскарлик»ка жўнатилганлар ҳам топилди. Ҳалимов Абдурахмон 1913 йили туғилгани, 1942 йил 29 сентябрда Урал темир йўли қурилишига сафарбар қилингани, яшаш жойи Ворошилов шаҳри экани кўрсатилган. Шу манзилга 1914 йилда туғилган Холбеков Мажид, 1918 йилда туғилган Ҳасанов Мамазулун жўнатилганлиги қайд этилган.¹ Демак, республика бўйича ҳарбий хизматга олинганлар рўйхатлари орқали меҳнат фронтига сафарбар этилган юртдошларимизни номма-ном аниқлаш мумкин экан.

Ўзбекистондан меҳнат армиясига олинганларнинг аниқ таркиби ҳақидаги материаллар Урал, Бошқирдистон, Свердловск каби ҳудудларда фронт учун қурол-аслаҳа, ўқ-дори ва бошқа мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқарган завод ва фабрикалар архивларида, Москвадаги Мудофаа вазирлиги, Совет армияси Марказий давлат архивида сақланмоқда. Мазкур мавзуни кенг ва тўлақонли тадқиқ этиш учун ўша архивларда ишлашга тўғри келади. Меҳнат армиясидан озод бўлиб юртга қайтиб келган «қуролсиз аскарлар»нинг эсдалик ва хотираларини ёзиб олиш зарур эди. Бу кенг жамоатчилик, айниқса, тарихчилар томонидан ўз даврида тегишли ишлар олиб борилмаганлиги оқибатидир.

¹ Асака шаҳар бирлашган ҳарбий комиссарлиги. 12-фонд, 122-рўйхат, 60 – 62-варақлар.



БОБУР ВА ШАЙБОНИЙЛАР ЎРТАСИДАГИ ДУШМАНЛИК СУРУНКАЛИ БЎЛГАН(МИДИ?)

Акбар ЗАМОНОВ,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим



Муҳаммад Шайбонийхон
(1451 – 1510)



Заҳириддин Муҳаммад Бобур
(1483 – 1530)

Тарихчиларимиз зиммасига ўлкамиз тарихини холисона ва ҳаққоний ёритиш, унга адолат нуқтаи назаридан ёндашиш ва баҳо бериш каби улкан вазифалар қўйилмоқда. Ўзбекистоннинг қадимги тарихи ва маданияти, ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи, илк шаҳарсозлик маданияти, қадимги маданий алоқалар мавзуларига катта эътибор берилганлиги аҳамиятга моликдир. Зеро, Ўзбекистон тарихидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларни акс эттирувчи ёзма манбалар ва ҳужжатларни янги асосларда таҳлил этиб умумлаштириш муҳим. Халқимиз тарихини ўрганиш ва уни тарғиб этишда, ўзбек давлатчилиги тарихида, унинг маданий ривожланишида сулолалар бошқаруви, ҳукмдор сулолаларнинг айрим вакиллари алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Исом Каримов таъбири билан айтганда, «Тарихни ёзишда ҳеч қачон ўнг томонга ҳам, чап томонга ҳам оғмасдан, фақат ҳақиқат ва адолат нуқтаи назаридан йўл тутилиши керак» [5:112]. Шу нуқтаи назардан қараганда, совет даврида (ҳатто ҳозир ҳам) халқимизнинг бир фарзандини яхшироқ, ижобий фаолият кўрсатган деб тасвирлаш учун иккинчи бир тарихий шахсни салбий шахс сифатида талқин қилиш одат тусига айланган эди. Бу ўринда Бобур ва Шайбонийхон (ёки темурийлар ва шайбонийлар) бири-бирига ўта зид равишда талқин қилинганини мисол тариқасида келтириш мумкин. Адолат билан иш тутсак, Бобурни халқимиз тарихида тутган ўрни бўйича улуғлашимиз табиий. Аммо Шайбонийхон ва шайбонийларнинг ҳам давлатчилигимиз тарихидаги хизматларини инкор этиб бўлмайди. Бу масалага ёндашувнинг яна бир жиҳати шундаки, 1500 – 1501 йилларда юртимизда ҳокимият алмашинуви юз берди, у темурийлардан шайбонийлар қўлига ўтди, лекин эл-юрт ўз жойида қолди, миллий давлатчилик анъаналари давом этди.

Шайбонийларга нисбатан қарашларнинг салбийлашиш омиллари ўша даврга оид тарихий манбаларнинг йўқлиги эмас, балки уларнинг хилма-хиллигидир. XVI асрдаги Ўрта Осиё халқлари тарихининг муфассал, кўп сонли тарихий манбаларга асосланган таҳлиллари мавжуд бўлса-да, уларнинг аксариятида темурийлар ва шайбонийлар ўрта-



сида муносабатлар ўзаро ҳарбий-сиёсий аҳамиятга моликлиги нуқтаи назаридан илгари сурилади [1].

Дашти Қипчоқ қабилаларини бирлаштириш ва ўзбек давлатини қайта бунёд этиш вазифасини Шайбонийхон амалга оширди [8:243]. Шайбонийхоннинг сиёсат майдонига чиқиши Темурийлар салтанатининг парокандаликка учраган даврига тўғри келди. Мовароуннаҳрдаги тарихий вазиятни тўғри баҳолай олган Шайбонийхон унинг ҳудудларини ишғол этишга киришди. Шайбонийхон билан кескин уруш ҳаракатларини олиб борган темурийлар авлоди – ўз даврининг йирик давлат арбоби Бобур подшоҳ эди.

Муҳаммад Шайбонийхон тарихда темурийлар ҳукмронлигини йўққа чиқарган кучнинг тимсоли сифатида қолди. Аммо темурийларнинг Мовароуннаҳр тарихи саҳнасидан тушишига [7], энг аввало, уларнинг ўзлари айбдор эдилар, яъни Соҳибқирон боболари бирлаштирган салтанатнинг парчаланиши тахт талашган набиралар ғавғоси туфайли, ўзаро иттифоқнинг йўқлигидан юз берди; бу тарихий ҳақиқат ва тарихнинг қайтарилмас ҳукми эди. Бу хусусда одил ва холис баҳони Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида аниқ-равшан битиб қўйган. Орадан неча асрлар ўтди, Бобур билан Шайбонийхоннинг ўзаро зиддияти тарих мулкига айланди, таниқли ёзувчи Хуршид Даврон таъбири билан айтганда, бу зиддиятни бугунгача «кўтариб юриш» илмга мутлақо зид ва тарихий воқеаларни холис баён этишга халақит берувчи сохтакорликдан бошқа нарса эмас.

Аслида, битта миллатга, битта халққа мансуб бўлган ҳар икки давлатнинг ҳукмрон табақалари бир-бирлари билан қуда бўлишга интилганлар. Хусусан, кўпгина темурий шаҳзодалар Дашти Қипчоқдан келин олган бўлсалар, баъзи темурий маликалар у ерга келин бўлиб тушганлар. Бунни қуйидаги қатор мисолларда кўриш мумкин. Жумладан, ҳали Муҳаммад Шайбоний ва Бобур сиёсий майдонга келмай туриб, XV асрнинг ўрталарида Абу Саид Мирзо (1451 – 1469) ва Дашти Қипчоқ хони Абулхайрхон (1428 – 1468) ўртасидаги иттифоққа биноан Мирзо Улуғбек (1409 – 1449)нинг қизи Робия Султонбе-

гим Абулхайрхонга турмушга берилган ҳамда улардан туғилган ўғиллар – Кўчкунчихон (1512 – 1529) ва унинг авлодлари 1578 йилга қадар Самарқанд ва унинг атрофларида ҳукмронлик қилган бўлса, иккинчи ўғли Суюнчхожагон (вафоти 1525 йил)нинг авлодлари 1583 йилга қадар Тошкентда ҳукмронлик қилган. Шунингдек, XV аср ўрталарида Астраҳанда ҳукмронлик қилган шайбоний сулоласи вакиллари билан бири бўлган Аҳмадхон ҳам Султон Ҳусайннинг синглиси Бадакабегимга уйланган. Улардан туғилган ўғиллар кейинчалик, 1469 йили Султон Ҳусайн Ҳирот тахтини эгаллагач, шу ерда султон хизматида бўлганлар [2:68; 11:1029].

1497 – 1501 йилларда Бобур ва Муҳаммад Шайбонийхон ўртасида Мовароуннаҳр ҳукмронлиги учун кураш кечган йиллар ва ундан кейинги даврда ҳам темурийлар ва шайбонийлар ўртасида қуда-андачилик тўхтаб қолмади, аксинча, янада ривожланди. Бобурнинг беш нафар опа-синглисидан уч нафари шайбоний султонлар никоҳида бўлган. Энг аввало, 1501 йили Самарқанд қамалининг натижаси ўлароқ Бобурнинг опаси Хонзода бегим Шайбонийхон никоҳига ўтди. Муҳаммад Шайбонийхоннинг уч ўғлидан иккинчиси – Хуррамшоҳ султон (1502 – 1511) Хонзода бегим ҳамда Шайбонийхоннинг ўғли, Бобурнинг жияни бўлган ва унга Балх вилояти суюрғол қилиб берилган эди. Бобурнинг Ёдгор Султонбегим исмли синглиси 1504 йили, Аҳси ва Андижон Шайбонийхон томонидан эгаллангач, Ҳамза султоннинг Абдулатиф султон исмли ўғлига олиб берилган. Кенжа синглиси Руқия Султонбегим 1512 йили Бобурнинг шайбонийлардан енгилиши ва чекиниши натижасида Жонибек султон (Абулхайрхоннинг невараси, Шайбонийхоннинг амакиваччаси, шайбонийларнинг етук вакили Абдуллахон II нинг бобоси, 1529 йили вафот этган) қўлига тушган ва султон уни ўз никоҳига олиб, ардоқли малика сифатида эъозлаган ҳамда ундан бир нечта фарзанд кўрган [4:33]. Бобурнинг амакиси, Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад мирзо (1469 – 1494)нинг икки қизи шайбоний султонлар никоҳида бўлган. Хусусан, катта қизи Робия Султонбегим (Қоракўзбегим ҳам дейишган) Тошкент хони Султон



Маҳмудхон никоҳида бўлган, 1508 йили хон ўлдирилгач, Робия Султон шайбонийлардан Жонибек султон никоҳига ўтган ва умрининг охирига қадар шайбонийлар ҳарамида олий маликалар сафида бўлган [4:40]. Тўртинчи қизи Султонбегимни 1501 йили Шайбонийхоннинг тўнғич ўғли Темур султон олган [4:40].

Шайбонийлар сулоласининг энг йирик вакили бўлган Абдуллахоннинг отаси Искандархон она томондан Султон Маҳмудхон (Бобурнинг тоғаси, Тошкент хони)нинг набираси эди [9:190; 12:66]. Шу жиҳатдан, Абдуллахоннинг Бобурга қариндошлиги ҳам бўлган. Шайбонийларнинг энг йирик намояндаларидан Абдуллахон даврида Бухоронинг нуфузи янада ортди. Абдуллахон Ҳиндистондаги бобурийлар билан илиқ дипломатик муносабатлар ўрнатди, бир неча марта элчилар юборди, бобурий Акбаршоҳ элчиликларни қабул қилди. Мазкур икки машҳур ҳукмдор ўртасидаги дастлабки ёзишмаларда Акбаршоҳ Абдуллахонга она томондан қариндош бўлганликларига ҳам ишора қилади, бу ҳам мамлакатлар ўртасидаги муносабатларининг мустаҳкамланишига хизмат қилиши лозимлигини таъкидлайди [10:101].

Темурийлар ва шайбонийларнинг қариндошлиги ва қуда-андачилиги масаласидаги бундай мисолларни кўплаб давом эттириш мумкин. Лекин 1512 йили Мовароуннаҳрда шайбонийлар ҳукмронлиги узил-кесил ўрнатилиб, Бобурнинг бу ҳудуддаги илинжи буткул узилгач, Бобур ва бобурийлар ҳамда шайбонийлар ўртасидаги дипломатик муносабатлар узилиб қолмади. Бобур Ҳиндистонни эгаллаб, империя пойдеворини барпо этгач, Мовароуннаҳр билан кенг қўламли алоқаларни йўлга қўйди. Ўз феъл-атворига мос равишда шайбоний султонларга нисбатан кўнглида ҳеч қандай кек сақламади. У ўзининг «Бобурнома» асарида ёзишча, Бобур ҳали Шайбонийхон тириклиги пайтидаёқ (1510 йил ёз ойларида) унинг Пўлод султон (Темур султоннинг ўғли, 1530 йили вафот этган) исмли ёш набираси билан ёзишмалар олиб борган. Мазкур шаҳзода-нинг назмга мойиллиги борлиги учун унга ўз девонини туҳфа қилган ҳамда қуйидаги шеърини байтани ўз хатига илова қилган:

*Ул сарвнинг ҳарамига гар етсанг, эй сабо,
Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглига.
Раҳм айлабон согинмади Бобурни, бор умид,
Солгай Худой раҳмини Фўлод кўнглига [4:179].*

Шунингдек, 1528 йили Бобур Аградаги элчиларни қабул қилиш маросими ҳақида ёзар экан, Мовароуннаҳрдан келган Кўчкунчихон элчиларига чап томондан жой берилгани, уларга Эрон, ҳинд ва бошқа юртлардан келган элчилар билан бир хил муносабатда бўлинганлигини таъкидлайди. Бобур бу манзарани таърифлай туриб бошқа давлат элчиларининг кимлиги, уларни ким юборганлиги, уларга қандай муносабатда бўлинганлиги сингари масалаларга тўхталмаса-да, Мовароуннаҳрдан келган элчиларни номма-ном санаб, уларнинг Абу Саид султон (1530 – 1533), Меҳрибон хоним (Шайбонийхоннинг келини, Темур султоннинг хотини) ва унинг ўғли Пўлод султон томонидан юборилгани, уларга қандай совғалар улашилганини батафсил ёзади [4: 259, 262 – 263]. «Бобурнома»нинг 1528 йил воқеалари баён қилинган қисмида шайбонийлардан бўлган Балх ҳокими Кистан Қора султон (шайбонийларнинг машҳур вакили Абдуллахоннинг амакиси)дан келган элчилар, уларни қабул қилиш ва кузатиш ҳолатларига тўхталади [4:265]. Жараёни баён этишдаги бундай ёндашув Бобурнинг ўз она ватанига муҳаббати билан бир қаторда шайбонийлар сулоласи вакилларига илиқ муносабатда бўлганлиги, ҳатто уларнинг Ҳиндистонга ташрифи Бобурнинг кўнглини кўтарганлигидан далолат беради.

Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида 1506 йилги воқеаларни тасвирлар экан, бу даврга келиб Мовароуннаҳрда Муҳаммад Шайбонийхон ҳукмронлиги ўрнатилганлиги, темурийларнинг айримлари хон билан курашда ҳалок бўлгани, айримлари у томонга ўтиб кетганлиги ва биргина ўзи ёлғизланиб қолганлигини надомат билан ёзади. Шундай бўлса-да, Бобурнинг ҳарбий-сиёсий фаолиятига назар солсак, шайбонийлар сулоласига мансуб кўплаб султонлар унинг хизматида бўлганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, шайбонийлардан бўлган Бахтиёр султоннинг ўғиллари – Ҳамза



султон ва Маҳди султон дастлаб Шайбонийхонга хизмат қилган бўлса-да, кейинчалик Ҳисорда ҳукмронлик қилиб турган темурий ҳукмдор Султон Маҳмуд мирзо (1494 йилга қадар Ҳисор ҳокими, 1494 – 1495 йилларда Мовароуннаҳр ҳукмдори) хизматида бўлган. Султон Маҳмуд мирзо вафот этгач, 1495 йили Андижонга келиб Бобур хизматида бўлган ва унинг дастлабки жангларида иштирок этган [2:334; 6]. Шайбонийлар наслидан бўлган яна бир давлат арбоби, саркарда Одил султон 1525 йилдан Бобур хизматида бўлган. 1525 йилги Миёни Дуоба, 1526 йилги Панипат, 1527 йилги Канва жангларида Бобур қўшинининг асосий қисмларига бошчилик қилган ва ғалабани таъминлашга ўз ҳиссасини қўшган [2:405]. У 1528 йили Ҳиротдан Кобулга келган Султон Ҳусайн Бойқаронинг невараси Шодибегимга уйлантирилган [3:48]. «Бобурнома»да ёзилишича, шайбонийлардан бўлган яна бир султон Тонготмиш султон 1528 йили Бобур ҳузурида уюштирилган зиёфатда ҳукмдорнинг чап томонида ўтирган. У шу йили Ганг дарёсининг Ҳалдий гузарида Бангола қўшини билан бўлган жангда иштирок этган ва Бобурнинг эътирофига сазовор бўлган [4:259, 272]. Шунингдек, Бобур қўшинида шайбонийлардан бўлган Муҳаммадий султон Панипат жангида (1526), Тўламиш султон Канва жангида (1527) [2:511] жасорат кўрсатиб садоқатини намоён қилган. Бобур қўшинида Маҳди султон, Ҳамза султон, Одил султон, Тўламиш султон сингари шайбонийларнинг садоқат билан хизмат қилиб юқори мартабага эришгани Бобурнинг барча туркий қавмларга, шу жумладан, шайбонийларга бир халқ сифатида қараганини кўрсатади. У ўз ғаними бўлган Муҳаммад Шайбонийнинг қариндошларини ўзининг душмани сифатида кўрмайди ва душманлик қисматида уларнинг айби ёки ўрни борлигига бағрикенг ҳукмдор сифатида аҳамият бермайди.

Юқорида Бобурнинг Шайбонийхон набираси Пўлод султон билан назмий ёзишмалари ҳақида тўхталган эдик. Адабиёт соҳасида ҳам бобурий ва шайбоний шеърлятида узвийлик ва боғлиқликни кузатиш мумкин. Хусусан, ўзбек адабиётида рубоийнинг Бобурдан кейинги та-

раққиёти Убайдуллахон (1486 – 1540) номи билан боғлиқ. Ўзбек адабиётида Убайдий (Убайдуллахон)нинг туркий тилда қилган ижодида Бобур назмига тақлид ва унинг ижодига хайрихоҳлик сезилиб туради. Мазкур муштаракликдан қуйидаги «фироқ» радифли рубоийни мисол тариқасида келтириш мумкин:

Бобур:

*Андин бериким қасдим учун турди фироқ,
Юз дарду аламни манга еткурди фироқ,
Мени эшикингдин, нетайин, сурди фироқ,
Қил чора, йўқ эрса, мени ўлтурди фироқ.*

Убайдий (Убайдуллахон):

*Меҳнат ёсин жоним учун қурди фироқ,
Жонимга менинг жафо ўқин урди фироқ,
Ўзгага раво кўрмайин ул меҳнатни,
Ваҳ-ваҳ, не қилай, менга раво кўрди фироқ* [2:514].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, давлатчилик нуқтаи назаридан шайбонийлар даврида Мовароуннаҳрда темурийлар давридаги ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий муносабатларда айтарлик ўзгаришлар юз бермади. Мамлакат бир сулоладан иккинчи сулола бошқарувига ўтди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, темурийларнинг кучи бир-бирига тенг бўлган бир нечта ҳукмдорлари ўзаро курашиб мамлакатни инқирозга бошлаётган бир шароитда барчасидан қудратлироқ бўлган Муҳаммад Шайбонийхон уларнинг мақсадини ўзи рўёбга чиқарди. Бу ҳодиса давлатчилигимиз тарихи учун муҳим аҳамият касб этади.

Мовароуннаҳрда бир аср давомида ҳукмронлик қилган шайбонийлар сулоласига маълум маънода ўгай кўз билан қараб келинди. Аслида, улар темурийлар, маҳаллий аслзодалар билан сингишиб, қон-қариндош бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётида муҳим рол ўйнади. Шайбонийларнинг энг йирик намояндаларидан Убайдуллахон ва Абдуллахон даврида Бухоронинг нуфузи янада ортди. Ҳатто Абдуллахон Ҳиндистондаги бобурийлар билан илиқ диплома-



тик муносабатлар ўрнатди, бир неча марта элчилар юборди, элчиликларни қабул қилди. 1501 – 1512 йиллар оралигида шайбонийлар ва Бобур ўртасидаги кураш кейинги даврларда давомий тус олмаган. Бундан ташқари, шайбоний султонлар ҳарамида бўлган темурий маликалар ҳам султонларга ўзаро тинчликсе-

варликка асосланган ғояларни сингдиришга ҳаракат қилганлар. Демак, шу даврда темурий маликаларнинг шайбонийлар никоҳида бўлганлигини темурийлар учун заифлик эмас, балки халқлар учун тинчликпарвар сиёсатнинг шаклланишидаги муҳим ҳодиса эканлигини кўриш мумкин.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Аҳмедов Б.А. Ўрта Осиёнинг XVI – XVIII аср тарихий-жуғрофий адабиёти (ёзма ёдгорликлар). – Тошкент, 1985; Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994; Ўзбек улуси. – Тошкент: Мерос, 1992; Давидович Е.А. Ўрта асрлардаги Ўрта Осиё метрологияси бўйича маълумотлар. – М., 1970. – Б.15; Зияев Ҳ.З. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI – XIX аср). – Т., 1965; Муқминова Р.М. XVI асрда Ўзбекистондаги деҳқончилик муносабатлари тарихига доир. – Тошкент, 1966; Чехович О.Д. Бухоро хонлигидаги деҳқончилик муносабатлари тарихига оид ҳужжатлар. – Тошкент, 1954; Самарқандга оид XV – XVI аср ҳужжатлари; Зиёев А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент, 2001. – Б.310 – 330; Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.25; Иноятов С., Тўраев Ҳ., Саидов М. Қосим Шайх Азизон. – Тошкент, 2000; Муқимов З. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи. – Тошкент: Адолат, 2007.
2. Бобур энциклопедияси. – Тошкент: Шарқ, 2014.
3. Гулбадан бегим. Ҳумоюннома / Форс тилидан С.Азимжонова таржимаси. – Тошкент, 1959.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчилар: П.Шамсиев, С.Мирзаев, Эйжи Мано. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

6. Шайбонийхонга хизмат қилган ва жангларда кўрсатган жасоратлари эвазига 1503 йили Ҳисор вилоятининг ҳоқими этиб тайинланган. 1511 йили Бобурнинг Ҳисорга юриши чоғида Маҳди ва Ҳамза султонлар ўлдирилган.
7. Мовароуннаҳр тарихи дейилишининг асосий сабаби шундаки, темурийлар, яъни бобурийлар шайбонийлардан тўла-тўқис мағлубиятга учраганлигидан кейин Афғонистон ва Ҳиндистон тарихи саҳнасига чиқди ва узоқ вақт давомида мазкур ҳудуд тарихининг ажралмас қисмига айланди.
8. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий / В.Раҳмон ва Я.Эгамов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2010.
9. Муҳаммадёр ибн Қатағон. Мусаххир ал-билод / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари И.Бекжонов, Д.Сангирова. – Тошкент: Шарқ, 2009.
10. Муҳаммад Толиб. Матлаб ут-толибин / Ўзбек тилига таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ғ.Каримий, Э.Миркомиллов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2016.
11. Гиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар (тўлиқ вариантда) / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифи Ж.Ҳазратқулов, И.Бекжонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013
12. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома / Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси. Илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов – Тошкент: Шарқ, 1999. 1-китоб.



АЛИҚУЛИ АМИРЛАШКАР: ТАРИХДА ШАХС ТАДҚИҚИНИНГ МУРАККАБЛИКЛАРИ (МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРИХШУНОСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИ АСОСИДА)

Илҳомов Зиёвутдин Адҳамович,

тарих фанлари номзоди, доцент, Низомий номидаги ТДПУ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси Илмий-тадқиқот йўналиши – тарих, тарихшунослик, манбашунослик, тарих фани методологияси e-mail: tarix.kafedra@mail.ru

Аннотация. В конце XX века и первые десятилетия XXI века историками Центральноазиатских государств была издана множество статьи и научных работ, в которых можно видеть некоторые разногласий о жизни и деятельности знаменитого полководца Кокандского ханства Аликула Амирлашкара (1831/1832, Навкат, Кокандская хантсва – 9 мая 1865, Ташкент). В данной статье анализируются некоторые исследования, научные публикации и монографии, опубликованные в Центральном Азии посвященному историю жизни и деятельности Аликули Амирлашкара с историографической точки зрения.

Ключевые слова: ханства, политические процессы, историография, исторические взгляды, Центральная Азия, научно-теоретические подходы, научные исследования.

The Abstract. At the end XX age and the first decennial events XXI age historian Central Asian state was published ensemble of the article and scientific work, in which possible see some discord about life's and activity famous military leader Kokand khanate Alikuli Amirlashkar (1831/1832, Navkat, Kokand khanate – 9.05.1865, Tashkent). In given article is analysed some studies, scientific publications and monographs, published in Central Asia denoted history to life's and activity Alikuli Amirlashkar with historiography of the positions.

Keywords: the khanate, political processes, historiography, history glances, Central Asia, scientific-theoretical approaches, scientific studies.

Тарихий жараёнларнинг содир бўлиши тарихий қонуниятлар ва тарихий заруриятлар таъсирида юз берар экан, бунда, албатта, алоҳида шахсларнинг фаолияти ҳам муҳим ўрин тутди. Жамият тарихида кескин ўзгаришлар, туб бурилишлар юз беришида турли шароит ва омилларнинг таъсири билан биргаликда алоҳида шахслар фаолиятининг ҳам маълум даражада ўрни борлигини инкор этиб бўлмайди. Шундай экан, тарихнинг бир қисми сифатида ўз вақтида тарихий жараёнларга маълум даража-

да таъсир кўрсатган конкрет тарихий шахсларнинг фаолиятини ҳам ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, бирор-бир шахс ёки унинг фаолияти тарихни тубдан ўзгартириб юборишга қодир эмас. Ҳар бир тарихий шахс фаолиятининг асосий қирраларини очиб беришда уни албатта ўша давр тарихий шароити ва тарихий зарурият даражаси нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва баҳо бериш талаб этилади.

Шундай шахслардан бири XIX асрнинг 50 – 60-йилларида Қўқон хонлигининг ички ва



ташқи сиёсий ҳаётида, айни вақтда, Россия империясининг босқинчилик юришларига қарши курашида сезиларли из қолдирган Мулло Алиқули Амирлашкар Ҳасанбий ўғлидир (1831 – 1865).

XIX аср ўрталарига келиб хонликнинг ички ҳаётида рўй берган иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар ташқи сиёсатга ҳам кучли таъсир кўрсатди. Бир томондан, хонликнинг ички низолар оқибатида сиёсий инқирозга юз тутиши, иккинчи томондан, Россия империясининг Ўрта Осиё ҳудудларига босқинчилик юришлари кучайиши аҳволнинг янада мураккаблашувига олиб келди. Мулло Алиқули Амирлашкар хонлик учун ана шундай таҳликали бир вазиятда сиёсат майдонига чиқди.

Алиқули Амирлашкар нафақат хонлик ички сиёсий ҳаётини барқарорлаштиришда, балки Россия империяси тажовузига қарши курашда ҳам муҳим ўрин эгаллади. Ҳаёти давомида турли кескин ва зиддиятли вазиятларга дуч келган бу шахснинг фаолияти жуда мураккаб кечди. Шунинг билан хонлик сиёсий ҳаётини бошқариш давомида сезиларли ютуқларга эришиш билан биргаликда айрим камчилик ва хатоларга ҳам йўл қўйди. Қўқон хонлигининг давлат мустақиллигини сақлаб қолиш учун ички ва ташқи муносабатларни яхшилашга ҳаракат қилиб Россия империяси қўшинлари босқинчилигига қарши халқни отлантира олган Алиқули халқ томонидан қўллаб-қувватланди, айрим камчиликларга йўл қўйган ҳамда юқори табақа орасида бир қанча рақиблари бўлишига қарамай, Туркистон халқларининг катта ҳурматига сазовор бўлди. Шунинг учун ҳам халқ дилидагини яхши англаган ва замондош бўлган ўша давр тарихчилари Алиқули Амирлашкар фаолиятига юқори баҳо бериб, унинг шахс, сиёсат арбоби ва саркардалик жиҳатларини эътироф этган эдилар.

Тарихий шахслар фаолиятига баҳо бериш экан, бир нафар тарихчи ёки тадқиқотчининг фикри ё қарашлари мукамал ва тугал хулоса сифатида қабул қилинмаслиги лозим, чунки шахс тарихига бағишланган ҳар қандай манба ва тарихий асар яратилаётган

вақтнинг ўзидаёқ биринчи марта субъектлашган бўлса, тадқиқотчи томонидан ўрганилаётган ва илмий муомалага жалб этилаётган вақтда иккинчи марта субъектлашади. Алиқули Амирлашкар шахси ва фаолияти тарихини ўрганишда ҳам тарихнавислар ва тарихчилар томонидан айрим ҳолларда бунга йўл қўйилган ва қўйилмоқда. Бу шахс фаолияти кўплаб тарихий асарлар яратилишига туртки берди, кўплаб муаллифлар, ҳарбийлар ва тарихчилар Алиқули фаолиятининг турли қирраларини ёритишга ҳаракат қилдилар, бу жараён XIX асрнинг сўнгги чорагидан бошланган бўлса, XX аср бошларигача давом этди, оқибатда оғиздан-оғизга кўчиб юрган турли ривоятнамо маълумотлар ва ҳукмрон қатламнинг мафкуравий манфаатлари ортида шакллантирилган маълумотлар манбалардан ўрин олиб, унинг фаолиятига бўлган ёндашувлар турли-туман тус олишига сабаб бўлди. Ҳаттоки унинг исми ҳам турли манбаларда турлича талқин қилинди. Ҳозирги кунларгача Алиқули Амирлашкар шахси ва у билан боғлиқ маълумотларнинг чалкашлиги, унга баҳо беришда турлича ёндашувлар давом этмоқда. Бунинг асосий сабаби Алиқули Амирлашкар шахси ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётидаги фаолияти чуқур ва атрофлича ўрганилмаганлигидадир.

Дастлабки тарихшунослик тадқиқотлари шуни кўрсатдики, Алиқули Амирлашкар ҳақидаги қарашлар ниҳоятда чалкаш, ҳаттоки унинг номи ҳам турлича талқин қилинарди, бу ҳақда таниқли тарихчи олим Ҳ.З.Зияев ҳам ўз тадқиқотларида қайд этиб ўтган.¹

Бундай ҳолатни бошқа нашрларда, хусусан, «Ўзбекистоннинг янги тарихи» мажмуасининг биринчи китобида, мактаб дарсликларида, бадиий адабиётларда ҳам кўриш мумкин эди².

¹ Зияев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.165.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 1998; Бобобеков Ҳ., Содиқов Ҳ., Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994; Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999; Қосимбеков Т. Синган қилич. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980; Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. – Тошкент: Шарқ, 1997; Аббос Саид. Беш кунлик дунё. – Тошкент: Шарқ, 1996.



Мавжуд адабиётлар ва манбаларнинг дастлабки тадқиқотлари ва таҳлилларидан олинган дастлабки хулоса шуки, Алиқули шахсига бўлган муносабат турлича, бу унинг ҳам шахс сифатида, ҳам давлат арбоби сифатида мураккаб характерга эга эканлигини англатади. Шу вақтларда нашр этилган манбаларда ҳам Алиқули фаолиятига ёндашувлар турлича эканлиги бу шахс фаолиятига аниқ баҳо беришни янада мураккаблаштиради. Шу ўринда Алиқули шахсига муносабатларнинг чалкашлигига сабаб бўлувчи бир қатор маълумотларни келтириб ўтиш мумкинки, бу ҳолат тарихий манбаларда ҳам, замонавий тадқиқотларда ҳам, ҳаттоки бадиий адабиётларда ҳам кўзга ташланади.

Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» асарида Алиқули Амирлашкар шахси ва унинг фаолияти тарихини ёритишга катта ўрин берилади. Муаллиф Алиқулининг сиёсий ва ҳарбий соҳадаги фаолиятини ёритишда унга ижобий ёндашиб «Мулло Олимқули Амирлашкар» деб расмий унвони билан кўрсатса, баъзи ўринларда «Мулло Олимқули шайтон» каби номлар билан атайди, Алиқули фаолиятини баҳолашда турлича ёндашади.¹

Бошқа бир муаллиф – Мулло Олим Махдумхожа яшаган давр ва унинг асари ёзилиш вақти асарда келтирилган воқеалардан анча кейин бўлганлиги учун ҳамда чор ҳукуматининг маҳаллий тарих асарларига қўйилган цензураси оқибатида айрим ҳолларда воқеаларнинг бузилган талқини учрайди. Масалан, Мулло Олим Махдумхожа Алиқули Амирлашкар шахсига баҳо беришда бир томонламаликка йўл қўяди. Алиқули Амирлашкарни «давлат бошқарув ишларидан мутлақо беҳабар» ва ҳукумат мансабларини билимсиз кишиларга бериб халқнинг оғир аҳволга тушишига сабаб бўлган деб баҳолайди.²

¹ Мирзо Олим ибн Мирзо Раҳим Тошкандий. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. Қўлёзма. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси. №1314. Қаранг: Мирзо Олим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б.32 – 48.

² Мулло Олим Махдумхожа. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Туркистон генерал-губернаторлиги босмаҳонаси, 1915. – Б.71.

Тарихчилар билан бир қаторда бадиий адабиёт соҳасида қалам тебратувчи адиблар ҳам бу масалага тўхталиб ўтганлар. Илмий асарларга қараганда бадиий адабиётдаги бадиий-тарихий талқин ўқувчилар орасига кенг тарқалади, ёш жиҳатдан ҳам деярли чегара билмайди. Шундай экан, бадиий адабиётдаги тарихий жараёнларнинг талқини ўқувчиларда реал воқеликка нисбатан нотўғри тасаввурни шакллантириб қўйиши мумкин. Шу ўринда тарихий жараёнларни бадиий ижод орқали тасвирлаш ва баён қилиш борасида соҳа мутахассисларининг хулосаларини келтириб ўтиш ўринлидир: «Ёзувчи ёки шоирнинг тарихий мавзуга мурожаат этишдан мақсади китобхонларни тарихий ўтмишдаги муҳим воқеалар, тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти билан таништириш, уларда ўз халқининг тарихий ўтмишига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотиш ва шу йўл билан маърифатли авлодни тарбиялаш; замондошларни тарихий ўтмиш воқеаларидан, тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятидаги ибратли томонлардан сабоқ олишга ундаш; бугунги воқеликдаги айрим нохуш воқеа ва ҳодисаларга тарихий ўтмиш воқеаларини тасвирлаш орқали муносабат билдиришдир».³

Жумладан, Тоғай Мурод, Аббос Саид, Бахтиёр Абдуғафур⁴ ўз асарларида фақат биргина жойда Алиқули Амирлашкар номини тилга олсалар, қирғиз адиби Тўлаган Қосимбеков «Синган қилич» романида Алиқули Амирлашкар шахсини тасвирлашга ҳаракат қилади.⁵ Т.Қосимбеков ўз асарида Алиқулини қария ва айёр одам сифатида тасвирлайди: «Шу пайт қўқонликларнинг лашкарбошиси ҳам қулай ерга етиб келганди. У оқ арғумоқ тизгинини тортиб бепоён даланинг орқа-олдига, адирлар оралаб жой танлаб, бўлиниб кетаётган қўшинларнинг боши ва охирига назар ташлади. Кўзлари қонталаш, ранг-рўйи оқарган, уйқу-

³ Каримов Н., Абдуллаев Н. Тарихий жанр. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2004. – Б.132 – 133.

⁴ Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 272 б.; Аббос Саид. Беш кунлик дунё. – Тошкент: Шарқ, 1996; Абдуғафур Б. Олтинчи йўлак (қисса). – Тошкент: DIZAYN-PRESS, 2013. – 192 б.

⁵ Қосимбеков Т. Синган қилич. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 382 б.



сизлик туфайли ажинлари қуюқлашган эди. Бунинг устига, эғнидаги енгсиз қора кимхоб авра чопон от сағрисида чуваланиб, жуссаси кичик қарияни янада кўримсиз қилиб қўйган эди... Бу кўримсиз чол атрофида турган навкар ва удайчиларга кўз қирини ташлаб қўяркан, биров билан сўзлашмасди...»¹

Алиқули Амирлашкар фаолиятига бевосита алоқадор воқеалар орасида Маллахоннинг ўлдирилиши ва унга Алиқулининг алоқадор эканлиги ёки йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам чалкаш. Жумладан, Исоқхон Ибрат Маллахоннинг ўлдирилиши воқеаларига тўхталиб: «1278 ҳижрийда вазирлари Мулло Алиқули (қўлзмада Олимқули – З.И.) ва Олимбек қирғизлар ва неча иноқлар қўлида Маллахон ўлдирилди. Бу ишда Мулло Алиқули бош экан», – дея баҳо беради.²

Бошқа манбаларда Алиқули Амирлашкарнинг бу ишга алоқаси бўлмаганлиги, аксинча, у фитначиларни жазолаганлиги кўрсатилади.³

Шу ўринда Мирзо Аҳмад тилидан ёзиб олинган, кейинчалик ўша даврнинг таниқли шарқшуноси Н.И.Веселовский томонидан нашр эттирилган китобда Мирзо Аҳмад сўзлари билан қуйидаги маълумотларни ўқиш мумкин: «Худоёрхон роппа-роса 12 йил Қўқонда ҳукмдорлик қилди (1845 – 1858 йиллар назарда тутилмоқда – З.И.). Қипчоқлар Мулла Алиқули (манбада Мулла Алимқул – З.И.) бошчилигида сартларни шунчалик танг аҳволга солиб қўйдик, Худоёр Қўқонни ташлаб чиқишга қарор қилиб, Бухорога қочиб кетди (аслида, ака-ука ўртасидаги Самончи мавзесида бўлиб ўтган ҳарбий тўқнашувда муваффақиятсизликка учрагач Худоёрхон Қўқондан чиқиб кетишга мажбур бўлган эди – З.И.).⁴ Бу даврларда мен

ҳар доим унга ҳамроҳлик қилганман. Мулла Алимқул хонлик тахтига Худоёрнинг биродари Маллахонни ўтқазди. Бу вақтда руслар Оқмасжидни олган эдилар (ҳар икки воқеа ўртасида 5 йил фарқ бор – 1853 йил ва 1858 йил – З.И.). Маллахон 3 йилу 3 ой ва 3 кун хонлик тахтида ўтирди. Унга қарши Ўтамбой, Муҳаммад Мусобек Зоминий ва тошкентлик Қаноатбек фитна уюштирдилар ва Мулла Алиқулининг Ўратепага кетганлигидан фойдаланиб хонни ўлдирдилар. Қотиллар Мусулмоннинг жияни Худайберган чўлоқ ва Каримқул понсат бўлиб, биринчиси хонга ташланиб унга жиддий жароҳат етказган эди. Бу воқеалар содир бўлган барча вақтда Худоёр мен билан бирга Жиззахда эди».⁵

Шу ўринда айтиб ўтиш мумкинки, Мирзо Аҳмад 1858 – 1862 йиллар давомида, ўзининг айтишича, «ҳар доим Худоёрхон билан биргаликда Жиззахда» яшаган бўлса ва бу давр мобайнида Қўқонда бўлмаган бўлса, қандай қилиб унинг Маллахоннинг ўлдирилиши воқеалари ҳақидаги маълумотларини ишончли деб баҳолаш мумкин?!

Алиқулининг биографик тарихи ёритилган асар муаллифи Муҳаммад Юнус Тоиб бу ҳақда шундай ёзади: «Олимбек додхоҳ қипчоқ катталари ва Маллахон хос одамларидан Хидир додхоҳ, Муҳаммад Иброҳим мирзобошига ўхшаш Маллахон бадхўйликдан жондан тўйган одамлар иттифоқ бўлиб, бир кеча Маллахоннинг ётқон хобига бостириб кириб, қилич бирла чофиб, қилич зарби бирла шаҳид бўлуб, эртан Шоҳмуродбекни хон кўтариб, Шодмонхожини мингбоши айлаб[дилар]».⁶

Айни шу сўзларга мос маълумотлар «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» асарида ҳам келтириб ўтилади: «Тарихга 1278 эрди (милодий 1862 йил – З.И.). Бир неча фасодгарлар ҳаммоми Мусулмонқулида жам бўлуб, Нормухаммад қўшбеги, Шодмонхожи додхоҳ бош бўлуб, Қалмоқ дарвозасидан кируб, Маллахоннинг ётқон хос манзилига бориб, маст уйқуда

¹ Кўрсатилган манба. – Б.3 – 4.

² Исоқхон Ибрат. Фарғона тарихи. – Тошкент: Мерос, 1991. – 302 б.

³ Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар. Қўлзма. ЎзР ФА ШИ. №12136. – Б.82 – 83.

⁴ Худоёрхон ва Маллахон ўртасидаги кураш жойини Муҳаммад Юнус Тоиб (Тарихи Алиқули Амирлашкар. – Б.18), Мирзо Олим Мушриф (Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. – Б.62), Л.Соболев (Краткий обзор положения дел в Коканде. Туркестанский сборник. Т.152) Самончи мавзеси деб кўрсатсалар, Р.Набиев Риштон (Из истории Кокандского ханства. – С.55)да, В.Наливкин эса (Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. – С.188) Қашғар қишлоғида деб кўрсатади. Тўқнашув, аслида, Самончи мавзесида бўлиб ўтган.

⁵ Веселовский Н. Бадаулет Якуб-бек аталык Кашгарский. – СПб.: Типография Императорской Академии наук, 1898 (Отдельный оттиск из «Записок Восточн. Отдел. Импер. Русск. Археолог. Общ.». Том XI). [2]. – С.87 – 103. Қаранг: <http://militera.lib.ru>

⁶ Тарихи Алиқули Амирлашкар. – Б.71 – 72.



ётқон жойида ўртага олиб қилич бирла чобдилар. Даражаи шаҳодатга еткурдилар, шаъбон ойининг 26 сида, шаби душанба, вақти субҳда Шоҳмуродбекни хон кўтардилар».¹

Шу ўринда яна бир манбада бутунлай нотўғри маълумотни ўқиш мумкин: «Мусулмонқулнинг ўғли мингбоши Алимқул хонзодалардан бўлмиш ёш Саид Султонмуродни хон деб эълон қилади ва Худоёрхонни яна Бухорога қочишга мажбур этган. Алимқул амир ул-умаро бўлиб амалда давлат ишларини якка ўзи бошқариб борган».²

Кўқон хонлиги тарихи бўйича йирик мутахассис Р.Набиев ўз асарида хонликнинг ички сиёсий ҳаётида давом этаётган кескинликлар натижасида Андижон ҳокими Олимбек додхоҳ бошчилигидаги фитначилар томонидан тахтни 3 йилу 4 ой давомида бошқарган ва хонлик учун бир қатор ишларни амалга ошириб улгурган Маллахон 1862 йил 23 февраль кечаси ўлдирилганлиги ҳақида маълумот бериб ўтади.³

Манбаларнинг тасдиқлашича, Маллахон 1862 йил 23 февраль кечаси ўлдирилган.⁴

Турли йилларда ёзилган манбаларда келтирилган маълумотларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатдики, улар Алиқулнинг камчилик ва хатоларини кўрсатган ҳолда унинг ниҳоятда обрўли ва ҳурматга лойиқ киши бўлганлигини ҳам инкор этмайди.

Шундай қилиб, аввало, Алиқули шахси ва унинг фаолиятига алоқадор бўлган манбаларни аниқлаш, уларнинг орасида бирламчи ва энг ишончли бўлганларини ажратиш олиш дастлабки муҳим вазифа сифатида белгилаб олинди. Бу жараёнда айрим илмий журналларда, илмий тадқиқотларда таржималари келтирилган манбалар билан бир қаторда ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақ-

ланаётган бир қатор асарлар, жумладан, Бекназарнинг «Амирлашкар жангномаси»⁵, Мулло Аваз Муҳаммад ибн Мулло Рўзи Муҳаммад Сўфи – Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Тарихи жаҳоннамойи» асари⁶, Муҳаммад Юнус Тоибнинг «Тарихи Алиқули Амирлашкар» асари⁷, Мулло Холбек ибн Мулло Мусо Андижонийнинг «Алиқули жангномаси ва Мулло Холбек саргузаштлари» асари⁸, Муҳаммад Солиххўжа Тошкандий қаламига мансуб «Тарихи жадиди Тошканд» асари⁹, Мулло Холибой Мамбетов қаламига мансуб «Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269 – 1282 саналарда қилғон футуҳотлари» асари¹⁰, Мулло Юнус Тошкандий «Хотиралар»и¹¹, Исҳоқхон Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асари¹², Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» асари¹³, Мулло Олим Маҳдумхожанинг «Тарихи Туркистон» асари¹⁴ каби манбалар бевосита қўлёзма нусхалардан ўрганиб чиқилди, улар орасидан Алиқули шахсига баҳо беришда қатъий позицияга эга бўлган муаллифларнинг асарлари асосий манба сифатида белгилаб олинди.

XIX аср охири – XX аср бошларида ижод қилган тарихчилар томонидан яратилган асарлар орасида Муҳаммад Юнус Тоибнинг «Тарихи Алиқули Амирлашкар», Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Тарихи жаҳоннамойи», Муҳаммад Солиххўжа Тошкандийнинг «Тарихи жадиди Тошканд», Муҳаммад Юнус Тошкандийнинг «Хотиралар»и ҳамда Мулло Холибой Мамбетовнинг «Ўрус лашкарининг Туркистон-

⁵ ЎзР ФА ШИ. №1925 рақамли қўлёзма баёзнинг 70⁶ – 87⁶-варақлари.

⁶ Воҳидов Ш. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Кўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фан. докт... дисс. – Тошкент, 1998. – 160 б.

⁷ Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма №12136.

⁸ ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси. №8816.

⁹ Муҳаммад Солиххўжа Тошкандий. Тарихи жадиди Тошканд. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ. №7791, 11072, 11073, 5732.

¹⁰ Веселовский Н.И. Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае. Текст, перевод и приложения. – СПб., 1894.

¹¹ Смирнов Е.Т. Султаны Кенисара и Садык. – Ташкент: Тип. С.И.Лактина, 1889.

¹² Исҳоқхон Ибрат. Фарғона тарихи. – Тошкент: Мерос, 1991.

¹³ Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин (Кўқон хонлиги тарихи). – Тошкент: Шарқ, 1995.

¹⁴ Мулло Олим Маҳдумхожа. Тарихи Туркистон. Туркистон генерал-губернаторлиги кутубхонаси. – Тошкент, 1915.

¹ Мирзо Олим Тошкандий. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ. №1341 I. – Б.65.

² Худоёрхон. <http://www.e-tarix.uz/shaxslar>

³ Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (Феодалное хозяйство Худоёрхона). – Ташкент: Фан, 1973. – С.57 – 59.

⁴ Маллахонни ўлдирган фитначилар сифатида Олимбек парвоначи (қирғиз), Хидирбий эшиқоғаси (қирғиз), Шодмонхожи парвоначи, Худойназар додхоҳ, Дўст меҳтар (юз қабиласидан), Муҳаммад Иброҳим мирзобоши Косоний, Хидир додхоҳ қабилар кўрсатиб ўтилади. Қаранг: Тарихи жаҳоннамойи. 269а; Тарихи Алиқули Амирлашкар. – Б.81; Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. – С.288.



да тарих 1269 – 1282 йилларда қилғон футуҳотлари» асарларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Бу асарлар асосан биографик руҳда ёзилган, улар Алиқули Амирлашкар билан бир сафда туриб Россия империяси босқинчилигига қарши курашган ва хонликнинг сиёсий бошқарувида иштирок этган одамлар томонидан ёзилгани учун воқеалар тафсилотига нисбатан ҳаққонийроқ баҳо берилган. Айни вақтда, нафақат Алиқули Амирлашкар, балки Россия империяси босқинига қарши мардонавор кураш олиб борган қардош халқларининг бир қатор мард, эрқарвар фарзандлари ҳақида ҳам маълумотлар келтириб ўтилган.¹ Айни шу ҳолат ҳақида Мирзо Аҳмад шундай маълумот беради: «Рус қўшинлари билан жанглар вақтида Алиқули (манбада Алимқул – З.И.) бош қўмондон сифатида барча қипчоқ қўшинларига бошчилик қилган бўлса, Мингбой² қирғизларга, мен эса сартларга қўмондонлик қилган эдим».³

Алиқули Амирлашкар фаолияти ва тарихи билан боғлиқ чалкашликларнинг энг асосийларидан бири, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, унинг исми ҳамда ёши билан боғлиқ. Алиқули Амирлашкарнинг фаолиятини ёритиб берувчи энг асосий манба ва биографик асар «Тарихи Алиқули Амирлашкар» деб номланган бўлса-да, нима учундир бу асар устида иш олиб борган бир қатор тадқиқотчилар⁴ Алиқулининг исмини «Алимқули» ёки «Олимқули» тарзида нотўғри кўрсатганлар.⁵ Бунда тадқиқотчиларнинг субъектив ёндашувлари ёки

манбалар билан етарлича таниш эмасликлари манбадаги фактлар ва унинг муаллифи қарашларига нисбатан асоссиз равишда устун қўйилган, чунки бир неча йиллар мобайнида давлат хизматида Алиқули билан ёнма-ён фаолият олиб борган, қолаверса, Алиқулининг фарзанди Мулла Шернинг илтимосига кўра отасининг ҳаёти ва фаолиятини энг яхши билувчи киши сифатида унинг таржимаи ҳолини ёзиб беришни зиммасига олган Муҳаммад Юнус Тоибнинг бутун асарни ёзиш давомида биргина ҳарфда бир неча ўнлаб марта хато қилиши мантиққа зиддир.



Алиқули Амирлашкар фармони битилган ҳужжат⁶

¹ Қаранг: Мулло Холибой Мамбетов. Туркистон босқини / Нашрга тайёрловчи З.Илҳомов. – Тошкент: ТДПУ, 2009.

² Мингбой парвоначи (кейинчалик қўшбеги унвони ҳам берилган) ҳам Алиқули Амирлашкар сингари халқ орасида жуда катта ҳурматга сазовор бўлган ва «Ботир» номи билан аталган. Россия империясининг ҳарбий босқинчиларига даҳшат солган лашкарбошилардан бири Алиқули Амирлашкар бўлса, иккинчиси Мингбой ботир, яна бири қозоқ султони Кенасари Қосимовнинг ўғли Султон Содиқ эди. Қаранг: Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269 – 1281 саналарда қилғон футуҳотлари. – Б.79 – 81.

³ Веселовский Н. Бадаулет Якуб-бек аталык Кашгарский. – СПб.: Типография Императорской Академии наук, 1898 (Отдельный оттиск из «Записок Восточн. Отдел. Имп. Русск. Археолог. Общ.». Том XI). [2]. – С.87 – 103. Қаранг: <http://militera.lib.ru>

⁴ Қаранг: Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар // Шарқ юлдузи. 1996. №1 – 2. – Б.214 – 217; Муҳаммад Юнус Тоиб. Амирлашкар Алимқул тарихи. – Тошкент, 1997. – Б.12 – 54.

⁵ Қаранг: Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули Амирлашкар // Шарқ юлдузи. 1996. №1 – 2; Мулло Юнусжон Мунший. Амирлашкар Алимқул тарихи. – Тошкент, 1995. – 80 б.; Муҳаммад Юнус Тоиб. Амирлашкар Алимқул тарихи. – Тошкент, 1997.

⁶ Бу ҳужжат илк мартаба «Жамият ва бошқарув» журналининг 2000 йил 1-сонида эълон қилинган. Қаранг: Илҳомов З. Хотираларда жонланган сиймо // Жамият ва бошқарув. 2000. №1. – Б.55 – 57.



Мазкур мақола муаллифи томонидан Муҳаммад Юнус Тоибнинг асари номланишида чалкашлик йўқлиги, асарнинг номланишида ва матнида Амирлашкарнинг номи ҳақиқатан ҳам «Алиқули» тарзида тўғри ёзилганлиги, лекин уни ўрганган тадқиқотчилар буни эътиборсиз қолдираётганлари алоҳида далиллар билан кўрсатиб берилган эди.¹ Кейинчалик манбашунос олим Ш.Воҳидов Алиқулининг исми «Алимқул» эмаслиги ва бу борада чалкашликларга йўл қўйилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган.²

Алиқулининг исмига аниқлик киритиш борасидаги илк маълумотлар мазкур мақола муаллифининг бир қатор мақолаларида 1997 – 2000 йиллар давомида кўрсатиб берилган эди.³ Бунда ЎзР МДАда сақланаётган бир қатор расмий ҳужжатларга ҳам асосланилган.⁴

Алиқули Амирлашкар ҳақидаги аксарият манбаларда унинг ёши билан боғлиқ маълумотлар аниқ кўрсатилмаган. Тадқиқотлар жараёнида унинг ёшини аниқлашга муваффақ бўлинди, бунда Алиқулининг ёши борасида манбаларда келтирилган баъзи ишоралар кифоя қилди. Манбаларда келтирилган айрим маълумотларга суянган ҳолда Алиқули Амирлашкарнинг туғилган йили милодий 1831 – 1832 йилларга тўғри келади деган хулосага келдик. Бу хусусда Муҳаммад Юнус Тоиб асарининг Тошкент мудофааси воқеалари ёритил-

¹ Қаранг: Илҳомов З. Хотираларда жонланган сиймо // Жамият ва бошқарув. 2000. №1. – Б.55 – 57.

² Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азий. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б.107. Шу ўринда таъкидлаш керакки, тарих фанлари доктори, профессор Ш.Воҳидов Қўқон хонлиги тарихнавислиги борасида амалга оширган илмий тадқиқоти ва бошқа илмий ишларида Алиқули Амирлашкар ҳаёти ва фаолиятига оид кўплаб маълумотларни кўрсатиб ўтган. Қаранг: Воҳидов Ш. XIX – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фан. докт... дисс. – Тошкент, 1998. – 302 б.

³ Қаранг: Илҳомов З. Озодлик учун курашлар тарихи // Ватанпарвар. 1997 йил 20 май. №60 (856); Илҳомов З. Ватан озодлиги курашчиси Алиқули Амирлашкар ҳаёти саҳифалари // «Ўзбекистон мустақиллиги – унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолати» мавзусидаги республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1999. – Б.41 – 43; Илҳомов З. Алиқули Амирлашкар // Ўзбекистон тарихи. 1999. №3. – Б.25 – 28; Илҳомов З. Хотираларда жонланган сиймо // Жамият ва бошқарув. 2000. №1. – Б.55 – 57.

⁴ ЎзР МДА ҳужжатларида Алиқули Амирлашкарнинг унвон ва мансаблар бериш тўғрисидаги фармони сақланиб қолган. Муҳаммадкарим понсад тоғлик қўли билан ёзилган ушбу фармонда Алиқули Амирлашкарнинг ҳақиқий номи «Алимқул» ёки «Олимқули» эмас, балки «Алиқули» эканлиги форс тилида «... дар вақти Алиқули Амирлашкар дода шуд» сўзлари билан кўрсатиб берилган. Қаранг: ЎзР МДА. 1043-ф., 1-р., 1-й.ж. 1-в.

ган қисмида шундай ёзади: «...Амирлашқари марҳум ... умаро ва сайдларни ғазотга шаҳриз ва кўрғон муҳофазасина (Тошкент мудофаасига – З.И.) тарғиб айлаб, тойи руҳи шарифлари қазо қилиб, ансордин ошиёни ҳодиға парвоз айлади... Ул вақтда умри шарифлари ўттуз уч ё ўттуз тўрт ёшда эрди».⁵

Тошкент мудофааси вақтида, 1865 йил 9 май куни Алиқули Амирлашкар қаттиқ ярадор бўлиб вафот этганда тахминан 33 – 34 ёшда эканлигини инобатга олсак, юқорида келтирилган Алиқулининг таваллуди билан боғлиқ сана фикримизни тасдиқлайди. Шу ўринда қизиқ бир ҳолатга гувоҳ бўламиз: Алиқули Амирлашкарнинг исми ва туғилган санаси борасида аниқлик киритилган, бу маълумотлар манбалар ва ҳужжатлар асосида тасдиқланган бўлса-да, нима учундир шу кунларда юртимиз ва қўшни давлатлар тарихчилари томонидан унинг туғилган санаси ва ёши борасида зиддиятли маълумотлар берилмоқда, унинг номи ҳалигача «Алимқул» тарзида берилмоқда, ваҳоланки, мактаб дарсликларида⁶ ҳам бу шахнинг номи «Алиқули Амирлашкар» деб ёзилган.

Бир мақолада қизиқ ҳолатга гувоҳ бўламиз. Муаллифлар ўз мақолаларида: «Тарихчи Муҳаммад Юнус Тоиб (1830 – 1905) Алимқул тарихига бағишлаб «Тарихи Алиқули амирлашкар» асарини ёзган», – деб кўрсатиб ўтсалар-да, мақоланинг бошидан-охиригача, ҳатто номида ҳам уни «Алимқул» тарзида қайд этадилар.⁷

Қўқон хонлиги нафақат ўзбек давлатчилиги тарихида, балки бугунги кундаги бир қатор қўшни халқлар давлатчилиги тарихида ҳам катта ўрин тутгани сабабли бу борада турли илмий тадқиқотларнинг амалга оширилиши табиийдир. Бу тадқиқотларда Алиқули Амирлашкар шахси ва фаолияти тарихига ҳам кўп бора мурожаат қилинганлиги боис у ҳақдаги

⁵ Тарихи Алиқули Амирлашкар. – Б.185.

⁶ Қаранг: Тиллабоев С., Замонов А. Ўзбекистон тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). Умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик. – Тошкент: Шарк, 2010. – 160 б.

⁷ Ҳошимов С., Ҳасанов Ж., Хомидов Д., Ҳошимжонов Ш. Амирлашкар Алимқулнинг келиб чиқиши, насаби маҳаллий муаррихлар талқинида // Материали XXVIII Міжнародної науково-практичної інтернет-конференції «Тенденції та перспективи розвитку науки і освіти в умовах глобалізації. – Переяслав-Хмельницький, 2017. – С.85 – 87.



маълумотларнинг ҳам турлича талқинлари юзага келиб қолган.

Қозоғистонлик тарихчи Бахадыр Айтай ўзининг «Әлімқұл Хасанбиұлы Әмірлашкер» («Алимқул Хасанбий ўғли Амирлашкар») номли мақоласида Алиқули Амирлашкарнинг шахси, унинг фаолияти, келиб чиқиши ва амалга оширган ишлари юзасидан бир қатор хулосаларини кўрсатиб ўтади. Жумладан, бир нечта илмий адабиётларда ва манбаларда келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда Алиқули Амирлашкарнинг қирғизларнинг қипчоқ уруғидан эканлигини тўғри кўрсатиб ўтса-да, айрим жойларда ноаниқликка йўл қўяди, хусусан, 1858 – 1862 йилларда Алиқули Амирлашкарнинг Қўқон хони Маллабекнинг ўғли Муҳаммад Сайидхон номидан оталиқ сифатида фаолият кўрсатганлиги ҳақида хато маълумотни қайд этади¹, аслида, бу жараён 1863 – 1865 йилларда юз берган.

Қозоғистонлик тадқиқотчи Ўтеген Эбдираманнинг «Қўқоннинг сўнгги хони қипчоқ Алимқул Амирлашкар» номли китоби 2016 йилда Бишкекда қозоқ тилида тўплам шаклида нашр эттирилган², ундан XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари муаллифларининг ўндан ортиқ ишлари ўрин олган бўлса-да, замонавий тарихшунослик тадқиқотлари доирасида биргина З.Илҳомовнинг мақолалари рус³ ва қозоқ тилларига⁴ таржима қилиниб китоб таркибига киритилган. Бироқ ҳар икки мақоланинг номланиши таржимон Ақайдар Ысымулы томонидан нотўғри талқин қилинган, чунки бу муаллифнинг илмий ишлари ва мақолаларида Алиқулининг «Қўқон хони» бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Шунингдек, китоб таркибига киритилган Мулло Холибой Мамбетовнинг «Ўрус лашка-

рининг Туркистонда тарих 1269 – 1281 саналарда қилғон футуҳотлари» асари⁵ таржимаси шартли ном остида, бу ҳақда изоҳ берилмай чоп этилган.⁶ Китоб тузувчилари томонидан айрим хато фикрлар ҳам келтириб ўтилган, жумладан, манба муаллифи саналган Мулло Холибойнинг Алиқули билан бир сафда туриб мудофаа жангларида иштирок этганлиги нотўғри кўрсатилган⁷. Кейинчалик Ўтеген Эбдираманнинг китоби ҳақида ёзилган мақола муаллифлари томонидан ҳам бу хато такрорланган: «Китобнинг диққатга сазовор жиҳатларидан бири Алимқул аскарлари билан бирга туғ кўтариб тенгсиз жангларда курашган шоир мулла Қолибой Момбеков томонидан ёзилган «Туркистон босқинчилиги» номли тарихий поэма эълон қилинган. Уни Абдуғаффор Жакибов ўзбек тилидан қозоқ тилига таржима қилган. Шу поэма ҳам тўпламга киритилган» мазмунидаги нотўғри маълумот қайд этилган⁸. Нотўғрилиги шундаки, аслида, Алиқули билан бир сафда туриб курашган ва Қўқон қўшинларининг байроқдори бўлиб хизмат қилган Мамбет понсад бўлиб, унинг кўрган-кечирганлари асосидаги ҳикоя ўғли Мулло Холибой томонидан XIX асрнинг 80-йилларида китоб ҳолига келтирилган, айни шу китоб Н.И.Веселовский томонидан изоҳ ва таржималар билан чоп эттирилган.⁹

Қирғизистонлик тарихчи Б.Абытов Қўқон хонлиги сиёсий тарихида маълум даражада из қолдирган Олимбек додхоҳ ва Алиқули Амирлашкарнинг хонлик сиёсий ҳаётидаги фаолиятини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилади.¹⁰

⁵ Бу манба ҳақидаги дастлабки маълумотлар З.Илҳомов томонидан илк бор 1997 йилда эълон қилинган бўлса, манбадаги маълумотлар кейинчалик диссертация тадқиқотлари доирасига киритилди ва 2009 йилда асар «Туркистон босқини» номи билан чоп этилди. Қаранг: Мулло Холибой Мамбетов. Туркистон босқини / Нашрга тайрловчилар З.А.Илҳомов, Г.С.Тилеуқулов. – Тошкент: ТДПУ, 2009.

⁶ Момбеков Қ. Туркистон шапқыншылығы. Қаранг: Ўтеген Эбдираман. Қоқаннинг соңғы ханы қыпшақ Әлімқұл Әмірлашкер. – Бишкек: Махprint, 2016. – Б.231 – 285.

⁷ Қаранг: Ўтеген Эбдираман. Қоқаннинг соңғы ханы қыпшақ Әлімқұл Әмірлашкер. – Бишкек: Махprint, 2016. – Б.232.

⁸ Абдуллаев С., Ҳошимов С. Алимқули ҳақидаги янги китоб тўғрисида мулоҳазалар // Водийнома. 2016. №1. – Б.107.

⁹ Веселовский Н.И. Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае / Текст, перевод и приложения. – СПб., 1894.

¹⁰ Абытов Б. Алымбек Датка и Алымкул Аталык: соратники или конкуренты? // <http://incredibleosh.kg>

¹ Бахадыр Айтай. Әлімқұл Хасанбиұлы Әмірлашкер // okmpi.kz

² Ўтеген Эбдираман. Қоқаннинг соңғы ханы қыпшақ Әлімқұл Әмірлашкер. – Бишкек: Махprint, 2016.

³ Ильхомов З. Роль последнего хана кипчака – Алимкули Амирлашара против завоевателей Средней Азии и Казахстана. Қаранг: Ўтеген Эбдираман. Қоқаннинг соңғы ханы қыпшақ Әлімқұл Әмірлашкер. – Бишкек: Махprint, 2016. – Б.15 – 21.

⁴ Ильхомов З. Қоқаннинг соңғы ханы Әлімқұл Әмірлашкер Орта Азияны жаулаушыларға қарсы курастегі орны. Қаранг: Ўтеген Эбдираман. Қоқаннинг соңғы ханы қыпшақ Әлімқұл Әмірлашкер. – Бишкек: Махprint, 2016. – Б.22 – 27.



Мақолада ҳар икки тарихий шахснинг хонлик сиёсий ҳаётидаги мавқеи, ўзаро муносабатлари ҳақида сўз юритилган. Мақолада Алиқулига амир ал-умаро мансаби Султон Саййидхоннинг тахтга ўтиришига розилик билдирган қурултой қатнашчилари имзолаган битимга кўра берилган ва шу кундан бошлаб Алиқули «амир ал-умаро» деб юритила бошлаган деб кўрсатилган, аслида, бу мансаб Алиқулига Султон Саййидхоннинг махсус фармони билан берилган эди. Жумладан, бу фармонда қуйидагиларни ўқиш мумкин: «... Чун зоҳирий ва маънавий аҳволнинг эгаси амири соҳиб ул-фикр ва тадбир Мулло Алиқули лутфу шафқат ва қаҳру ғазаб кўзини дўсту душманларга очибдир, шунинг учун уни чексиз шоҳона марҳаматимизга сазовор этиб, «амир ул-умаро» мансабига мансуб этиб сарафроз ва аржуманд этдик. Амири мазкур зоҳиран ва ботинан адлу инсоф ила ўзига фоҳира¹ кийим билан оро бериб, адлу инсоф расмида ғафлат ва бепарволик қилмасунлар. Зўрдан заифга жабру ситам етмаса, икки дунёда ҳам яхши номлари қолажак. Бу [ёрлиқ] зафарли сафар ойининг сешанба куни, сана 1280 йили² таҳрир бўлди».³

Бир қатор тарихчи ва тадқиқотчиларнинг илмий мақолалари ва ишларида келтирилган маълумотлар илмий жиҳатдан етарлича асосга эга эмаслиги билан ҳам эътиборни тортади.

Қирғизистонлик яна бир тадқиқотчи В.А. нарбекованинг илмий ишларида Алиқули Амирлашкарнинг саркардалик ва ватанпарварлик хислатлари ҳақида сўз юритилиб, у ҳақда ёзилган бир қатор манбалардаги шеърлар ва таърифлар келтириб ўтилади. Шунингдек, «Алиқулининг Қўқон хонлигидан мустақил Қирғизлар давлатини ташкил қилиш учун уринганлигига тарихчилар томонидан алоҳида урғу берилганлиги» кўрсатилади.⁴ Таъкидлаб ўтиш керакки, Алиқули Амирлашкар

ҳаёти ва фаолияти ёритилган манбаларнинг биронтасида, архив манбалари ва ҳужжатларида бу борада ҳеч қандай маълумот, ҳаттоки ишора ҳам учрамайди.

М.Акматовнинг мақоласида Алиқули Амирлашкар ва унинг ҳаёти, фаолияти борасида бир қатор маълумотлар Муҳаммад Юнус Тоиб ва Мулло Холибек асарлари асосида кўрсатиб берилган. Бироқ бунда айрим маълумотлар манбаларда келтирилган маълумотлардан фарқланади. Масалан, Алиқулининг Тошкент мудофаасида жанг қилаётган вақтида хонлик йўлига ўтган удайчиси томонидан отиб ўлдирилганлиги барча манбаларда ҳам ўз аксини топмаган.⁵ Бу борада Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг «Тарихи жадиди Тошканд» асари бошқаларга нисбатан ишончли манба саналади, сабаби, Алиқули умрининг сўнгги соатлари айнан Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ҳамроҳлигида кечган, Алиқули айнан унинг уйида вафот этиб, шу ердан Шайхонтоҳур қабристонида чиқарилиб, дафн этилган. Бу фикрларни «Тарихи жаҳоннамои» асарининг муаллифи Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий ҳам таъкидлаб ўтади.⁶

Қирғизистонлик тарихчи Ташманбет Кененсариев ўзининг «Еще раз об Алымкуле Лашкер башы...» номли мақоласида (*мақола рус тилида ёзилган ва айнан келтирилмоқда – З.И.*) «молодой узбекский историк З.Ильхомов в своей диссертации об Алымкуле Амирлашкара заведомо не пишет (или не знает) о том, что он был кыргызом из племени кыпчак ичкиликского крыла. Но большинство узбекских ученых, как Р.Шамсутдинов, П.Равшанов и другие признают, что он является выходцем из рода кыпчак племени ичкилик кыргызского народа» деган фикрни айтиб ўтади.⁷

Таъкидлаш керакки, Алиқулининг қирғизларнинг қипчоқ уруғига мансублиги Муҳаммад Юнус Тоибнинг «Тарихи Алиқули Амирлашкар» асарида аниқ-равшан кўрсатиб

¹ Фахрли.

² 1863 йил 28 август.

³ Илҳомов З. Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни. Тарих фан номз... дисс. – Тошкент, 2004. – Б.76; Қаранг: Марғилоний Муҳаммад Азиз. Тарихи Азизий. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б.108 – 110.

⁴ Анарбекова В.Э. Деятельность исторических личностей кыргызского народа по материалам фольклора (XIX – нач. XX вв.). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Бишкек, 2017. – С.12 – 13.

⁵ Акматов М. Алымкул Аталык // http://aimak.kg/taryhyi_okuyalar

⁶ Қаранг: Илҳомов З. Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни. Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент, 2004. – Б.141 – 147.

⁷ Кененсариев Т. Еще раз об Алымкуле Лашкер башы... // <http://kghistory.akipress.org>



қўйилган¹, бу борада баҳслашиб ўтиришнинг ўзи илмий нуқтаи назардан мутлақо ўринсиздир. Худди шундай фикрлар олим томонидан бундан аввалроқ эълон қилинган «Алымкул Лашкер башы...» номли мақолада ҳам кўрсатиб ўтилган, ҳаттоки «бугунги кунда Қирғизистон ва унга қўшни давлатларда «фольк-хистори» томонга оғиш кузатилмоқда. Тарихий шахсларни ўзига хос тарзда «ўзиники қилиб олиш», уларнинг этник мансублиги ҳақида «сукут сақлаш» кузатилмоқда. Бунга мисол қилиб ўзбек олими З.Илҳомовнинг диссертациясини кўрсатиш мумкин» мазмунидаги асосиз фикрлар ҳам келтириб ўтилган.²

Биз Т.Кенансариевга илмий ишимиз ва унда келтирилган маълумотлар билан танишиб чиққанлиги, фикр билдирганлиги учун миннатдорчилик изҳор қилган ҳолда айтиб ўтмоқчи эдикки, унинг мазкур эътирозлари ўринли эмас. Чунки диссертациянинг «Алиқули Амирлашкарнинг давлат арбоби сифатида шаклланиши ва Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётидаги фаолияти» деб номланган қисмида «Алиқули Амирлашкар қирғизларнинг қипчоқ уруғидан бўлиб, 1831 йил Хўқандга тобе бўлган Навкат туманига қарашли Бужунбитгон мавзесида туғилган» деган маълумот Муҳаммад Юнус Тоиб асарига асосланиб, манбалари аниқ кўрсатилган ҳолда ёзиб қўйилган.³ Бизнингча, диссертация ишида бу маълумотнинг бир марта кўрсатиб ўтилганлиги етарлидир. Айни шу маълумотлар, яъни Алиқулининг қирғизларнинг қипчоқ уруғига мансублиги «Амирлашкар тарихи» номли монографиянинг 52-саҳифасида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.⁴ Бундан ташқари, мақола муаллифи томонидан турли йилларда ёзилган бир қатор мақолаларда ҳам Алиқули Амирлашкарнинг ҳаёти, айниқса, унинг мамлакат ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолишга бўлган уринишлари ва ички сиёсий

беқарорликни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, ҳарбий ислоҳотчилик, ҳарбий ҳаракатлар ва мудофаа жангларидаги саркардалик фаолиятига доир кўплаб маълумотлар келтириб ўтилган.⁵

Т.Кенансариевнинг кейинги илмий ишларида бу масалага ёндашувнинг мутлақ ўзгарганлигини кўриш мумкин. Ўзининг «Алымкул Амир лашкар» номли китобида олим Қирғизистон ва Ўзбекистон тарихчилари томонидан саркарда ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб эълон қилинган мақолалар ва монографиялар ҳақида бир қатор фикрларини билдириб⁶, уларнинг айримларини китоб таркибида нашр эттирди⁷. Китоб таркибида юқорида сўз борган диссертация асосида тайёрланган ва 2013 йилда Тошкентда нашр қилинган «Амирлашкар тарихи» номли монографиянинг бир қисми ҳам нашр эттирилган.⁸

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Алиқули Амирлашкар ҳаёти ва фаолияти тарихи бўйича ўзбекистонлик тарихчилар билан бир қаторда қирғизистонлик тарихчилар томонидан ҳам кейинги йилларда кўплаб илмий мақолалар эълон қилинди ва тадқиқотлар кенг кўламда давом этмоқда. 2019 йил 5 июлда тарихчи олим Т.Кенансариев ташаббуси билан Жалолобод шаҳрида ўтказилган «Алымкул Асан бий уулу (1831 – 1865) и его государственная деятельность» мавзуидаги халқаро илмий конференцияда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон тарихчилари ва мутахассислар томонидан қилинган маърузаларда ҳам Алиқули Амирлашкарнинг ҳаёти, давлат бошқаруви ва ҳарбий соҳадаги фаолиятига оид кўплаб маълумотлар таҳлил қилинди.

Сўзимизда давом этсак, Алиқули Амирлашкар Қўқон хонлигининг давлат арбоби дара-

¹ Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар хазинаси. №12136. 1^о – 2^о.

² Кенансариев Т. Алымкул Лашкер башы... // https://kyrgyz.ru/articles/kyrgyz/kenensariiev_alymkul/

³ Қаранг: Илҳомов З.А. Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни. Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент, 2004. – Б.61.

⁴ Қаранг: Илҳомов З.А. Амирлашкар тарихи. – Тошкент, 2013.

⁵ Қаранг: Озодлик учун курашлар тарихи // Ватанпарвар. 1997 г. 20 мая. №60 (856); Ватан озодлиги курашчиси Алиқули Амирлашкар ҳаёти саҳифалари // Материалы четвертой республиканской научной конференции «Ўзбекистон мустақиллиги – унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолати». – Ташкент, 1999; Алиқули Амирлашкар // Ўзбекистон тарихи. 1999. №3; Хотираларда жонланган сиймо // Жамият ва бошқарув. 2000. №1 ва бошқ.

⁶ Кенансариев Т. Алымкул Амир лашкар. – Бишкек: Maxprint, 2019. – Б.3 – 13.

⁷ Кенансариев Т. Алымкул Амир лашкар. – Б.114 – 341.

⁸ Кенансариев Т. Алымкул Амир лашкар. – Б.320 – 341.



жасига кўтарилар экан, айрим этник гуруҳлар манфаатини ифода этувчи сиёсий кучларнинг қўллаб-қувватлаши орқасидан эмас, балки хонлик ички сиёсий ҳаётида юзага келган вазият ва ўзаро тахт учун курашлар жараёнида бунга эришди. Амирлашкар давлат тепасига келиши биланоқ маҳаллийчилик ва тарафкашлик оқибатида сиёсий жиҳатдан тарқоқ ҳолга келиб қолган хонликни бирлаштиришга, хонлик мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолишдек ягона мақсад сари йўналтиришга ҳаракат қилди. Кучли ички ва ташқи сиёсат юритиш йўлини тутди. Унинг ҳукумат тепасига келиши ва олиб борган фаолияти подшо Россияси ҳукуматини қаттиқ ташвишлантирган. Алиқули мамлакатни бирлаштириш йўлидаги ҳаракатлари жараёнида ўзига қарши сиёсий кучларнинг шаклланишига ҳам қарши туришга мажбур бўлди. Бу жараёнда парокандаликка учраб бўлган уруғ ва қабила бийлари, ботирбошилар ва амалдорларни им-

кон қадар марказий ҳокимият атрофида бирлаштиришга ҳаракат қилди. Бир қанча беклар ва додхоҳлар, уруғ ва қабила бийларига махсус мактублар юбориб, хонликка садоқат билан хизмат қилиш ҳамда душманга қарши курашда бирлашишга чақирди. Алиқули Амирлашкарнинг ҳарбий аҳволни яхшилаш борасида олиб борган фаолияти ва чор Россияси ҳарбий босқинчиларига қаттиқ зарбалар бериб бориши унинг маҳоратли саркарда эканлигини намоён қилди. Ҳокимият бошқарувида эса мураккаб ва зиддиятли масалаларни ҳал этишда баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйди. Айрим ҳолатларда сиёсий вазиятни тўғри баҳолай олмаслик оқибатида нотўғри қарорлар чиқарди. Бироқ, сиёсий ва ҳарбий фаолияти давомида эришган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликлари қандай бўлишидан қатъи назар, Қўқон хонлигининг сиёсий барқарорлигини таъминлаш ҳамда юрт мустақиллигини сақлаб қолиш йўлида бошқаларга ибрат намунаси бўла олди.



АНВАР ПОШОНИНГ ТУРКИСТОН ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШИ МУСТАФО ЧЎҚАЙ ТАЛҚИНИДА

Рустамбек Шамсутдинов



МУСТАФО ЧЎҚАЙ
(1886 – 1941) – Ўрта
Осиё ва Қозоғистон
озодлик кураши
яловбардорларидан
бири, олий маълумотли
ҳуқуқшунос.
У подшо Россияси
Муваққат ҳукумати
бош вазири А.Ф.Керенский
бошчилигидаги комиссия

таркибида 1916 йилги Ўрта Осиёдаги миллий озодлик қўзғолони сабабларини текшириш бўйича Тошкент, Қўқон, Андижон ва бошқа жойларда бўлиб, қўзғолоннинг юзага келиш сабаблари ва айбдорлари ҳақида ҳаққоний фикрлар айтишни уйдалаган. 1917 йили Туркистон ўлкаси мусулмонлари Марказий Шўроси раиси, «Бирлик туғи» газетасининг муҳаррири, Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ташқи ишлар вазири, бош вазири лавозимларида фаолият кўрсатган. Тифлисте мусулмонлар учун чоп этилган «Янги дунё», «Шафақ» газеталарида 1919 йил февралда Европа давлатларига махсус меморандум билан мурожаат қилиб, Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга, ўлкадаги большевикча тузумни афдаришга чақирган.

Қуйида Мустафо Чўқай қаламига мансуб иккита мақола берилмоқда.

ТУРКИСТОН ФОЖИАСИ ВА УНДАН ҚУТУЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Қуйида биз иккита манбага таяниб Туркистон ҳақидаги маълумотларни чоп этиялмиш. Манбалардан бири большевиклар томонидан Туркистонга сургун қилинган ва бу ердан қочган арман миллатига мансуб киши бўлса, иккинчиси узоқ йиллар мобайнида Ашхободда «маданий оқартув» ишлари билан шуғулланган, кейинчалик эса у ердан қочиб кетган ўзимизнинг туркистонликлардан армани Керенский «ДНИ» журнали (24 январь, №147)га, туркистонлик эса бизга ёзиб турган. Иккиси ҳам асосан «Ёш Туркистон» саҳифаларида чоп этилган. Улар Эрондаги мухбирларимиз хабарларига таяниб Туркистон совет матбуотида мунтазам ёритилаётган воқеликлар ҳақида, яъни Туркистон қўзғолони илгаригидек давом этаётгани тўғрисида ёзишади.

Туркистон қўзғолони бундан роппа-роса 14 йил олдин, яъни совет қўшинлари томонидан Қўқон Автоном Ҳукумати тор-мор қилинганининг эртасигаёқ бошланиб кетди. Қўзғолон шундан буён тўхтамасдан давом этипти. Бунга, энг аввало, миллий сиёсий масала сабаб бўлди. Туркистон учун совет ҳукумати ёт ва душман ҳисобланган ва шундай бўлиб қолмоқда. Унинг миллий мафкурага қарши курашга асосланган ғояси ҳам, пролетариат партияси диктатурасидан иборат бўлган шакли ҳам



халқимиз тушунчасига ёт бўлиб, унинг ҳаётий манфаатлари учун зарарлидир.

Совет ҳукумати «ҳарбий коммунизм»дан «тинч қурилиш»га ўтган сўнгги йилларда совет ҳукуматининг талаби туркистонликлар манфаатига зид эканлиги ҳатто Туркистондаги Москва ҳокимияти тарафдорларига ҳам аён бўлиб қолди. «Ҳарбий коммунизм» тугаши билан москвалик большевиклар ўзларининг «революцион ваъдалари»ни бажаришади ва Туркистонга тўлиқ бўлмаса ҳам, маълум бир сиёсий ва иқтисодий эркинликларни беради деб ўйловчи туркистонликлар оз эмас эди. Улар ана шу орзу-умидлари билан ўзларининг большевиклар партияси сафида ҳамда совет ҳукумати хизматида турганликларини оқлашарди.

Ҳаёт уларнинг орзу-умидлари пуч эканлигини кўрсатиб қўйди. Совет ҳукуматининг «Тинч қурилиш»и Туркистондаги большевик сиёсатнинг босқинчилик хусусиятини янада чуқурлаштирди. Туркистонни рус нонига қарам қилиб қўйган пахта сиёсати; Туркистоннинг бутун хўжалик ҳаётини Москва ҳукумати манфаатларига бўйсундиришга олиб келган колхозларнинг ташкил этилиши; рус крестянлари билан Туркистон деҳқонлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий (!?) алоқаларни чуқурлаштириш байроғи остида амалга оширилган кўчириш сиёсати (бу мамлакатда рус аҳолиси сонининг ҳатто рус подшоҳлиги даврига нисбатан ҳам ўта тез суръатда ўсишига олиб келди); бошқарув аппаратини «миллийлаштириш» сиёсатидан воз кечиш ва, ниҳоят, бутун миллий Туркистонни «рус пролетариати диктатураси» талабларига бўйсундирувчи «пролетар сиёсати»нинг умумий яккаҳокимлик кайфияти – буларнинг барчаси кўплаб туркистонлик миллий большевикларнинг кўзини очди. Кечаги ленинизм тарафдорлари бугун партиянинг «бош йўналиши»дан ўзини торта бошлашди. «Оппозицион гуруҳлар» тузилапти... Султонбек Хўжанов, Раҳим Иномов (Иноғомов – Р.Ш.), Иномжон Хидиралиев, Саъдулла, Қосимов, Маннон Рамзий, Боту, Исмоил Саидвақосов ва шулар сингари ўнлаб, юзлаб «эски комму-

нистлар» Туркистондаги Москва сиёсатига нисбатан кескин оппозицияга ўтишапти... Негизини олганда, шунинг ўзи босмачилик ҳаракатидир, бироқ «босмачилик» миллий турмушимиз асосларини ҳимоя қилиш негизда келиб чиққан нарса эмас, балки коммунистик партиянинг «революцион ҳақиқати»га ишончининг йўқолишидан пайдо бўлган мафкуравий ҳаракатдир...

Этибор қаратинг: *«гоявий босмачилик» қизил армиянинг кўзғолончилар устидан ҳарбий галабаси пайтида пайдо бўлади ва айнан кўзғолончилик ҳаракати сусайган бир пайтда авж олади...*

Яқунланган 1931 йилни большевиклар ички-партиявий «миллий оппозиция»нинг бостирилиши йили деб ҳисоблашади, биз эса кўзғолончилик ҳаракатининг янгидан портлашини кузатяпмиз...

Туркистонда кўзғолончилик ҳаракати ўзининг юқори чўққиларига кўтарилган. Совет ҳокимияти Туркистонни узил-кесил йўқотиб қўйиш хавфи остида жойларга эркин савдо қилиш ҳуқуқини қайтаришга, шариатга асосланган судни йўлга қўйишга, обрўли кишиларни ҳукуматга қайтаришга мажбур бўлди. Бироқ бу билан ҳокимият мустаҳкамланиб қолмади. Туркистоннинг бахтсизлиги шунда эдики, кўзғолонлар вақтинчалик бўлиб, аниқ мақсадга, сиёсий бош марказига эга эмас эди. Халқ большевиклар зулми остида ортиқ яшаш мумкин бўлмай қолгани учун кўзғолонга чиқарди.

Кейинчалик шундай марказ тузилди ҳам, лекин ахвол яхши томонга ўзгармади. Миллий бирдамликни мустаҳкамлаш ўрнига айрим ғаламислар миллий манфаатга хизмат қилиш тугул, ўзининг «шон-шухрати»ни ошириш пайида бўлишди, «Социализм» ҳақидаги ўзларининг ўта зид тушунчаларини ёйиш билан шуғулланишди. Булар, яъни ёлғондакам социалистлар кўзғолончилар сафида бўла туриб большевикларнинг катталарига мактублар юборишди. Бундай аҳмоқгарчилик ўта оғир сиёсий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин эди. Бир томондан, сиёсатга унчалик қоришиб кетмаган «Миллий марказ» аъзолари



ҳамда қўзғолончиларда рус большевиклари билан тинч келишув тузиш мумкин деган тасаввур уйғонади. Бошқа томондан эса большевиклар марказ бошқарувида икки турдаги, яъни ўта сўл социалистик ва миллатчилик оқимлари мавжудлигини билиб олишди. Шунинг ҳисобига улар ўз мақсадлари йўлида эркин ҳаракатланиш имкониятига эга бўлишди.

Ёлғон социалистларнинг ҳалокатга элтувчи хатти-ҳаракатлари айнан Анварнинг Туркистонга келадиган пайтида авж олиб кетди. Бу ўта муҳим пайт ҳисобланиб, Туркистоннинг курашувчи кучларини Анварнинг атрофига жипслаштириш, барча миллий ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши ҳисобига мустаҳкамлаш зарурати туғилганди. Анвар Туркистонда муваффақият қозониш учун зарур бўлган барча сифатларга эга шахс эди. Биринчидан, у турк эди, Туркистонда эса ҳар бир турк учун халқ оммасининг ишончи кафолатланган бўлади. Иккинчидан, Анвар халқимиз орасида ўта машҳур эди. Уни халқ ғойибона севарди. Учинчидан, Анвар юқори тажрибага эга ҳарбий ҳисобланган... Шунга қарамай, бундай инсонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўрнига тасодифан етакчи бўлиб олган айрим ғаламислар «ҳокимиятни бўлиб олиш» (!), миллий ҳаракатдаги социализм тўғрисида гап-сўзлар тарқатиш билан банд. Большевиклар билан курашда қон тўккан, ўзини ҳақиқий социализм курашчиси деб билган туркистонликларнинг социализм ҳақида гапириши миллий фронтни мустаҳкамлашга зиён етказди.

Биз Анварнинг аянчли тақдиридан хабардормиз. Унинг шахсий фожиаси Туркистон миллий фожиасининг мудҳиш саҳифаларидан бири ҳисобланади.

Туркистон фожиаси давом этапти. Бизнинг халқимиз миллий қарашда ўзининг мустаҳкам эканлигини исботлади. Совет Иттифоқининг биронта қисмида Россия большевиклари бизнинг мамлакатимизда бўлгани каби бундай қатъий қаршилиikka учрамаган. Туркистоннинг бахтсизлиги шундаки, большевистик революция бизни уюшган ҳолда эгаллаб олди. Рус империя тузуми миллий

ривожланишимизни тўхтатиб қўйди. Рус коммунистик тузуми халқимиз онгидан миллий ҳис-туйғунинг ҳар қандай кўринишини ўчириб ташлашга ҳаракат қилмоқда. Москва большевиклари халқимизни рус пролетариати диктатурасининг бўйинтуруғида ушлаб турибди. Бундай жабр-ситамни кўтара олмайдиган халқ қўзғалмоқда. Қуролсиз, бунинг устига, яхши ташкилланмаган, тажрибали ҳарбий етакчиларга эга бўлмаган омма зўр қуролланган ва мустаҳкам ташкилланган давлат кучларига қарши нима ҳам қила оларди? Манжуриядаги япон-хитой уруши бунга мисол бўлиши мумкин. 420 миллионли Хитойдан 30 миллион аҳолиси бўлган Манжурияни тортиб олиш учун 15 – 20 минг аскардан иборат япон қўшини кифоя қилди.

Битта туркистонликларнинг совет ҳукуматига қарши қўзғолони ҳеч қандай натижа бермайди. Бу ҳақда биз очиқ айтишимиз керак. Шундай бўлса-да, биз тушунамизки, туркистонликлар қўзғалмасдан тура олмайди. Шунинг ўзи, яъни қўзғолоннинг натижа бермаслигини била туриб қўзғолонсиз тура олмаслик бизнинг фалокатимиздир.

Нима қилиш керак?

Душманлар билан қуролли курашни партия ва ҳукумат идоралари ичидаги кураш билан барабар олиб бориш лозим. Лекин бунга имконият борми? Мана масала, бунга қандай жавоб топишни ҳозирча билмаймиз.

Шундан сўнг мамлакатнинг ички уюшган кучларини Россиядан мустақил бўлиш учун курашаётган халқларнинг кучлари билан мувофиқлаштириш керак бўлади. Бунингсиз мавжуд ҳолатдан чиқиб кетиш йўли йўқ. Фақат совет Россиясига қарамликда кун кечираётган рус бўлмаган халқларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан эркин ва мустақил миллий ҳаёт йўлига чиқиб олиш мумкин.

Матн муаллиф тузатишлари билан машинкада ёзилган.

Россия давлат ҳарбий архиви (РДХА), 461-фонд, 1-рўйхат, 417-иш, 52 – 56-варақлар; Мустафо Шоқай Шығармаларынын Толық жинағи. Алтыңы том. – Алматы, 2013. – Б.122 – 125.



АНВАР ПОШО
(1881 – 1922)

АНВАР ПОШО (1881.14.6, Истанбул – 1922.4.8, Балжувон – ёш турклар инқилобининг энг фаол раҳбарларидан, «Иттиҳод ва тараққий» партияси асосчиларидан бири). Ҳарбий билим юртида, Истанбул Бош Штаб академиясида таҳсил олган, Берлинда ҳарбий атташе лавозимида, Туркия, Македония, Кавказ, Германия, Россия ҳамда Туркистондаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашган.

1932 йили Анвар пошшо вафотининг 10 йиллиги муносабати билан Мустафо Чўқай «**АНВАР ВАФОТИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИГА**» номли мақола ёзган. Уни айнан келтирмоқдамиз.

АНВАР ВАФОТИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИГА

Анвар ҳалок бўлганига ўн йил тўлди. Мана шу узоқ ўн йил бизга ўнлаб ойлар, ўнлаб ҳафталардек туюлади. Анвар ҳақидаги хотираларимиз тирик, унинг бевақт ўлими эса ҳамон қалбимизни тирнайди.

1921 йилнинг кеч кузида Анварнинг кутилмаганда Бухорода пайдо бўлиши туркистонликларда Ватанимиз зулмкорларига қарши курашда ғалаба қозонишга бўлган ишонч учкунларини чақнатди. Анварда Туркистон қўзғолончиларининг барча кучларини ўз атрофига ва ўз раҳбарлиги остига жипслай оладиган ҳарбий маҳорат ҳамда жозиба мужассамлашган эди. Агар Анвар Туркистонда 1918 – 1919 йилларда, ҳали Туркистоннинг каттагина қисми совет оккупациясидан холи бўлган, маълум

қисмида эса советлар ҳукмронлик қилаётган ва халқ қўзғолони кетаётган пайтда пайдо бўлганида эди, балки, Ватанимиз тақдири мутлақо бошқача кечарди. Ахир 1918 – 1919 йилларда биз рус большевикларининг қуролли кучларидан эмас, балки ўзимизда ташкилотчиликнинг йўқлиги, уюшган ҳолда кураш олиб боролмаганлигимиздан енгилганмиз. Туркистондаги ярим юз йиллик давомидаги Россия ҳукмронлиги мамлакатимизнинг ички кучларини яқсон қилибгина қолмай, миллий жипслигимизга ҳам раҳна солди. Рус ҳукумати бизни ҳарбий ҳизматга яқинлаштириб ҳам қўрмаган. Ҳатто бирор-бир ташкилотга (у хоҳ меҳр-саховат ташкилоти бўлсин) бирлашишимизга йўл қўймаган. Ҳар бир қабила – қозоқ, қирғиз, ўзбек, туркман... алоҳида ҳолда ўзининг қабила ҳаёти билан яшади. Рус ҳукумати мана шу алоҳида-алоҳида бўлиб яшаётган қабилаларни бир-бирига қарши қўйиш орқали улар ўртасида ҳалокатли ҳисобланган жирканч сиёсатни олиб борди... Буни қарангки, 1917 йилги революция пайтида бизни жипслаштира оладиган на марказ, на раҳбар, на обрўли бирор шахс топилди, ўзимизнинг чангимизда қолиб кетавердик...

Тўғри, ҳар бир қабилада ўзининг обрўли раҳбари бор, бироқ умумий Туркистон миқёсида олиб қаралганда сиёсий ҳаётда марказий фигура деб аталадиган бирор-бир шахс мавжуд эмас эди.

1917 йил. Революциянинг биринчи кунлари. Петербург мажлис ва митинглар билан қайнамоқда. Невский проспектидаги 100-рақамли уйда ҳам мусулмонларнинг митинги ўтказилмоқда.

Чўлликлар қиёфасидаги бир одам сездирмасдан ичкарига кирди. Уст-боши ҳам ғаройиб: эгнида узун белбурма камзул (сюртук), бошида оқ момиқ чўл қалпоғи. У тўғри ёнимга келиб, мени бир четга олиб чиққач ўзини Али Жангелдинман деб таништирди. Бу исмни илгари эшитмаган бўлсам-да, юзи танишдек туюлди. Меҳмон дабдурустдан ўз сирини оча кетди: Иван Степнов, келиб чиқиши чўллик қозоқлардан, ёшлигида чўқинтирилган экан. Али Жангелдин эса унинг мусулмонлик пай-



тидаги исми, чўқинтирилганидан кейин уни Иван Степнов деб атайдиган бўлишган. Степнов фақат чўқинтирилибгина қолмай, рус руҳоний миссионери сифатида пиёда Россия ва Россиядан ташқаридаги барча православ қадимжоларини кезиб чиққан. Унинг портрети рус журналларига ҳам жойлаштирилган. Шунинг учун унинг қиёфаси менга таниш экан.

Руҳоний-миссионер бўла туриб нега мусулмонлар митингига келганини сўраганимда Степнов-Жангелдин Туркияга бормоқчи эканлигини айтди.

– Мен энди православиядан ва руслардан қайтдим. Яна мусулмон қозоқман. Русларнинг ваҳшийлиги кўнглимни совитди ва энди мен халқим олдидаги гуноҳимни ювмоқчиман. Шу мақсадда Туркияга кетяпман.

– Нега энди?..

– Анвар пошшонинг олдида бораман.

– Нега Анвар пошшонинг олдида?

– Фақат унинг ўзи бизни руслардан қутултира олади.

Ҳа, у пайтларда фақат Степнов-Жангелдингина бундай ўйламасди. Туркистоннинг бутун чўли, бутун туркистонликлар Анварга ғойибона ишонишар, уни ўзининг энг яқин кишиси деб билишар эди... 1916 йилги қўзғолон пайтида Туркистонда кўпчилик Анвардан ёрдам кутганди... Туркистонда султон халифанинг номини кўпчилик билмаса ҳам, Анварнинг номи ҳаммага таниш бўлиб кетганди. Анварнинг номи афсоналарга тўла эди. Сўнгги Болқон урушидан сўнг чўлликларнинг кўпчилиги фарзандига Анвар исмини қўйишган... Рус ҳукумати Анварнинг Туркистонда кенг оммалашаётганлигини билган ҳолда унга қарши кураш олиб борарди. Рус ҳукумати шубҳали туюлган Туркистондаги барча татар ўқитувчиларни «Анварнинг агенти» деб ҳисобларди. У жадидчиларимизни ҳозир «камолчилар», бизни эса миллатчилар деб атаётганидек, ўша пайтдаги жадидчиларимиздан «Анварнинг агентлари» деб шубҳаланишган. 1916 йили генерал-губернатор Куропаткин Тошкентдаги қабулхонасидан эски таниши бўлган Абдулла Ниёз ўғлини ҳайдаб солади. Унинг бошидаги қизил рангдаги татарлар дўпписи «узокдан

Анвар киядиган ҳожи дўппига жудаям ўхшаб кетганлиги учун» у шундай қилади...

Бизда Анвар шу қадар машҳур эди. Бугун унинг машҳурлиги сабабларини қидириб ўтирадиган пайт эмас. Шуниси муҳимки, халқимизнинг ўз аҳволини енгиллаштириш билан боғлиқ орзу-умидлари айнан Анвар номи билан уйғунлашиб кетган.

Россияда болшевиктик тўнтариш... Брест-Литва сулҳи... Кавказда турк қўшинлари. Боқунинг озод қилиниши... Туркистонда рус бозори болшевики қонли диктатурасининг ўрнатилиши... Халқимиз нигоҳи Кавказ томонга қаратилган: балки, турклардан ёрдам келиб қолар. Анвар ўз қўшинларини жўнатади... Туркиянинг мағлубияти... Турк қўшинларининг Кавказдан қайтиб кетиши... Изсиз йўқолган деб ҳисобланган Анвар кутилмаганда Москвада пайдо бўлади... Большевикларнинг қувонишини, бизникиларнинг эса умидсизланишини кўринг... 1920 йил сентябрь... Боқуда болшевиклар томонидан ташкиллаштирилган Шарқ халқларининг съезди бўлиб ўтади. Ўшанда Анвар болшевикларнинг Туркистонда юритаётган сиёсатидан хабардор эмасди... Менга хат узатишди, унда туркистонлик делегат Тошпўлат Норбўтабековнинг съездда қилган маърузаси Анварда катта таассурот қолдиргани ва уни келгусида совет пойтахтида қолиш масаласини ўйлаб кўришга ундаётганлиги маълум қилинганди...

Шундай қилиб, 1921 йилнинг кеч кузида Анвар кутилмаганда Бухорода пайдо бўлди...

Осмонбой (Усмонхўжа Пўлатхўжаев – Р.Ш.) бошчилигидаги Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати Анварнинг обрўси ва Москва билан яқин алоқасидан фойдаланиб Бухородаги болшевиклик бедодликларга чек қўйишга ва Бухоро Республикасининг мустақиллиги ҳақидаги Москва шартномасига риоя этилишига эришишга қарор қилади. Анвар Бухоро билан Москва ўртасида воситачилик қилишга рози бўлади. Мана унинг Москва ҳукуматига биринчи мурожаати (тўлиқ келтирилади):

«Мустақил Бухоро орқали дўстона Совет Россиясининг революцион бошчилигида мусулмон Осиёни Британия империализми-



дан озод қилиш вазифасини муваффақиятли амалга оширяпмиз. Халқ Комиссарлари Москва Советидан Бухоро ҳудудидан бу ерда ўзини худди босиб олинган мамлакатдаги душман армиясидек тутаётган қизил қўшинларни чақириб олишини сўрайман. Қўшинни ушлаб туриш учун очарчиликни бошдан кечираётган мусулмон аҳолининг қўлидан бир бурда нони тортиб олиняпти, бу уларнинг Совет Россиясига бўлган норозилигини кучайтиряпти. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва қимматбаҳо товарларни реквизиция қилиш ва мамлакатдан олиб чиқишни зудлик билан тўхтатиш керак. Шарқий Бухорода қўзғолон бўляпти. У республиканинг бошқа жойларига ҳам ёйилиши мумкин. Бошқарув устида турган бухоролик комиссарлар чекистлар отрядлари ва рус қўшинлари томонидан террор қилиниб, қўрқитиляпти, улар мустақил фаолият кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилинган. Революционер ёш бухороликлар орасида ҳам айниш кучайган. Совет ҳукумати унинг учун муҳим ҳисобланган шарқий фронтдаги хавф-хатардан огоҳлантираман. Бухоро халқига ўз ҳаётини ўзи ҳал қилиши учун тўла имконият бериш зарур. Бухоро халқининг топшириғига биноан Совет Россияси билан олдинда бўладиган музокараларда ушбу халқнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммамга оламан. Мурожаатимга жавобни тезлаштиришни, ўз вакилларингизни тайинлашни ҳамда учрашув вақти ва жойини белгилашни сўрайман».

Совет ҳукумати бу мурожаатга Анварни «Британия империализмининг агенти» деган айб билан жавоб қайтарди.

Анварнинг ушбу мурожаати ва унга Совет ҳукуматининг берган жавоби устида бизнинг совет диктатурасига қарши миллий озодлик курашимизга қандайдир ташқи кучларнинг таъсири бор деб ҳозиргача шубҳаланаётган бизнинг айрим турк биродарларимиз ўйлаб кўришини мен жуда хоҳлардим.

Жаҳон тарихи бизнинг халқимизга, бизнинг ўз мамлакатимизда ўтказилаётган Москва диктатурасига ўхшаш бирорта босқинни эсламаса керак...

Давоми маълум. Большевиклар кўп сонли ҳарбий отрядларни Анварга қарши сафарбар қилади, жосулик билан шуғулланади. Совет ҳукумати ушбу мақсадда ҳатто Бухоронинг собиқ амири билан хуфёна музокаралар олиб боради.

Рус империализмининг қабиҳ жосуси, Бухоронинг собиқ амири сўзда ўзини Анварнинг дўсти ва иттифоқчиси қилиб кўрсатган ҳолда амалда унга қарши турли ўйинлар уюштиради. Бошқача айтганда, Саид Мир Олимхон унинг қиёфасида «хавфли революционер-ёш турк»ни кўради...

Совет Россияси томонида ҳарбий кучларнинг бутун устунлиги ётибди. У мамлакатнинг ҳаётини муҳим ҳисобланган бутун марказларини, бутун алоқа йўлларини ўз қўлида ушлаб турибди. Озиқ-овқат ҳам унинг қўлида. Анвар бепоён Туркистоннинг айрим қисмлари билан бўлган алоқани фақат отлик чопарлар ёрдамидагина амалга ошириши мумкин. Қурол-аслаҳа ҳам, озиқ-овқат ҳам йўқ. Энди, бунга устама-устак, миллий ташкилотлар орасида Туркистонда қандайдир социалистик ислохотлар учун кураш олиб борилаётганлиги ҳақида баҳс-мунозаралар юритишдан тўхтамаётган разил шахсларнинг фитналарини қўшиб кўринг.

Анвар Туркистонни озод қилиш йўлида қаҳрамонларча халок бўлди. Унинг ўлимидан сўнг ўн йил ўтгач Москванинг «қизил қўшинлари босиб олинган мамлакатдаги душман армиясига ўхшаб Туркистонга кираиб борди».

Мамлакатимизни душман армиясидан халос қиладиган кун келармикин!?

Биз ишонамиз, бу кун келади. Ана шунда Туркистоннинг олис бурчагида ётган Анварнинг хоки эркин ва мустақил Туркистон пойтахтига кўчириб келинади. Ва унинг хотараси туркистонликлар қалбида абадий яшайди.

Матн муаллифи тузатишлари билан машинкада ёзилган.

Россия давлат ҳарбий архиви, 461-фонд, 1-рўйхат, 417-иш, 52 – 56-варақлар; Мустафо Шоқай Шығармаларынын Толық жинағи. Алтыңызы том. – Алматы, 2013. – Б.122 – 125.



Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон
(1898 – 1938)

БАЛЖУВОН

Фарёдим дунёнинг борлигин бўғсин!
Умиднинг энг сўнгги ипларин узсин!

Ҳазабдан титраган ёш бир йигитнинг
Тоғдек сийнасига ўтлар ўрнашмиш,
Тоғларда эрк учун юрган кийикнинг
Қора кўзларига мотамлар кирмиш.

Дарёлар, тўлқинлар титраркан, бир эр
Зарбалар қаҳридан йиқилмиш қолмиш.
Қутқариш юлдузи йўқликка кирмиш,
Сенинг сўнг жонингни ёвларинг олмиш.

Мармара йўллари, Эдирна йўли,
Чаталжа кенлиги, Бўғоз торлиги,
Карпат баландлиги, Траблус чўли,
Гўзал Селаникнинг ширин боғлари,

Шаҳидлар юзига томгучи нурлар,
Қонлар йиғлатди-ку бизни бу хабар.

Берлин кўчалари йигитнинг бирин
Тўп-тўлиқ ғалвалар қўйнига олди.
Тифлис ҳаволари бир нажот эрин
Қора қонга бўяб ерларга солди.

Тарихнинг рангини кўп қонлар билан
Қорартган, толдурган, бироқ Балжувон
Энг сўнгги умидни қонга бўяган.
Оҳ, қандай уғурсиз замонлар келган.

Фарёдим дунёнинг борлигин бўғсин!
Қоп-қора бахтимга шайтонлар кулсин!²

¹ Балжувон. 1922 йил августида Туркистондаги шўроларга қаршилик кўрсатиш ҳаракатида иштирок этган турк саркардаларидан бири Анвар пошонинг 1922 йил 4 августда Балжувонда ҳалок бўлиши муносабати билан ёзилган. Шеърнинг Чўлпон қаламига мансуб қўлёзма ва босма нусхалари мавжуд эмас. Шеър Аҳмад Заки Валидий ва бошқа муаллифларнинг Туркияда эълон қилинган асарларидан жой олган. Адабиётшунос Илҳом Ғаниевнинг «Миллий тикланиш» (1995 йил 10 январь) газетасида босилган мақоласидан олинди.

² Абдулҳамид Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. Ж.1. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б.124.



ҚЎҚОН ЖАДИДЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН ЧИЗГИЛАР

Анваржон Мамасиддиқов,
ФарПИ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси

Аннотация

Ушбу мақола юртимиз тарихида муҳим ўрин тутган жадидчилик ҳаракатига бағишланади. Мақолада 20-аср бошларидаги Қўқон ижтимоий-маънавий муҳити ва жадид мактаблари фаолиятининг архив ҳужжатлари ва босма ахборот воситаларида ёритилишига баҳо берилади. Муаллиф ушбу мақолада Қўқон жадидчиларининг бошланғич синф учун янги усулда яратган дарсликларини ўрганган.

Таянч сўзлар: жадидчилик, маънавият, маърифат, дарслик, тараққиёт, мударрис, мухторият.

Аннотация

Эта статья посвящена Кокандским представителям движения «Джадид», которые играют важную роль в истории нашей страны. В статье оценивается богатость архивных материалов и внимание властей к социально-духовной среде Коканда в начале 20-го века. Автор изучил учебники джадидов, написанные для начальных классов.

Ключевые слова: джадидизм, духовность, просвещение, учебник, развитие, мастер, автономия.

Annotation

This article is devoted to the representatives of the Jadid movement of Kokand, which plays an important role in the history of our country. The article assesses the riches of archive materials and attention of authority to the socio-spiritual environment of Kokand in the early 20th century. The author explored the textbooks of Jadids, which written for the elementary class.

Key words: jadidizm, spirituality, enlightenment, textbook, development, master, autonomy.

Инсоният тарихида кўплаб ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар бўлиб ўтган. Жадидчилик ҳам шундай ҳаракатлар сирасига киради. Жадидчиликнинг маърифий ҳаракатлари анча узоқ тарихга эга. Бу ҳаракат намояндалари ислом динига кириб келган бидъатларни олиб ташлаш, Қуръони Шариф, ҳадис, уларнинг асл таржималарини ўргатиш, ислом тарихи каби дарсларни ўтиш билан бирга арифмети-

ка, тарих, жўғрофия, табобат, ҳандаса, мантиқ, фалсафа ва бошқа дунёвий фанларни ўқитишни жорий қилиш каби тадбирларни амалга оширишга интилган [1;28]. Жадидларнинг асосий мақсади жаҳон тараққиётидан четда қолган халқлари турмуш тарзини ўзгартириш ва асрий қоқоқлик исканжасидан олиб чиқиш эди. Улар мактаб ва маориф ишларини тўғри йўлга қўйишни ва ёш авлодга



таълим-тарбия беришни долзарб масала деб билардилар. Бундай илғор фикрлар босма ахборот воситаларида ёритилиб борган. «Туркистон вилоятининг газети»га ўттиз беш йил муҳаррирлик қилган Н.Остроумов Россия ва Европа маданияти ҳамда ҳаёт тарзини тарғиб қилишга катта эътибор қаратди. Газетада қўшни юртларга саёҳат қилган бир қатор ўзбек тужжорлари ва зиёлиларининг хотиралари мунтазам эълон қилинди. Масалан, газета муҳаррирларидан Сатторхон Абдуғаффоров, шоир Зокиржон Фурқат, Худоёрхоннинг кичик ўғли Ибн Яминбек, тошкентлик савдогар Орифхўжанинг кўрган-кечирганлари газета саҳифаларида эълон қилинди [2;34]. Шу билан бирга, «Усули жаид» мактабларининг мўъжизали қудрати ҳақидаги хабарлар ҳам Туркистон ўлкаси, жумладан, Фарғона водийсига кенг ёйила бошланди.

Архив ҳужжатларидаги маълумотларга қараганда, Туркистон ўлкасида дастлабки жаид мактаблари Фарғона вилоятида очилган. Ўқув юртлари бош инспектори архив фондида сақланаётган Фарғона вилояти янги усул мактаблари рўйхатидаги далиллар Қўқон шаҳрида биринчи янги усул мактаблари XIX асрнинг 90-йилларида ташкил қилинганлигидан далолат беради [3;8]. Қўқондаги биринчи жаид мактаби 1893 йилда Мираюббой маҳалласида ташкил қилинган. Бу шаҳардаги энг йирик мактаблардан бири бўлган. Ундаги 100 ўқувчига ўқитувчи Аҳмаджонқори ва учта ёрдамчиси таълим берган. 1899 йилда Ҳожибобо маҳалласида масжид қошида янги усул мактаби очилган. Унда 25 нафар ўқувчи ўқиган ва 1908 йилгача татар ўқитувчи, кейин ўзбек Хўжахон Аҳмадхўжа ўқитувчилик қилган. Устаи Банаул маҳалласида 1899 йили очилган янги усул мактабида 115 ўқувчи ўқиган ва ўқитувчи Маҳмуджон ҳожи Муҳаммедов дарс берган. Бошқовоқ масжиди қошида 1900 йилда очилган янги усул мактабида 115 ўқувчи бўлиб, татар Салоҳиддин Мазитов таълим берган. Бундан ташқари, Даҳмаи Шоҳон маҳалласида 1901 йилда, Ғалчасой маҳалласида 1902 йилда, Бекбачча маҳалласида 1904 йилда янги усул мактаби ташкил қилинган [4;40]. Қўқон шаҳрида илғор

фикрли талабалар 1908 йилда «Шамсинур» номли жаид гуруҳини ташкил қиладилар. Бу гуруҳ аъзолари Туркистон мактаб ва мадрасаларида ўқиш-ўқитиш ишларини ислоҳ қилиш ва аниқ фанлардан дарс бериш учун курашга чақирилган қўлёзма варақалар тарқатар эдилар. Ҳамза ўз хотираларида бу тўғрида шундай ёзган эди: «Мадрасада ўқиб юрган вақтимизда газета, журналларни бировларнинг номига ёздириб олиб, қўлтиғимизга яшириб, мадрасанинг қозон кўядиган қоронғу ҳужраларида эшикни ичидан беклаб, ўшанда ҳам қўрқиб-қўрқиб ўқир эдик» [5;66].

1911 йилда Қўқонда жаидчилар Ҳамза ва Миразиз Ҳожибек янги усул мактабини очадилар, мактаб қошида болаларни ўқув қўлланмалар, овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш мақсадида «Жамияти хайрия» ҳам ташкил этилади. Маҳаллий маъмурлар 1913 йилда доврўғи ошиб бораётганидан ҳайқиқиб мактаб ва жамиятни беркитадилар [6;67].

Жаидчилар янги усул мактабларини очиш билан чекланиб қолмай, бу мактаблар учун махсус дарсликлар ҳам яратганлар. Мунавварқорининг «Адиби аввал», «Адиби соний», Ҳамзанинг «Енгил адабиёт», «Қироат китоби», Авлонийнинг «Учинчи муаллим» каби дарсликлари мактабларда ўқитилган [7;72]. Ҳамза 1914 йилда ёзилган «Енгил адабиёт» дарслиги сўзбошисида ўз мақсадини шундай баён этади: «Ҳозирги ўқитиб турган адабиётларимиз ўқувчиларга оғир бўлмаса ҳамки, ёш талабаларимизга баъзи луғатларнинг мавҳуми оғирлик қилиб турганлиги, шояд, бошқа муаллимларга тажриба бўлгандир» [8;12].

С.Мамажонов эса Ҳамза ёзган дарсликлар ҳақида шундай фикр билдиради: «Ҳамзанинг маориф ишларидаги ютуғи шунда бўлдики, исломни усули жаид билан жипс боғлай олди. Қуръони Карим ва ҳадислардан фойдаланиб халқни маорифга, маданиятга тарғиб этди. Ҳамза ўз дарслиklarининг аввалги бобларини Аллоҳни таърифлашга қаратди ва тўғридан-тўғри «Илм – жаннат эшиги», «Жаҳл – дўзах эшиги» деди. «Қироат китоби»нинг ҳар бир бобида ё Қуръондан, ё ҳадислардан далил келтириб ўз ниятини тарғиб этди» [9;13]. Ҳамза



адолат Россия империяси маъмурлари қўлида эмас, ўз турмушини яхшилаш учун курашаётган халқ томонида эканлигини тушуниб етди. 1909 йилда Ҳамза Бухорога боради, Когонда ва Тошкентда бўлади, халқ йиғилишларида қатнашади, илғор фикрли кишилар билан танишади, маърифатпарвар-демократларнинг асарларини ўрганиш асосида уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ғояларидан баҳраманд бўлиб, ўзи ҳам шу ғоялар тарафдори ва курашувчисига айланади [10;13].

XX аср бошларидаги архив ҳужжатлари ва босма ахборот воситалари материалларини

янада чуқурроқ ўрганиш, кўришиб турибдики, жадидларнинг ўлкани маърифатли қилишга бўлган уринишлари аҳолини сиёсий жиҳатдан жонланишига, жамиятдаги қолоқлик унсурларини енгишларига қай даражада туртки бўлганлигини аниқроқ билишимизга янада кўпроқ ёрдам беради. Гарчи жадидлар ҳаракати ва уларнинг меваси бўлган Туркистон Мухторияти бўғиб ташланган бўлса-да, уларнинг орзу-умидлари XX асрнинг охирига келиб рўёбга чиқди ва жаҳон сиёсий харитасида мустақил Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шамсутдинов Р., Расулов Б. Истиқлол учун кураш фидойилари. – Андижон, 1993. – Б.28.
2. Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – Б.34.
3. Қозоқов Т. Фарғонада жадид мактаблари // Фан ва турмуш. 1998. №5. – Б.8.
4. Гулистон. 2001. №2. – Б.40.
5. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. Жадид тарбияшунослиги асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б.66.
6. Кўрсатилган манба. – Б.67.
7. Кўрсатилган манба. – Б.72.
8. Ўзбек тили ва адабиёти. 1995. №3. – Б.12.
9. Кўрсатилган манба. – Б.13.
10. Хонқулов Ш. Оташин ватанпарвар // Муҳофаза. 2019. №9. – Б.28.



ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙНИНГ МАЪРИФАТ ЙЎЛИ

Хонқулов Шавкатжон Хурсаналивич,
Фарғона политехника институти
«Ўзбекистон тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада Фарғона водийсида жадидчилик ҳаракатида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўрни келтириб ўтилган. Унинг босиб ўтган ижод йўли ва ёшлар тарбияси ва халқ онгини илмга йўналтиришидаги фаолияти, жумладан, ижтимоий-сиёсий қарашлари, ватан озодлиги гоялари акс эттирилган.

Таянч сўз ва иборалар: «Ал-Ислоҳ», «Шамсинур», «Богчасарой», «Жамияти хайрия», «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби», ҳуррият, фақирлик, театр, хуруфот.

Туркистон халқларининг маънавий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда жаҳон халқларидан ортда қолаётганлигини XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган илғор фикрли зиёлилар ўз вақтида англаб етган эдилар. Улар бу қолаётганлик исканжасидан қутулишнинг ягона йўли деб илм-маърифатни танладилар. Шу мақсад йўлида XIX асрнинг сўнгги чорагида Фарғона водийсида дастлабки янги усул мактаблари очила бошлади. Фарғона ўқув юртлири инспекторининг Туркистон ўқув юртлири бош инспекторига 1909 йил 6 декабрда йўллаган маълумотномасида кўрсатилишича, Фарғона водийсида дастлабки янги усул мактаблари Қўқон уездида Аҳмаджон қори томонидан 1892 йилда очилган [1]. Бундай ўзгаришлар натижасида, XX аср бошларида бутун Россия империясида талабалар ҳаракати кенг ёйилгани каби, мусулмон мадрасаларида ҳам талабаларнинг сиёсий фаоллиги бирмунча ортган эди. Жумладан, Фарғонада ҳам дастлабки тараққийпарвар жамиятлар ташкил топди. 1908 йилга келиб Қўқон шаҳрининг бир гуруҳ

илғор фикрли мадраса талабалари томонидан «Шамсинур» жамияти тузилади [2;13]. Жамият аъзолари халқ оммасини илмли, маърифатли қилишни, мадрасаларда аниқ фанларни ўқитишни жорий этишни энг асосий вазифалардан деб билдилар. «Шамсинур» жамияти йиғилишларида ўлкадаги мавжуд кўплаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалалар ҳам муҳокама қилинган. Бу жамиятнинг фаолиятида, албатта, жадидларнинг сезиларли таъсири бўлган. Фарғонанинг атоқли жадидларидан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам ўз сиёсий фаолиятини илк бор шу жамиятдан бошлаган [3; 26]. Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли вакили Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий фаолиятига тўхталадиган бўлсак, у 1889 йили Қўқон шаҳрида таваллуд топди. 7 ёшга етганида уни маҳалла мактабига ўқишга берадилар. Мактабда тезда хат-саводини чиқарган Ҳамза 1896 – 1899 йилларда қадимги усул мактабини ҳам тамомлаб чиқади. 1899 – 1906 йилларда Қўқон мадрасаларида таҳсил кўради. 1907 йили отасининг ҳажга йўл олиши



боис уни Қашғаргача кузатиб боради. Илк бор «Вақт», «Боғчасарой» газеталарини ҳам ўша ерда мутолаа қилади. Ҳамза ўз хотираларида: «1907 йили отам ҳаж кетиши муносабати билан бирга Қашғаргача узатиш муносабатида саёхатга бориб, биринчи мартаба «Вақт», «Боғчасарой» газеталарини ўқишга ўрганиб қайтдим. Шундан бошлаб кундан-кун эски хурофотларни, мадраса ўқишларини, халқ тирикчилигидаги ўзгаришларни, маданият ва иқтисод деган масалаларни текширишга кира бошладим» [4; 9], – деб таъкидлайди. 1908 йилда Наманганда мактаб очиб фаолият кўрсатган Ҳамза 1909 йили Бухорога Икромча домла ҳузурига арабча таҳсилни мукамал қилиб тугатиш учун келади [5; 25]. Лекин бу ердаги диний можаролар туфайли дастлаб Когон, сўнгра Тошкентга келади, Қашқар дарвоза маҳалласида янги усул мактаби очиб муаллимлик қилади. Ҳамза қизгин ижтимоий-сиёсий фаолиятга айнан ўша даврдан эътиборан киришади. Маълумки, жадиждларнинг мақсади халқни илм-маърифатли қилиб, ватанни озодликка олиб чиқишдан иборат бўлган. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам бундай эзгу мақсаддан мустасно эмас. Халққа хизмат қилиш ғояси шоирни муттасил маърифат сари етаклайди. Ҳамза 1911 йилда маслакдошлари билан «Жамияти хайрия»ни тузиб, йиғилган маблағга мактаб очади [6; 197]. Аммо Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ташкил этган «Жамияти хайрия» Россия империяси ҳукумати ташвишга солиб, тарқатиб юборилади. 1912 йил 20 июлда Қўқон шаҳрида «Қўқон артистлар тўғараги» ташкил этилган бўлиб, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий унинг асосчиларидан бири эди [7; 193]. Тўгаракнинг мақсади драматик асарларни ўрганиш ва уларни сахналаштириш ҳамда санъат ҳаваскорларини унга жалб этишдан иборат эди. Бир йилдан кейин Ҳиндистон, Макка, Мадина, Байрут, Истанбул ва бошқа шаҳарларга саёхат учун чиқиб кетади. 1914 йили ўз юртига қайтиб келган Ҳамза дастлаб Қўқонда, сўнг Марғилонда «Садойи Фарғона» газетасининг муҳаррири Охундий ёрдамида мактаб очиб, муаллимлик фаолияти билан шуғуллана бошлайди. Аммо мактаб саккиз ойдан сўнг Скобелев (Фарғона)

маориф раҳбари томонидан ёпилади [8; 353]. Ҳамза ҳам бошқа жадижд раҳномолари каби мактаблар учун «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби» каби китобларни ёзди [9; 95]. Ҳамза ҳам Абдулла Авлоний каби мактабларда ўқувчиларга таълим беришда ифодали ўқиш техникаси ва эстетик тарбияга алоҳида эътибор қаратади [10; 8]. Жадиждчилик руҳи билан суғорилган шеър ва мақолаларини «Садойи Фарғона», «Садойи Туркистон» газеталари саҳифаларида чоп этириб туради.

Ўлкадаги аянчли аҳвол, миллий ҳунармандчиликнинг касодга учраши, аҳолининг кундан-кун оғирлашиб бораётган турмуш шароити уни бефарқ қолдирмади. У ўз мақолалари орқали мустамлакачилар томонидан ўтказилаётган иқтисодий зулм ва унинг салбий оқибатларини очиб ташлади: «...Кеча бир кавшга 20 тийин олуб, наъл қоқуб берган бир уста бугун дарвозалар тагида: «Рабби ман, ё рабби рамазон!» – деб қичқирмақдадур. Бу хўрликларнинг илмсизликдан келганини, шояд, ўйлаган ва ақлга солиб қараган киши билур» [11; Садойи Фарғона]. Ҳамза ушбу мақоласида илмсизлик оқибатида халқ ачинарли аҳволга тушиб қолишини таъкидлайди. 1915 йили у Қўқонда «Ғайрат» кутубхонасини ташкил этади, камбағал болалар учун мактаб очади [12; 295]. Лекин уезд бошлиғи томонидан унинг мактабида тинтув ўтказилиб, мактаб ёпиб қўйилади. Унинг ўзини айблаш учун эса ашъвий далил топа олмайдилар. Ҳамза ўша вақтдаги сиёсий вазиятда ҳам четда турмай, халқ манфаатларини химоя қилди. Хусусан, 1916 йилги мардикор воқеалари даврида бир қанча маслакдошлари билан биргаликда Қўқон шаҳрида содир бўлаётган адолатсизликлар ҳақида халойиқдан имзо тўплаб хат ёзиб, марказга – Петроградга подшонинг номига жўнатади [13; 21].

1914 – 1916 йиллар мобайнида у 18 дан ортиқ адабий-публицистик асарлар яратди. Ҳамза 1917 йил февраль инқилобигача ҳам ўзининг ижтимоий фаолиятини миллий озодлик ғоялари билан чамбарчас боғлаган арбоб, бадиий ижодини ҳам шу ғояга бағишлаган жадижд эди. Бу йилларда унинг илк шеърларидан иборат «Девони Ниҳоний»си тартиб топган. «Садойи



Туркистон», «Садойи Фарғона», «Ойна», «Ал-Ислоҳ» газета-журналларида шеър ва публицистик мақолалари мунтазам босилиб турган. Ҳамза февраль инқилобини зўр қувонч билан кутиб олди. Подшо ҳукумати томонидан қўйилган назорат ўз кучини йўқотганидан фойдаланиб Қўқонда ташкил этилган муаллимлар жамияти ўз матбуот органига эга бўлишга ҳаракат қилди. Натижада «Кенгаш» журнали нашр этила бошлади. Журнал муҳаррирлигига Ҳамзани тавсия этдилар. Кейинчалик у ўз фаолиятини «Хуррият» журналида давом эттирди. Февраль инқилобидан кейин Ҳамза ташаббуси билан Фарғона шаҳри миқёсида ҳаваскорларнинг мусиқа драматик тўғараги ташкил қилинди [14; 140].

Хулоса қилиб айтганда, Ҳамзанинг совет давридаги фаолияти ҳукмрон мафкура манфаатлари доирасида бўлди. Ҳамза большевикларнинг миллий сиёсат соҳасидаги пуч ғояларига ишонди. У ўзининг маърифатпарварлик фаолиятини совет давлати идораларида давом эттирмоқчи бўлди. 1918 йилдан у Қўқон ва Фарғонада фаолият кўрсатади, Ҳамза 1920

йили Коммунистик партияга аъзо бўлиб кирди. 1921 йил март ойида Бухорода маориф ва ҳарбий тарғибот-ташвиқот шуъбалари қошида театр труппасини ташкил қилиб, 1921 йилнинг охиригача Бухорода бўлди. Совет даврида ҳам педагогик ва адабий фаолиятини давом эттирди. Унга 1926 йил 27 февралда республика ҳукумати томонидан биринчи бўлиб «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилди [15; 63]. 1928 йил 10 августда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Йўлдош Охунбобоев, машҳур шоир Ҳамза ва Олтиариқ райони раҳбарлари Шоҳимардонга келишади. Ҳамза бироз аввал тузилган Шоҳимардонда бидъат ва хурофотга қарши чора-тадбирларни амалга оширувчи комиссия таркибига инспектор сифатида киритилган эди [16; 440]. Оташин шоир ва драматург Ҳамза Шоҳимардонда 1929 йил 18 март куни ноъмалум тарзда сиёсий кучларнинг иғвосига учган бир тўда мутаассиблар томонидан ўлдирилади. У қисқа ҳаёти давомида XX аср ўзбек жадидчилиги ҳаракатида, айниқса, маърифатпарварлик тарихида сезиларли из қолдирди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон МДА, И-47 фонд, 1-рўйхат, 1004-иш, 95-варақ
2. Бобохонов А. Ҳамза Ҳакимзоданинг педагогик ғоялари. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон, 1960. – Б.13.
3. Бабахонова А. Общественно-педагогическая и литературная деятельность Ҳамзи. – Ташкент: Ўқитувчи, 1979. – С.26.
4. Ҳамза. Мукамал асарлар тўплами. Тўрт томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.9.
5. Қаяюмов Ё. Ҳамза. – Тошкент: Ёш гвардия, 1973. – Б.25.
6. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди проблемалари. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.197.
7. Раҳмонов М. Ҳамза ва ўзбек театри. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1959. – Б.193.
8. Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. 5-том. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.353.
9. Баратов М. Ўзбекистонда маърифат учун кураш тарихидан. – Тошкент: Фан, 1961. – Б.95.
10. Долимов У. Жадид мактаблари: Уларда она тили ва адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари. Педагогика фан. докт. дисс... автореф. – Тошкент, 2008. – Б.8.
11. Ниёзий Ҳ.Ҳ. Фақирлик нимадан ҳосил бўлур // Садойи Фарғона. 1914 йил 10 август.
12. Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. 4-том. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.295.
13. Қаяюмов Ё. Ҳамза. – Тошкент: Ёш гвардия, 1973. – Б.21.
14. Носиров О., Маъмуров М. Ҳамза замондошлари хотирасида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б.140.
15. Носиров О., Маъмуров М. Ҳамза замондошлари хотирасида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б.63.
16. Ўзбекистон тарихи. Икки томлик. 1-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.440.



ТЕМУРНОМАЛАР ЁХУД ТАРИХНАВИСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИГА БИР НАЗАР

Очил БЎРИЕВ,

Қарши давлат университети профессори,

Файзулло ШАРИПОВ,

«Жаҳон тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси



Профессор Поён Равшанов
(2019 йил 1 май, Андижон)

**«Поён Равшанов «Қашқадарё тарихи»ни
яратиб ўзига ҳайкал қўйди».**

Абдулла Орипов

довруқ қозонган ва катта мактаб яратган олимлар унча кўп эмас. Жумладан, фанларнинг бир неча йўналишида изчил илмий фаолият юритаётган ва юқори натижаларга эришаётган билимдон олимлар бармоқ билан санарли, айниқса, вилоятларда.

Адабиётшунослик ва тарихнавислик йўналишларида баб-баравар самарали ижод қилаётган олим, кўплаб шогирдлари фан доктори, профессор даражасига эришган қомусий сиймо, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Поён Равшановнинг илмий салоҳиятини республикамиз зиёлилари жуда яхши билишади. Юртимизда олимнинг китоблари кириб бормаган хонадон бўлмаса керак.

Таниқли адабиётшунос ва тарихнавис олим Поён Равшанов қарийб 57 йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти давомида ёшларга пухта сабоқ берди, юртимиз тарихи ва адабиётини синчиклаб ўрганди. Бу иккала йўналишда 60 дан зиёд салмоқли китоблар, монографиялар яратди, юзлаб мақолалар ёзди. Қаҳрамон шоиримиз Эркин Воҳидов бир чиқишида тарих ва адабиётни қушнинг қўш қаноти тига қиёслгани бежиз эмас, албатта.

Мамлакатимиз зиёлилари ўртасида илмий даража ва унвонларга эга бўлган, халқимиз олим деб эъзозлаган инсонларнинг анчаси фаолият кўрсатишади. Кўп йиллик кузатувларга асосланиб шунини таъкидлаш жоизки, илмий унвон ва даражага эга бўлганларнинг барчасини ҳам олим деб бўлмас экан. Бундай илмий унвон ва даражалилар таркибида ҳақиқий билимдон, устоз мақомидаги зукко олимлар озчиликни ташкил этади. Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ва вилоят марказларидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ўз илмий-педагогик фаолиятини уйғунлаштирган ҳолда самарали фаолият кўрсатиб



Юртимизда аҳоли ўртасида сўровнома ўтказилганда ҳам домла Поён Равшановнинг китоблари юқори баҳо олиб, энг ўқишли китоблар рўйхатидан жой олгани бежиз эмас.

Таниқли адабиётшунос ва тарихнавис олим Поён Равшановнинг илмий-педагогик фаолияти ва асарлари ҳақида ижобий фикр-мулоҳазаларни ўз даврида академиклар Б.Аҳмедов, К.Шониёзов, қаҳрамон шоиримиз А.Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Б.Бойқобиллов билдиришган эди. Ҳанузгача олимнинг серқирра илмий фаолияти тўғрисида махсус тадқиқот яратилмаган. Айниқса П.Равшановнинг тарихнавислик соҳасидаги асарларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ўз тадқиқотчисини кутмоқда. Кейинги пайтда бу жабҳада дастлабки қадамлар ташланаётганлиги қувонарлидир.

Сермаҳсул олим Поён Равшановнинг илмий-педагогик фаолиятини қуйидагича тавсифлаш мақсадга мувофиқ: педагогик, маънавий-маърифий; мумтоз адабиёт, манбашунослик, матншунослик; проза; поэзия; ўлка тарихи; қатағон қурбонлари тарихи; темуршунослик.

П.Равшанов 1941 йил 20 июлда Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги Катта Дўстберди қишлоғида элпарвар зиёли инсон Равшан Қурбонов оиласида тавлуд топди. Қишлоқдаги ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, 1958 йилда Самарқанд давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди.

Ўз даврининг нуфузли олимлари Воҳид Абдуллаев, Улуғ Турсунов, Орифжон Икромов, Ботирхон Валихўжаев, Маҳмудали Юнусов, Сайдулло Мирзаев, Нуриддин Шукуровдан таълим олди.

1963 йилда олийгоҳни имтиёли диплом билан тугатгач, Самарқанд вилоятидаги ҳозирги «Зарафшон» (собиқ «Ленин йўли») газетасида адабий ходим бўлиб ишлади. 1964 йилдан эса Қарши давлат университети (собиқ педагогика институти) «Ўзбек адабиёти» кафедрасида ўқитувчилик қила бошлади. Мазкур кафедрада катта ўқитувчи, доцент, мудир, ўзбек филологияси факультети декани, университет ўқув ишлари проректори лавозимларида самарали

фаолият юритди. Бу даврда Қарши давлат педагогика институти энди ривожга юз бураётган, илмий муҳит собитқадамлик билан шаклланиб бораётган эди. Айниқса, комилу фузало Орифжон Икромовнинг институт ректори лавозимига ишга келиши бу соҳада сезиларли бурилиш ясади. Ёш тадқиқотчи профессор О.Икромов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёзиб тугаллади ва муваффақиятли ҳимоя қилди.

Поён Равшановнинг бир умрлик меҳнат фаолияти ана шу қутлуғ даргоҳ билан чамбарчас боғланган. Олийгоҳда тиниб-тинчимас, изланувчан педагог ва олим сифатида тўла шаклланди. Дарахт бир жойда кўкаради, улғаяди деган ташбеҳ бу ерда жуда ўринли. Олий таълим машаққатлари, талабаларга таҳсил бериш ниҳоятда мураккаблиги билан ажралиб туради. Дарс масъулиятидан ортиб номзодлик, докторлик ишларини ниҳоялаган, рисолалар, дарсликлар яратишга имкон топган олимлар анчагина. Ҳаттоки улар марказжан олисда яшасалар-да, юртимиз илм-фани ривожига салмоқли ҳисса кўшиб обрў-эътибор топмоқдалар. П.Равшановни ана шундай сермаҳсул олимлардан деб эътироф этиш жуда ўринли бўлади.

Илм аҳлининг ўз йўли, ўз қарашлари бўлган тақдирдагина уни жамоатчилик тан олади. Поён Равшанов дастлабки мақолаларидан ўзига хос бўлишга интилгани сезилади. «Шарқ юлдузи» журналининг 1983 йил 2-сонида эълон қилинган «Алишер Навоий шажараси» тадқиқоти илмий теранлиги, янгиллиги билан жиддий илмий доиралар эътирофига сазовор бўлган. Академик Салоҳиддин Мамажонов, профессор Умарали Норматов улуғ шоир авлод-аждодлари ҳақидаги мазкур ишга юксак баҳо берган эдилар. Мазкур мақола олимнинг номини илмий жамоатчиликка танитган дастлабки тадқиқот бўлган. «Мулоқот» журналининг бир нечта сонида чоп этилган «Муқанна» иши салмоқли асардир. Гарчанд бу мавзу кўп бора қаламга олинган бўлса-да, П.Равшановнинг тадқиқоти янгиллиги, бирламчи манбаларга асосланганлиги билан алоҳида ажралиб туради.



Поён Равшанов илм оламига кириб келган даврлардан эътиборан Қашқадарё тарихини қаламга олди. XX асрнинг 60 – 70-йилларида юртимизнинг салмоқли қисмини ташкил этувчи Қашқадарё воҳаси ўтмиши, маданияти, адабиёти тарихи деярли ўрганилмаган эди. Ҳатто айримлар тасаввурида бу воҳа фақат чўлдан иборатдек туюларди. Соҳибқирон Амир Темурдек даҳо шахсни етиштириб берган маъво қизил мафкура ҳукм сурган йилларда ҳар жиҳатдан ўғайлаб қўйилганди.

Поён Равшанов илм-фандаги бу кемтикликни эрта пайқаган. У шу юртнинг фарзанди сифатида Қашқадарёни улуғлаш ва эъзозлаш йўлидан борди. Унинг «Адабий саҳифалар» (1995) деб аталган рисоласида қадимий Нахшаб-Насафда, Кеш-Шаҳрисабзда, шунингдек, Касби, Фазли, Офурон, Фудина сингари катта қасабаларда IX – XIX асрларда яшаб ижод қилган 30 нафар аллома, ҳадисшунос, фикҳшунос, адиб ва шоир, муаррих, адабиётшунос ва тилшунослар мероси тадқиқ этилди. Бу асар Насафийлар меросини ўрганиш бобидаги илк қадам бўлган эди.

1969 йил кузида республика телевидениесида мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан олий ўқув юртлари талабалари беллашувлари бўлиб ўтган. Қаршилик талабалар Қўқон давлат педагогика институтининг билимдонлари билан баҳсга киришган эди. Бу мулоқотда Қарши ва Шаҳрисабзда яшаган, Алишер Навоий замондошлари бўлган (баҳс мавзуси улуғ шоир ҳаёти ва ижоди асосида эди) Мавлоно Соёлий, Мавлоно Мир Қарший ва Абулбарака Фироқий Шаҳрисабзий образларининг илк бор олиб чиқилиши катта воқеа бўлган. Кўплаб томошабинлар ўшанда Қашқадарё воҳасида ҳам Алишер Навоий назарига тушган ижодкорлар бўлганлигидан ҳайратга тушган эди. Бу П.Равшанов изланишларининг ҳаётга татбиқ этилиши самараси бўлган. Кейин эса «Тарих бадиияти» (1989), «Адабиёт ва таълим» (1991) китоблари ҳам нашр этилди.

Иқтидорли олим олийгоҳда узоқ йиллар мумтоз адабиётимиз тарихидан таҳсил бериб келди. Муҳими, у Қашқадарёнинг шаҳару қиш-

лоқларида асрлар давомида сақланиб қолган қўлёзма асарларни излаб топди. Кўп йиллар олиб борилган бу саъй-ҳаракатлар натижаси чакки бўлмади. Эндиликда домланинг шахсий жамғармасида 500 дан зиёд ноёб қўлёзма асарлар жамланган. Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома», Ҳасан Ато Абушийнинг «Туркий қавмлар тарихи» олим томонидан тадқиқ этилди. Собиқ шўро даврида қўлёзмалар тўплашга журъат қилиш, гапнинг очиғи, катта жасорат эди.

Қашқадарё вилояти Қизил салтанатнинг найзаси қадалган ҳудудга айланиб, 80-йиллар иккинчи ярмида чуқур таназзулни бошдан кечираётган эди. Маънавий тушкунлик, иқтисодий танглик вилоят аҳолисини саросимага солиб қўйганди. Тазйиқ ва таҳдидлардан зиёлилар, олимлар ҳам четда қолмаган. Мана шундай қалтис вазиятда вилоятга Ислом Абдуғаниевич Каримов биринчи раҳбар бўлиб келди. П.Равшанов бошида айланган қора булутлар вилоят раҳбарининг аралашуви билан тарқалиб кетди. Ислом Абдуғаниевич Поён Равшановнинг китоблари, мақолалари билан атрофлича танишди ва у билан икки-уч бора суҳбатлашди. Бафуржа суҳбатлар якунида вилоят раҳбари: «Сиз тарихни яхши биларкансиз, Қашқадарё тарихи ҳозирга қадар ёзилмаган, бу ачинарли ҳол. Ёшларимиз ўз ўтмишини, улуғ аждодларини, қадимий шаҳар, қишлоқларини билмай улғайса, улар қандай ватанпарвар бўлади? Сиз шу ишга киришинг, муаммолар бўлса, айтасиз», – деганди. Охирги мулоқот 1989 йил апрелида бўлган эди.

Шундан кўп ўтмай Ислом Абдуғаниевич республика биринчи раҳбари лавозимига кўтарилди. Адабиётшунос олимнинг тарихга бурилиши, ниҳоят, «Қашқадарё тарихи»га қўл уриши осон кечмади. Йиллар, ойлар ҳаловатни, ҳордиқни, байрамларни унутишга тўғри келди. П.Равшанов зиммасига олган масъулиятни адо этиш учун олти йил тинимсиз ишлади ва изланди. Москва, Санкт-Петербург шаҳарлари кутубхоналарида неча ойлар давомида сарғайган, титилган китобларни, қўлёзмаларни синчиклаб ўрганди. Шу тариқа унинг



«Тарих бадиияти» (1989) деган салмоқли асари дунёга келди.

Олимнинг деярли ўттиз асрлик катта даврни қамраб олган «Қашқадарё тарихи» (Тошкент: Фан, 1995) номли салмоқли китоби қарийб 50 босма табоқдан иборат бўлиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси ҳузуридаги нуфузли илмий-бадиий кенгаш томонидан нашрга тавсия этилган (1995 йил 29 июнь).

Қўлёзмага академик Б.Аҳмедов тақриз ёзган (1995 йил 17 июнь). Машҳур академик таъкидлайдики: «Қашқадарё воҳаси Туркистон заминининг қадимий ўлкаси бўлиб, бир вақтлар Юнон-Бақтрия, Кушон, Суғд, Араб халифалиги ва бошқа қадимий ва ўрта аср давлатлари тарихида катта ўрин эгаллаган, унинг тарихи кўҳна Туркистон тарихининг бир қисмидир. П.Равшановнинг мазкур асари муҳим ва таҳсинга сазовордир. Ниҳоят, воҳанинг қадим замонлардан то Туркистоннинг Россия тарафидан босиб олинишигача бўлган катта бир даврни ўз ичига олган тарихи яратилди. Асар тарих фани учун янгилик бўлиб, қадимий ва навқирон маданиятимиз тараққиётига қўшилган муносиб ҳиссадир» (Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент: Фан, 1995. – Б.2). Ушбу салмоқли китоб тез орада 1500 нусхада босилиб чиқди.

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов ҳам устознинг самарали ижоди ва илмий изланишларини эътироф этган: «Поён Равшанов «Қашқадарё тарихи»ни яратиб, инсоф юзасидан айтиш жоизки, ўзига ҳайкал тиклади. Бу салмоқли асар воҳанинг қарийб уч минг йиллик кечмишини қамрайди. Бу хилдаги китобларни ёзиш учун билимдан ташқари катта қалб, юртга буюк муҳаббат бўлмоғи лозим, албатта. Дўстимизда булар жамулжам» (Равшанов П. Авлоднома: мемуар-роман. 1 – 2-к. – Тошкент, 2017. – Б.660).

Мустақиллик даврида халқимиз тарихига давлат аҳамиятига молик масала сифатида катта эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш ташаббуси ва ғояси

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовга тааллуқлидир. Ватан кечмишига бўлган эътибордан куч ва руҳ олган Поён Равшанов 90-йиллар биринчи ярмида қатор тарихий асарлар ёзишга муваффақ бўлди. «Амир Темур туғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси», «Туркий қавмлар тарихи», «Саиднаби қоровулбеги» сингари салмоқли монография китобхонларни, олимларни бефарқ қолдирмади. Баҳслар якунида тарих илми, қадимшунослик фани бир қадам олдинга силжиди. Академик В.В.Бартольддек йирик шарқшунос жойини номаълум деб қарган Занжирсарой қалъаси кашф этилди. Муборак туманининг Кўҳна шаҳар мавзеида Тўхтамиш ўт қўйган мазкур қалъа бир неча асрлар давомида номаълум қолиб, қарийб афсонадек талқин этила бошланганди. Кашшофлар мақсадга осонликча эришмайди, албатта. П.Равшанов қаламга олган, хулоса чиқарган барча муаммолар ниҳоятда долзарб.

Олимнинг сермахсул ва серқирра илм соҳиб-и эканлигини таъкидлаш жоиз. Адабиётшунослик, тарихнавислик, ижодкорлик рутбалари унинг шахсида бир бутунликни, қомусийликни ташкил этади. Мустақиллик йилларида кўплаб китоблар ёзишга ва нашр эттиришга муваффақ бўлган П.Равшанов илмий таржимаи ҳолида 90-йиллар иккинчи ярми муҳим босқич ҳисобланди. Биринчи Президентимиз фармони асосида 1997 йилда «Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази» ташкил этилгач, П.Равшанов ўриндошлик асосида мазкур марказга бош илмий ходимликка чақирилди. Профессорлар Ҳамдам Содиқов, Рустамбек Шамсутдинов билан ҳаммуаллифликда «Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида» деб номланган 1-жилдни яратишга муносиб ҳисса қўшди. 3 жилдлик янги тарихимизнинг биринчи жилди 2000 йилда нашрдан чиқди.

XX аср 90-йиллари иккинчи ярмида П.Равшановнинг илмий-бадиий тафаккур парвози янада баланд бўлди. «Амир лашкар Алимқул тарихи», «Ҳофиз Рўзибой Машраб», «Жейнов тарихи», «Аждодларимиз қадри», «Малика Кенагас ойим ёхуд амир Насруллонинг ўлими қиссаси» сингари китоблари бирин-кетин нашрдан чиқди. Таъкидлаш жоизки, бу асар-



ларнинг бирортаси кенг жамоатчилик эътиборидан четда қолмади.

Кенагас ойм ҳақидаги тарихий қисса манбалар асосида яқин тарихимиз манзарасини ойдинлаштиришади, ўтмишга бўлган муносабатимизга тузатиш киритади. Бу китобларни ўқишга, мутолаа қилишга эҳтиёж катта. Халқимиз тарихидаги ёрқин сиймоларнинг ҳаққоний ҳаёт йўлини ёритишда қўлғезма манбалар бамисоли туганмас хазинадир. Ҳофиз Рўзибой Машраби Сонийга бағишланган тадқиқот ҳам ўқувчини ўйлашга даъват этади, кутилмаган, фавқулодда янги далилларни ўртага қўяди.

2003 йил кузида олимнинг «Қашқадарё: истиқлол арафасида. 1986 – 1989 йиллар» номли китоби кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Бу асар ҳақида матбуотда ўнлаб тақризлар эълон қилинди, кўзга кўринган сиёсатшунослар, муаррихлар, жамоат арбоблари, шоирлар, адиблар, оддий китобхонлар фикр билдирдилар.

Мамлакатнинг озодлигига тамал тоши ҳали шўро тузуми амалда бўлган йилларда қўйила бошланганини илмий-тарихий асосда ёритиш ниҳоятда долзарб масала эди. П.Равшанов Қашқадарё вилояти мисолида ватанпарвар, элпарвар раҳбарнинг мустақиллик учун олиб борган оғир ва машаққатли курашини асослашга муваффақ бўлган эди. Китоб мустақилликдек буюк бурилиш даврининг асосчиси, юрт халоскори ҳақида самимият билан ҳикоя қилиб, тарихий ҳужжатларга, шаҳодатларга асосланганлиги учун тезда ўзининг юксак баҳосини олди. Муаллиф 2003 йилда Ёзувчилар уюшмаси ва Телерадиокомпания эълон қилган «Замонамиз қаҳрамони» танловида биринчи ўринни эгаллади.

Изланувчан олим «Ватан тарихидан. Турон VII – IX асрларда» номли китобини ҳам 2003 йилда ўқувчиларга ҳадя қилди. П.Равшановнинг ижодкорлик салоҳияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш лозим бўлади. Талабалик йилларидан шеърлар, ҳикоялар, очерклар ёзишга ҳавас қилган олим адабиёт ва тарих фанларини теран мушоҳада қилганлиги боис бадиий ижодда ҳам кечмиш манзараларини гавдалантиришга интилди. Унинг «Завол»

(«Мўмин Мирзо») тарихий қиссаси 1991 йилда нашр этилганида қўлма-қўл бўлиб кетган эди. Бу қисса Мўмин Мирзо ҳақидаги энг таъсирли, ҳаққоний, асл манбаларга асосланган, юксак маҳорат билан ёзилган асар ҳисобланади.

«Умид уммони», «Нахшаб қиссаси», «Карвон қўнғироғи» каби шеърӣ тўпламлар ҳам ижодкорнинг фалсафӣ ҳикматлар олами кенглигидан далолат беради. Олим ва ижодкор ўзининг ярим асрдан зиёд адабий-илмӣ фаолияти сарҳисоби сифатида 3 жилдлик сайланма асарларини нашр эттирди.

Қашқадарё воҳасининг Шаҳрисабз (Кеш), Қарши (Нахшаб, Насаф) сингари тарихи 3 минг йилга яқин қадимий шаҳарлари мавжуд. Шу юртнинг фидойи ўғлони ва олими Поён Равшановнинг суюкли шаҳарлари тарихини ёйишда, асослашда, ёритишда хизматлари беқиёсдир. У Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб «Нахшаб ва Кеш тарихи манбалари» асарини нашрдан чиқаришга эришди. Тез орада «Қарши тарихи», «Шаҳрисабз тарихи» каби салмоқли китоблари ҳам яратилди.

Профессор Поён Равшановнинг чорак асрдан зиёд илмӣ-ижодӣ фаолиятига назар ташласак, унинг темуршунослик йўналиши ҳам муҳим ўринда туради. Олимнинг бу устувор йўналишдаги тадқиқотлари истиқлол арафасида ва ундан сўнг яратилганлигига гувоҳ бўламиз.

Ўтган XX аср 80-йиллари ўрталарида собиқ Иттифоқда бошланган ошкоралик эпкинлари ўтмиш тарихимизни, буюк Амир Темур даврини ўрганишга ҳам бирмунча қулай шартшароит туғдирди. Соҳибқирон тарихини ўрганишда буюк бобокалонимизнинг юртдошлари – қашқадарёлик П.Равшанов, У.Уватов, О.Тоғаев яловбардорлик қилишган десак асло муболаға бўлмас. Бу ташаббусни ўша вақтдаги Қашқадарё вилоятининг биринчи раҳбари И.А.Каримов ҳам тўла қўллаб-қувватлаган эди (Бу ҳақда батафсил қаранг: Равшанов П. Қашқадарё истиқлол арафасида: 1986 – 1989. – Тошкент, 2003; Авлоднома. – Тошкент, 2017).

П.Равшановнинг «Ёшлик» журналининг 1989 йил 10-сонидан босилган «Соҳибқирон муҳри» мақоласи катта қизиқишга сабаб бўл-



ди. Ушбу мақола академик И.Мўминовнинг машҳур рисоласидан 20 йил кейин яратилган жиддий тадқиқот ҳисобланади. Олим бу мақоласи учун анча тазйиқларга учраган бўлса-да, уни жамоатчиликка тарихчи сифатида танитди.

Олим кўп ўтмай Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» асарини нашрдан чиқарди. Бу китоб 1990 – 1991 йилларда жами тўрт юз минг нусхада босилиб чиқди. Бу шаклланаётган ўзбек темуршунослигида муҳим воқеа бўлди (Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Амир Темур Кўрагон жангномаси / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, луғат муаллифи П.Равшанов. – Тошкент, 1990 – 1991).

Мустақиллик йилларида ниҳоятда сермаҳсул олимнинг ушбу йўналишдаги кўплаб салмоқли китоблари нашр этилди: «Амир Темур туғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси» (ҳаммуаллифликда. Тошкент, 1992), «Амир Темур ватани» (Қарши, 2001), «Темурбек ва амир Ҳусайн қиссаси», «Амир Темур сулоласи» (Тошкент, 2014, 2015), «Оқсарой тарихи» (Тошкент, 2016), «Темурийлар силсиласи» (Тошкент, 2017).

Шунингдек, олимнинг «Завол» (1991), «Қашқадарё тарихи» (Тошкент, 1995), «Туркий қавмлар тарихи» (Тошкент, 1995), «Нахшаб ва Кеш тарихи манбалари» (Қарши, 2005), «Қарши тарихи» (Тошкент, 2006), «Шаҳрисабз тарихи» (Тошкент, 2011), «Султон Мир Ҳайдар Ота даражоти» (Тошкент, 2014) ҳамда «Сайланма» (1-жилд. Тошкент, 2005; 2-жилд. Тошкент, 2006; 3-жилд. Тошкент, 2011) каби китобларида ҳам темурийлар тарихига оид теран мулоҳазалар мавжуд. Бунга олимнинг кўплаб газета, журнал ва илмий тўпламлардаги мақолалари кирмайди, албатта. Устознинг 60 дан зиёд салмоқли китоблари, нашр этилган мақола, шеъррий манзума ва илмий тадқиқотлари мухтасар рўйхати тузилса, шунинг ўзи бир катта китоб бўлиши мумкин.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўз вақтида таниқли ижодкор ва темуршунос олим П.Равшановнинг сермаҳсул фаолиятига юксак баҳо берган эди: «Мен Поён Равшановни жуда ҳурмат қиламан. Фидойи олим, ҳақиқий

ватанпарвар. Унинг асарлари орқали ёшлар тарихимизни билиб олади. Умуман, мактабларда унинг асарлари фан қилиб ўқитилиши керак» (Равшанов П. Авлоднома: мемуар-роман. 1 – 2-к. – Тошкент, 2017. – Б.609).

П.Равшановнинг «Темурийлар силсиласи» (Тошкент, 2017) номли салмоқли китоби муқаддима, ўн бўлим ва хотимадан иборат. Романда XV аср иккинчи ярми Шоҳрух ва Улуғбек мирзолар вафотидан сўнг Туркистон ва Хуросонда подшоҳлик қилган темурийзодалар, уларнинг тожу тахт учун ўзаро курашлари, қисматлари алоҳида мавзу қилиб олинган. Асарда мавжуд тарихий манбалар асосида даврнинг ўта чигал манзараси, парокандалик, қаттоллик сабаблари баён қилинган.

«Темурийлар силсиласи» романи олимнинг 2014 – 2015 йилларда нашр этилган «Амир Темур сулоласи» китобининг мантқиқий давоми сифатида темурийлар тарихи, қолаверса, Ватанимиз ўтмишига қизиқувчиларга мўлжалланган. П.Равшановнинг бу иккала салмоқли китоби кўп йиллик сермашаққат меҳнатлари самараси ҳисобланади.

Муаллиф ўз китобида ёзганидек: «Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари кечмишига академик И.Мўминовнинг машҳур рисоласи сабаб қизиқиб қолганман ва бу туйғу ҳамон қалбимда далда ва даъват боиси бўлиб қолди. Халқимиз кечмишини уммондан томчилаб йиққанам, ўзимча шаффоф ва зилол деб билганим икки ҳовучини – икки китобни сизга илиндим» (Темурийлар силсиласи. – Б.8).

Китобнинг хулоса қисмида таъкидланганидек: «Буюк Амир Темур бобомиз бунёд этган, овозаси дунёни тутган, миллатимиз довуғини ёйган, аҳли жаҳонни бир сира тан олдириган, тараққиёт ва адолатнинг мезони даражасига кўтарилган салтанат тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб, мангулик қаҳқашонида муқим қолади» (Темурийлар силсиласи. – Б.8).

Буюк Амир Темур ва авлодлари тарихи – ҳаёт сабоғи, унинг мутолааси келажак йўлимизни ёритади, олға боришимизда муҳим таянч вазифасини бажаради. Мазкур тадқиқотда П.Равшанов Соҳибқирон ва авлодлари



фаолиятига бағишланган Шарқ ва Ғарб олимларининг қаламига мансуб турли ноёб тадқиқотларни ҳам ниҳоятда синчиклаб ўрганган ва умумлаштиришга эришган. Шу боисдан таниқли олимнинг «Темурийлар силсиласи» китоби Ўзбекистон темуршунослигига қўшилган муҳим ҳисса дейиш мумкин.

П.Равшановнинг «Темурийлар силсиласи» китоби барча китобхонлар учун ниҳоятда қулай, равон тилда ёзилган. Китобни ўқиган киши Ватанимиз, қолаверса, Соҳибқирон Амир Темур ва ворислари даври тарихи билан яқиндан танишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, устоз П.Равшановнинг ҳар бир китобидаги мавзулар ниҳоятда долзарб, ранг-баранг, бири иккинчисини такрорламайди, китобхонларда катта таассурот қолдиради.

Илм-фан кишилари ҳаётини кузатсак, бир сира юлдуздек чақнаб, кўп ўтмай сўниб кетиш ҳоллари ҳам кўзга чалинади. Бу яна бир бор илмнинг, тадқиқот ишининг нақадар қийинлигидан далолат беради. Кашфиёт фандаги асосий мақсад бўлиши лозим. Йўқса, кимлардир бошлаб берган сўқмоқдан юривериш ҳеч қачон катта, равон йўлга чиқиб бўлмайди. Поён Равшанов илм кенгликларидан аввалбошдан ўз сўқмоғини ўзи яратган. Янги гап айтиш, муносабат билдириш учун теран, кенг қамровли билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Илм ватанпарварлик, миллатни севиш, бошқача айтганда ақл ва юрак уйғун бўлгандагина холис ва ҳалол, теран ва таъсирчан тарзда шаклланади.

Тарихимизнинг зукко билимдони П.Равшановнинг номи кўпчиликка яхши таниш. Таъкидлаганимиздек, юртимизда домланинг китоблари кириб бормаган хонадон йўқ деярли. Шу боисдан ҳам таниқли олимнинг сермаҳсул ижоди ва изланишлари бўйича туркум мақолалар, рисоалар яратса арзийди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2016 йил 16 ноябрда Шаҳрисабз туманида Қашқадарё вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувдаги нутқида воҳамиз олимлари ичида биринчи бўлиб Поён Равшановнинг исм-шарифини чуқур эҳтиром билан тилга олди

(Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент, 2017. – Б.311).

Она юртини чин дилдан севувчи, фидойи, ватанпарвар ва зукко билимдон устоз Поён Равшанов улуғ ёшда бўлса-да, тинмай самарали илмий изланишлар билан машғул, ҳар йилда камида 2-3 та салмоқли китоб нашр этгирмоқда, ёш тадқиқотчиларга ўзининг самимий маслаҳатларини асло аямайди.

Умри ҳам, сийрати ҳам, ижоди ҳам, ўзи ҳам бағоят ибратли устоз П.Равшанов учрашувларда ҳеч қачон фалон китоб ёки мақолани ёзганлигини гапирмайди, манбаларга таяниб тизимга солиб ўқувчиларга етказганлигини камтарона таъкидлайди, холос. Ҳаттоки ёш тадқиқотчиларга ҳам ҳурмат билан қарайди, ўз ёрдамини асло аямайди.

Шунингдек, «Она халқим – энг яқин устозим, камина эса толиби илмман», «Мен шогирдман, доимо устоз ахтараман, асосий ишим сўз дурларини миллатдошларимдан олиб, уларни ўзларига сайқаллаб бермоқдир», – деб қайта-қайта уқтирганларига кўп гувоҳ бўлганмиз.

Серқирра олим П.Равшанов ўз услубига эга фан намояндаларидан бўлиб, асарларида муаллифнинг тили, дунёқараши, ўзига хос жиҳатлари алоҳида ажралиб туради. Олим асосан асл манбаларга таянади, манбаларни бир-бири билан қиёслайди, солиштиради, таққослайди, сўнгра текшириб кўриб холисона хулосалар чиқаради. Тарихий воқеаларни ҳам хронологик тарзда китобхонларга тушунарли усулда, равон тилда баён этади. Шунинг учун бўлса керак, домланинг оғзаки ва ёзма нутқлари ниҳоятда уйғунлашиб, китобхонларни тезда ўзига жалб қилади.

Таниқли адабиётшунос ва тарихнавис олим, Қашқадарё воҳаси тарихининг тирик қомуси Поён Равшанов меҳнатлари алоҳида тақдирланган. У «Шуҳрат» нишонини соҳиб, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Қарши давлат университетининг фахрий профессори. Қарийб 57 йиллик фаолияти самараси бўлмиш 750 дан зиёд мақолалар, 60 дан ошиқ салмоқли тарихий-бадий асарлар



аллома зийнатли умрининг асосий безакларидир десак муболаға бўлмас. Олимнинг оилавий ҳаёти ҳам ҳавас қилгудек. Эл-юрт корига яраётган олти нафар фарзанди ўз соҳаларининг мутахассислари, ўттиз нафардан ошиқ набиралар ва чеваралар Поён бобо ва Садаф момонинг (жойлари жаннатда бўлсин) ширин мевалари ҳисобланади.

Табиийки, бир мақолада серқирра олим П.Равшановнинг илмий-педагогик фаолиятини, қолаверса, тарихнависликка қўшган муносиб ҳиссасини тўла ёритишнинг имконияти йўқ. Бунинг учун ушбу мавзуда туркум тадқиқотлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Фидойи, элпарвар, юртпарвар олим Поён Равшанов ҳамон қизғин илмий-ижодий фаолият устида. Солланиб оқаётган сермавж дарё янглиғ сиймо, таниқли олим ва адиб, дили, сўзи ва ўзи пок устоз Поён Равшановга Яратгандан узоқ умр, тансиҳатлик, оилавий баркамоллик, иждодий баракотлар тилаймиз. У кишидан янгидан-янги салмоқли асарлар кутиб қоламиз. Устозни илҳом парилари асло тарк этмасин.

Аллома П.Равшановнинг шогирди, Қашқадарё воҳаси Нодирабегими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоира Момоҳол Элмуродова суюкли устози ҳақида қуйидаги қасидани битди:

Аллома

Мозийнинг пинҳона сирлари аён,
Қочиб қутулолмас нигоҳингиздан.
Нозик таҳлил ила этсангиз баён,
Муҳиблар кетолмас даргоҳингиздан.

Араб иншосидан «Темурнома»ни
Ўзбекча шаклда этдингиз тортиқ.
Бу хушнуд айлади ҳамма-ҳаммани,
Ахир совға борми китобдан ортиқ?

Кенагас хонимнинг тақдир қисмати
Минглаб юракларни солди ларзага.
«Завол» қиссангиз-ку мени титратди,
Қанча мотам тутдим Мўмин Мирзога.

Шеърлар ҳам битасиз, рубоий, ғазал,
Қўлдан қўймай ўқир мухлисларингиз.
«Садоқат манзили», «Қалб мулки», «Сайқал»
Ўзбек шеърятин кўрки, шубҳасиз.

Дурдай тўкилгандир қасамингиздан
Тарихлар, таҳлиллар, тақризлар сонсиз.
Таъзимда туришар қадамингизда,
Юзлаб шогирдларга азиз устозсиз.

Сизга халқимиздан эҳтиром, эъзоз,
Маърифат аҳлига чўққи, нишонсиз.
Қанча таърифласак, шунча бўлур оз,
Элига ардоқли Поён Равшансиз.




АКБАР ЗАМОНОВНИНГ КИТОБИГА ТАҚРИЗ

И.М.ШАМСИЕВА,

тарих фанлари номзоди, Тошкент давлат шарқшунослик институти
«Шарқ мамлакатлари тарихи ва ҳозирги замон муаммолари» кафедраси доценти

Веб-технологиялар ва инновациялар даври ҳисобланган XXI асрда, жамият ҳаётининг барча тармоқларида бўлгани каби, таълим ва илм-фан соҳаларини ҳам ахборотлаштириш жараёни шиддат билан кечмоқда. Шу нуқтаи назардан, давр талаби контекстида Ўзбекистон тарихи фанини янги форматга ўтказиш, яъни уни рақамлаштириш ва виртуаллаштириш долзарб аҳамиятга эга.



Хусусан, «миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш... Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак».

Бу эса, ўз навбатида, бу борадаги ишларни модернизациялашни талаб этади. Нега деган-

да ахборотлашган жамиятда маълумот ва билимлар етказишнинг ўта тезкор ҳамда замонавий усуллари мавжуд. Бунда кундан-кунга оммавийлашиб бораётган ижтимоий тармоқларнинг ўрни катта.

Акбар Замоновнинг «Ўрта аср тарихий шахслари ҳаётининг айрим номаълум саҳифалари» илмий-оммабоп асари яратилишига «Телеграмм» ижтимоий тармоғидаги «akbarzamon» номли тарихга оид каналда эъ-



лон қилинган мақолалар (40 та) асос бўлди. Мазкур канал 2018 йил октябрь ойида очилган бўлиб, қисқа вақт давомида катта манбавий ресурсга айланди. Каналда Ватанамиз тарихининг турли даврларига оид фактлар, тарихий воқеа ва жараёнларнинг номаълум саҳифалари, машҳур ва унчалик машҳур бўлмаган тарихий шахслар ҳаёти ва фаолиятининг кўпчилиги билмаган қирралари ҳақида қизиқарли маълумотлар жойлаштирилган.

Масалан, «**Мусулмонлиги ва тақводорлиги учун тахтдан ағдарилган ҳукмдор**» номи остида берилган мақолада Чигатой улуси чингизийларидан бўлган Дувахоннинг ўғли Алоуддин Тармаширин (1326 – 1334) ҳақида сўз юритилиб, мазкур шахснинг Мовароуннаҳрдаги мўғул хонлари ичида энг диндор, тақводор ва ўта камтарин ҳукмдорлардан бири бўлганлиги эътироф этилади:

«Унинг даврида диний уламолар, шайхлар ва имомларга етарлича ҳурмат кўрсатилган. Бу борада Ибн Баттутанинг қуйидаги ҳикояси бунинг тасдиғидир: «...Бир куни мен пешин намозини ўқиш учун масжидга бордим. Аммо хон ҳали йўқ эди. Унинг маҳрамларидан бири жойнамоз келтириб, меҳроб яқинидаги, одатда, султон намоз ўқийдиган жойга ёзди ва Ҳисомиддин Ёғийга (*имомга* – А.З.): «Султонимиз таҳоратларини тугалламагунига қадар намозни бошламай, кутиб турар экансиз», – деди. Имом ўрнидан туриб деди: «Намоз Худо учунми ёки Тармаширин учунми?» У муаззинга (*азон айтувчига* – А.З.) намозни бошлашни буюрди. Султон масжидга кириб келганда икки ракат намоз ўқиб бўлинган эди. Шунда у қолган икки ракат намозни келган жойидан тугаллади. У намозни одамлар пойабзалларини ечиб қолдирадиган жойда, масжид остонасида ўтириб ўқиди. Намознинг ўқилмай қолган қисмини ҳам тугатиб, имомнинг олдида сўрашгани келди. Мен имомнинг ёнгинасида турган эдим. Сўнг султон менга қараб «Сен ўз мамлакатингга қайтиб борганингда ажамларнинг (*араб бўлмаганлар. Мовароуннаҳр аҳолисини назарда тутяпти* – А.З.) камбағаллари султонга қандай муомала қилишини айтиб бергин», – деди».

Шу ҳолатлардан маълумки, Тармаширин ўзига хос халқ ҳукмдори бўлган ва дин уламоларига нисбатан юксак эътиром кўрсатган, ҳатто ҳурмати ўрнига қўйилмаган вазиятда ҳам уларга кек сақламаган.

Ёки «**Жалолиддин Мангубердига совчи қўйган малика**» мақоласи номининг ўзи китобхон диққат-эътиборини тортади. Унда Озарбайжон ва Аррон мамлакатининг ҳукмдори Ўзбекнинг (1211 – 1225) давлатни бошқаришни ўз ҳолига ташлаб қўйгани, хотини, Ироқ ҳукмдори бўлган охирги салжуқий султон Тўғрул ибн Арслоннинг (1176 – 1194) қизи бўлган маликанинг Табриздан туриб бошқараётгани хусусида сўз боради: «Жалолиддин Табризга қарши юриш бошлайди ҳамда қалъа ҳар томондан ўраб олинади... Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, душман қўшини куч-қудратини чамалаш мақсадида қалъа деворига чиққан малика Султон Жалолиддинни кўриб унга ошиқ бўлиб қолган. Табриз қамалининг еттинчи куни малика бир гуруҳ элчиларни Султон Жалолиддин қароргоҳига юборади. Элчилар Султонга малика ўзи, одамлари, молмулки учун омонлик сўраганини, Хой шаҳри (Жанубий Озарбайжондаги ўрта аср шаҳри) ўзига берилиши шарти билан Табризни Жалолиддинга беражагини билдиради. Шу тариқа музокаралар натижасида 1225 йил 25 июлда Табриз Султон Жалолиддин томонидан эгалланади. ...Султон Табризда пайтида унинг ҳузурига Хой шаҳрида турган мазкур малика номидан бир гуруҳ аёллардан иборат элчилар келишган. Улар маликанинг Жалолиддинга турмушга чиқиш нияти борлигини ва эри, отабек Ўзбек билан ажрашганлигини билдиришган. Султон бир шарт билан – агар малика эридан ажралганлигини исботласа, унга уйланишга розилигини билдирган. Табризга яқин бўлган ҳудудлар, хусусан, Варзукон қозиси ҳам отабек Ўзбек маликани талоқ қилганлиги ҳақидаги гапларни тасдиқлашади. ... Табриз қозиси бўлган фақиҳ (фиқҳ олими) Иззиддин ал-Қазвиний отабек Ўзбек ва маликанинг эрхотинликдан чиққанлиги тўғрисидаги ҳукмни эълон қилади. Шундан кейин Жалолиддин Озарбайжон маликасини ўз никоҳига олади. У



маликага тўй совғаси сифатида Хойдан ташқари яна икки шаҳар – Солмас ва Урмияни атроф қишлоқлари билан бирга мулк қилиб беради. Манбаларда бу маликанинг исми келтирилмаган бўлса-да, ҳар ҳолда, унинг журъати тўғрисида Кавказ ҳудудида ортиқча қон тўкилиши, талон-торож ва алғов-далғовликларнинг олди олинган».

Кўриниб турганидек, мақолалар имкон қадар қисқа ва тушунарли, содда ва раван, оммабоп услубда ёзилган. Эътиборли томони, каналдаги маълумотлар шу вақтга қадар ҳеч қаерда эълон қилинмаган ва нашр этилмаган.

Мақолалар мазмун жиҳатидан кўпроқ биографик тарих ракурсида бўлиб, шахслар тарихига оид. Шунини алоҳида айтиш жоизки, Ўзбекистонда шахслар тарихини ўрганиш ва тадқиқ этиш етарли даражада йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, жаҳон тарихшунослигида микротарихнинг бир қисми сифатида қабул қилинган тарихий биография ёки ҳаёт тарихи (life history) Плутарх замонидан маълум бўлиб, кенг миқёсда ўрганилади, махсус биография тарихи марказларида алоҳида изланишлар олиб борилади. Ҳаёт тарихи (life history) тарихий шахс умрининг турли босқичларидаги (болалигидан улғайиш ва кексалик давригача) ҳаётнинг тажрибаси ва индивидуал йўлини ўрганишдир.

Тарихда ном қолдирган буюк шахсларга бўлган қизиқиш ҳеч қачон сўнмаган, айниқса, уларнинг тақдирига дахлдор қизиқ, баъзида

эътибордан четда қолдирилган маълумотларга эга бўлиш замон кишилари дунёқарашининг янада бойишига хизмат қилади. Буюк шахсларнинг хатти-ҳаракатларини англаб етиш учун шу инсонларнинг умр йўли, характер тарбияси ва ҳаётнинг позициясининг шаклланиш жараёнини ўрганиш зарур.

Ахборот ва билимлар майдонига айланган глобал Интернет макони, жумладан, ижтимоий тармоқларда тарих «жонланади», ўтмишнинг буюк инсонлари ҳаётга қайтади. Рақамли ёки виртуал тарих анъанавий тарих билан узвий боғлиқ, уларни бир-биридан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис мазкур асарнинг ижтимоий тармоқдаги микроблог (канал) форматидан китоб шаклида тақдим этилиши тарихга қизиқувчилар аудиториясининг кенгайишига хизмат қилади.

Буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросидан баҳраманд бўлиш, уларнинг ибратли ҳаёт йўлини холисона ўрганиш ва тадқиқ қилиш, уларнинг ҳаёт йўлидан ибрат олиб яшашни тарбиялаш ёш авлоднинг миллий ўз-лигимиз, Ватанимиз тарихига юксак эҳтиром ва ҳурматда бўлишида, элпарварлик ва фидоийлик руҳида камол топишида муҳим аҳамият касб этади.

Фикримизча, Ўзбекистон тарихининг туб бурилиш палласида тарих саҳнасида чиққан шахсларнинг ўрни ва ролини ўсиб келаётган авлодга етказиш уларнинг дунёқараши ва ҳаётнинг позициясининг шаклланиши, маънавий камолоти учун муҳимдир.